

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАМАТКУЛОВА ЯЙРА ДИЛМУРОД ҚИЗИ**

**ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**  
**ЙЎЛЛАРИ**

**08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит”**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ**

**Тошкент – 2022**

<b>МУНДАРИЖА</b>		<b>Бет</b>
	<b>КИРИШ</b> .....	<b>3</b>
	.	<b>3</b>
<b>I БОБ.</b>	<b>ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ РИВОЖЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ</b> ....	<b>14</b>
	.	
1.1	Пенсия таъминоти тизимининг назарий асослари ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимидаги ўрни.....	14
	.	14
1.2	Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизимининг норматив-ҳуқуқий асослари.....	26
	.	26
1.3	Пенсия таъминоти тизимини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг хориж тажрибалари ва унинг хусусиятлари.....	34
	.	34
	Биринчи боб бўйича хулосалар.....	48
<b>II БОБ.</b>	<b>ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ТАҲЛИЛИ ВА ТЕНДЕНЦИЯЛАР</b> .....	<b>50</b>
	....	<b>50</b>
2.1.	Хорижий мамлакатларда пенсия таъминоти тизими таҳлили ва асосий тенденциялари.....	50
	.	50
2.2.	Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизими кўрсаткичлари таҳлили.....	67
	.	67
2.3	Мамлакатимизда нодавлат пенсия жамғармаларини ташкил этишнинг ҳолати ва ривожланиш тенденциялар. . . . .	81
	.....	81
	Иккинчи боб бўйича хулосалар.....	88
	.	88
<b>III БОБ.</b>	<b>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ</b> .....	<b>90</b>
	.	<b>90</b>
3.1	Пенсия таъминоти тизимини ривожлантиришнинг илғор хориж тажрибаларидан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятлари.....	90
	.	90
3.2	Миллий пенсия таъминоти тизимини ривожлантириш йўналишлари.....	96
	.	96

Учинчи боб бўйича хулосалар. ....	106
.	
<b>ХУЛОСА. ....</b>	<b>109</b>
.	
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати. ....</b>	<b>112</b>
.	

## КИРИШ

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда пенсия тизимини ислоҳ этишга оид тадқиқотларда дунё аҳолисининг кексайиб бораётганлиги, демографик вазиятнинг кескинлашиши, ишсизлик муаммосининг авж олиши, яширин иқтисодиётда банд бўлганлар сонининг кўпайиши билан боғлиқ илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. “Жаҳон банкининг берган маълумотларига кўра 1990 йилда дунё аҳолисининг деярли ярим миллиарддан ортиғини 60 ёшдан ошганлар ташкил этган бўлса, 2030 йилга бориб бу кўрсаткич 1,4 миллиардга етади”<sup>1</sup>. Бундай прогноз пенсияга чиқувчиларнинг ошишидан далолат беради. Бу ўз навбатида пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш борасида халқаро миқёсда доимий равишда илмий тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини тақазо этади.

Халқаро амалиётда Жаҳон банки гуруҳи, Халқаро меҳнат ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти каби муассасалар томонидан пенсия тизими ислоҳотларини амалга ошириш, таркибий ўзгаришларнинг асосий йўналишларини белгилаш, тизим молиявий барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур тадқиқотлар нуфузли тадқиқот марказлари томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, пенсия жамғармалари фаолиятини шакллантиришнинг ташкилий асосларини баҳолаш услубиётини такомиллаштириш, хориж тажрибасини умумлаштириш имконини берган. Шу билан бирга, пенсия таъминоти билан боғлиқ вазиятнинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда, пенсия тизимидаги ўзгаришлар орқали инвестицион фаолликни оширишнинг амалий жиҳатларини белгилаш, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш орқали пенсия тизимидаги ўзгаришларни таъминлаш каби устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда узоқ истиқболга мўлжалланган барқарор иқтисодий-ижтимоий ривожланишни таъминлаш, **ислоҳотлар самарадорлигини ҳамда**

---

<sup>1</sup> J.P.Tursunov. Reforms in pension supply system in Uzbekistan. European Journal of Research. №3. 2019. P 43.

аҳолининг реал даромадларини ошириш, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар сонини ва аҳолининг даромадлар бўйича табақаланиш даражасини камайтириш, ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Пенсия ва нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартибини қайта кўриб чиқиш, пенсия тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарур”<sup>2</sup> муҳим вазифа сифатида белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг ижросини таъминлаш, пенсия тизимини институционал-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, пенсия таъминотини бозор муносабатлари талабларига мос равишда такомиллаштириб бориш, жамғарма даромадлари манбаларини барқарорлаштириш, пенсия таъминоти харажатларини мақбуллаштириш, уларнинг мақсадли сарфланиши ва пенсия тўловларини амалга ошириш устидан назоратни кучайтириш, жамғариладиган пенсия тизимига ўтишни ва нодавлат пенсия жамғармаларини жорий этишга қаратилган қатор чора-тадбирларни амалга ошириш борасидаги илмий тадқиқотлар кўламини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 июндаги ПФ-6241-сон «Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2021 йил 25 мартдаги ПФ-6195-сон «Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, «Саховат» ва «Мурувват» интернат уйлари тизимини янада ривожлантириш тўғрисида»ги, 2019 йил 26 сентябрдаги ПФ-5837-сон «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 21 майдаги ПФ-5723-сон «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги, 2018 йил 12 декабрдаги ПФ-5597-сон «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими самарадорлигини ошириш ва пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 28

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси. 2018 йил 29 декабрь. № 271-272 (7229-7230). Б-1

декабрдаги ПФ-5291-сон «Меҳнат фаолиятини амалга оширувчи айрим алоҳида тоифадаги пенсионерларга мақбул шароитлар яратиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари ва 2021 йил 4 майдаги ПҚ-5102-сон «Фуқароларга давлат пенсияларини тайинлаш жараёнини соддалаштириш ҳамда пенсия ва нафақаларни етказиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида ва соҳага оид бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.»<sup>3</sup>

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қатор иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ этилган. Хусусан, пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш масалалари хорижий иқтисодчи-олимлардан “Р.Дисней, М.Борелла, Е.Форнеро, М.Гора, Л.Котликофф, А.Сёде, К.Вруман, Н.Барр, П.Даймонд, Ф.Чубальски, М.Вред, А.Чернулич, П.Антолин, А.Дж.Биккер, З.Боди, Д.А.Брудерс, Д.А.Холландерс, Э.М.Пондс, А.Борш-Супан, Дж.Винтер, Д.Витас, Р.Гибсон, Э.Дэвис, Т.Кроссли, Р.Мертон, Ф.Модильяни, Дж.Стиглиц, Ф.Стюарт, Д.А.Холландерс, Э.Франк, Г.Шарлин, Р.Хайнц, О.В.Ломатидзе, А.Л.Лельчук, А.А.Попов, Е.Т.Гурвич, Л.С.Дегтярь, А.А.Новиков, М.М.Аранжереев, А.В.Головченко, С.Дедиков, Я.А.Кабаков, Е.И.Куликова, В.Д.Роик, И.А.Юрьева, Н.Н.Масюклар томонидан тадқиқ этилган. Шунингдек, Д.В.Бочкарев, А.В.Киевич, И.Е.Наздрева, Л.А.Сетченкова, Ю.Ю.Финогенова, А.В.Шаховларнинг илмий ишларида пенсия тизимида амалга ошириладиган

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари. Манба: [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

ислохотлар, пенсия жамғармалари фаолиятининг айрим амалий жиҳатлари ёритилган.”<sup>4</sup>

Пенсия тизимини ислоҳ этишнинг назарий ва амалий жиҳатлари ўзбек олимларидан “А.В.Вахабов, Қ.Х.Абдурахмонов, Б.Х.Умурзоқов, Р.Т.Долимов, Н.М.Мажидов, Г.К.Саидова, Д.Р.Рустамов, Ш.У.Ражабов, Б.С.Маматов, Ш.К.Ҳамдамов, Ж.П.Турсунов, З.Э.Бекназаров, Г.А.Касимова, Д.А.Шолдаров, Ш.З.Давронов, М.Ж.Зиядуллаевларнинг ишларида ўрганилган.”<sup>5</sup>

---

<sup>4</sup> Disney R. Public pension reform in Europe: policies, prospects and evaluation. The World Economy.–2003,Т.26.,№10 P.1425-1445., Borella M., Fornero E. Adequacy of pension systems in Europe: an analysis based on comprehensive replacement rates. Enepri research report №68–2009–56р., Gora M. Retirement decisions, benefits and the neutrality if the pension systems. Enepri research report №51–2008–13р., Kotlikoff L. Social security hole overwhelms taxes, cuts // Bloomberg. – 2012., Soede A., Vrooman C. A comparative typology of pension regimes. ENEPRI research report №54. – 2008. – 31р, Barr N., Diamond P. Reforming pensions: Principles, analytical errors and policy directions. International social security review.2009.Vol.62.№ 2.p.5–29, Chybalski F. The Multidimensional adequacy and efficiency of European pension systems: the ranking and relationships. Proceedings of the 15th International conference on finance and banking, Silesian University in Opava, School of business administration in Karvina. 2016 p.128-139, Wrede M. Pareto efficiency of the pay-as-you-go pension system in a three-period-OLD model. UniversityofBambergandUniversityofEssen 1998. –19р, Чернулич А. Исследование эффективности пенсионных систем в зависимости от наличия в стране сырьевой экономики. Европейский университет в Санкт-Петербурге.–2013.–40с., Antolin, P., F. Stewart. «Private Pensions and Policy Responses to the Financial and Economic Crisis» OECD Working Papers on Insurance and Private Pensions–2009–№ 36-P112-156.; Bikker J.A., Broeders D.W.G.A., Hollanders D.A., Ponds E.H.M. Pension Funds Asset Allocation and Participant Age: A Test of the Life Cycle Model. Journal of Risk and Insurance, 2012. № 79 (3)–P.595-618.; Borsch-Supan A., F. Koke J. Winter «Pension Reform, Savings Behaviour and Capital Market Performance» Cambridge: Journal of Pension Economics and Finance, 2005. – № 4. P. 87 107.; Crossley T., Jametti M. Pension benefit insurance and pension plan portfoliochoice. Reviewof Economics and Statistics, 2013–№ 95 (1). – P. 337 - 341.; Frank E., Charleen G., Mauricio S. Reforming the Public Pension System in the Russian Federation. International Monetary Fund Working Paper, 2012., Hinz R. et al (eds) «Evaluating the Financial Performance of Pension Funds» World Bank and OECD Joint Research Paper, The World Bank, Washington DC,2010.; Аранжереев М. Проблемы реализации пенсионной реформы и деятельности НПФ. Пенсионные фонды и инвестиции–2005–№3(21)–С.20-23; Ахтариев И.А. Управление финансовыми активами негосударственного пенсионного фонда: автореф. дис. канд. экон. наук: 08.00.10. Екатеринбург, 2008 26 с.; Дедиков, С. Пенсионные правила: правовая природа. Хозяйство и право, 2005. – № 12. – С. 13 -18.; Кабаков Я.А. Подходы к оценке эффективности деятельности НПФ– ЭТАП, 2011. – №5-С 54-66; Куликова Е.И. Оценка факторов участия НПФ на рынке ценных бумаг. Аудит и финансовый анализ.–2009 – №1.–С.0-10.; Мишин А. Негосударственные пенсионные фонды и инфраструктура финансового рынка.Депозитариум, 2006.– № 8. С.16 - 19.; Роик В. Пенсионная реформа: институциональный подход. Российский экономический журнал. 2004.–№11-12.–С.28.; Талыкова А.А. Негосударственные пенсионные фонды в России: закономерности развития и совершенствование управления: автореф. канд. экон. наук: 08.00.10 М.: Гос. ун-т упр., 2010. – 28с.; Юрьева И.А., Масюк Н.Н. Оценка эффективности деятельности негосударственных пенсионных фондов в современных условиях. Вектор науки Тольяттинского государственного университета. Серия Экономика и управление. 2015. №3 (22). С.62-65.; Головченко А.В. Негосударственные пенсионные фонды: теория и практика программных направлений развития: Автореф. дис. канд. экон. наук: 08.00.10 Спб., 2014.–17с.

<sup>5</sup> Вахабов А.В. ва бошқалар «Пенсия тизимини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси»: Дарслик.–Т.: «Iqtisod-Moliya», 2018, 400б.; Вахабов А.В., Мажидов Н.М «Жамғариб бориладиган пенсия жамғармасининг Ўзбекистонда инвестиция сиёсатини амалга оширишдаги роли»: Монография.-Т.: Университет. 2017-128б.; Вахабов А.В. «Бозор муносабатлари тизимидаги ижтимоий фондлар». –Т.: «Шарк», 2003 й. 320 б., Абдурахмонов Қ.Х. (2013) Ижтимоий соҳа иқтисодиёти: Дарслик.Т.: Иқтисодиёт. 2013. 418-б., Умурзаков Б.Х. Пенсионная система и её реформирование в условиях углубления рыночных отношений в экономике: Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук: Ташкент 2006, 43с; Далимов Р.Т. Мировой опыт реформирования пенсионной системы и его использование в условиях переходной экономики: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических

А.В.Вахабов, Б.Х.Умурзоқовларнинг илмий асарларида пенсия тизимининг ижтимоий-иқтисодий асослари ва пенсия сиёсатини ишлаб чиқишнинг халқаро тажрибалари ёритилган. Д.Р.Рустамов ўзининг илмий тадқиқотларида пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг илмий-услубий асосларини ўрганган. Бироқ, хорижий тажрибаларни эътиборга олган ҳолда пенсия тизимидаги таркибий ўзгаришларни амалга ошириш масалалари алоҳида, мустақил илмий йўналиш сифатида комплекс тадқиқ этилмаган. Бу ҳолат ҳам, танланган мавзунинг долзарблигини англатади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФМ-1-сон «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг макроиқтисодий барқарорлиги ва прогнозлаштирилишини таъминлашнинг илмий-услубий асослари ва услубиятларини такомиллаштириш» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистонда давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизими фаолиятини самарали амал қилишининг назарий-услубий асосларини тадқиқ этиш;

мамлакатда пенсия таъминоти тизимини барқарорлигини баҳоловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш;

давлат пенсия таъминотининг молиявий кўрсаткичлари ва

---

наук: Ташкент, 2002, 20с.; Мажидов Н.М. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий сугурта тизимини ислох қилиш (пенсия тизими мисолида): Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация: автореферати. Тошкент, 2003. 23б. Рустамов Д.Р. Ўзбекистонда пенсия тизими молиявий барқарорлигини таъминлаш масалалари. Монография.–Т.: «Iqtisod-Moliya», 2017., Б.С.Маматов, Ш.К.Ҳамдамов, Ж.П.Турсунов «Давлат мақсадли ва бюджетдан ташқари жамғармалар»: Дарслик.–Т.: «Iqtisod-Moliya», 2019, 342 б., Б.С.Маматов, Б.И.Нурмухамедова «Ижтимоий таъминот»: Ўқув қўлланма.–Т.: «Iqtisod-Moliya», 2019, 205 б., Г.А.Касимова, Д.А.Шолдорев «Пенсия таъминоти маблағларини бошқариш»: Монография.–Т.: «Iqtisod-Moliya», 2017, 224 б., Ш.З.Давронов Ўзбекистонда давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация: автореферати. Тошкент, 2019. 56 б., Зиядуллаев М.Ж. Ўзбекистонда пенсия тизимини бошқариш ва такомиллаштириш масалалари. Монография., Т., БМА, 2018 24-25-б.



тенденцияларини таҳлил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатларини ҳамда давлат пенсияларини ҳисоблаш, тайинлаш ва тўлаш амалиётини таҳлил қилиш;

Ўзбекистонда нодавлат пенсия жамғармаларининг ташкил этилиши билан боғлиқ жараёнларни ўрганиш ва тадқиқ этиш;

давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш бўйича хориж тажрибасини таҳлил қилиш ва ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали Пенсия жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш борасида таклиф ва тавсиялар бериш.

**Тадқиқотнинг объекти сифатида** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси фаолияти олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда иқтисодий воқелик жараёнларини ўрганишнинг илмий усуллари - тизимли таҳлил, умумлаштириш, гуруҳлаш, кузатиш, таҳлилнинг мантикий ва таққослама усуллари, абстракт-мантикий фикрлаш, қиёсий таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдорида ва ундан кам пенсия олувчи шахсларга пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 20 фоизи миқдорида қўшимча тўлов жорий этиш таклиф этилган;

боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчиларнинг ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун ёшга доир пенсиянинг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда қўшимча тўлов жорий этиш таклиф этилган;

«Саховат» интернат уйлари ҳамда Уруш ва меҳнат фахрийлари учун

республика пансионатида яшовчи ёлғиз пенсионерларга шахсий сарф-харажатлари учун камида тўланадиган ойлик пенсия миқдорини амалдаги 10 фоиздан 20 фоизгача ошириш таклиф этилган;

фуқароларга давлат пенсияларини тайинлаш жараёнини янада соддалаштириш мақсадида пенсия ва нафақаларни паспорт ёки идентификация картаси асосида тайинлаш тизимини жорий этиш таклиф этилган;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

энг кам пенсия миқдорини аҳолининг баъзавий эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган минимал истеъмол харажатлари (МИХ) миқдорига босқичма-босқич яқинлаштириб бориш таклиф этилган;

мамлакатимизда қамров коэффицентининг пастлиги, пенсионерлар сонининг ўзгариши, Пенсия жамғармаси даромад ва харажатлари ўртасида юзага келаётган тафовут, иш билан банд аҳолининг катта қисми нодавлат секторда бандлиги каби омилларни ҳисобга олиб нодавлат пенсия фондларини ташкил қилиш таклиф этилган;

пенсия таъминоти тизимига таъсир этувчи омиллар хусусиятлари бўйича тавсифланиб, асосий жиҳатларга кўра таснифланган;

пенсия, пенсия таъминоти тушунчаларининг мазмун-моҳияти, муҳим белгилари, хусусиятлари ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишдаги роли аниқланган;

фуқароларнинг пенсия миқдори, иш стажи ва иш ҳақининг ўзаро боғлиқлик хусусиятлари очиқ берилган, минимал истеъмол харажатлари миқдорига тенглаштириш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқилган;

авлодлар бирдамлиги ва жамғариб бориладиган пенсия моделларининг ўзига хос хусусиятлари ва ривожланиш йўналишлари асосланган;

фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимидаги муаммолар аниқланган ва уларни бартараф этишга йўналтирилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

хорижий давлатлар амалиётини тизимли таҳлил қилиш асосида нодавлат

пенсия жамғармалари фаолиятини ташкил этишнинг амалий муаммолари асосланган;

пенсия тизимидаги ўзгаришларга доир хулосалар халқаро тажриба таҳлиллари асосида ўрганилиниб, пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш йўналишлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, Жаҳон Банки гуруҳи, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий статистик маълумотларига, шунингдек, бошқа амалий маълумотлар таҳлиliga асосланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тадқиқот иши натижасида олинган ва илгари сурилган назарий ёндашувлар, илмий таклиф ва амалий тавсиялардан пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги диссертация натижаларининг илмий аҳамиятини ифодалайди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тавсиялардан пенсия таъминоти тизимини такомиллаштиришга қаратилган стратегия, концепциялар, иқтисодий дастурлар ҳамда пенсия тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш, устивор йўналишларни белгилашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш йўллари бўйича олинган натижалар асосида:

белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдорида ва ундан кам пенсия олувчи шахсларга пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 20 фоизи миқдорида қўшимча тўлов жорий этиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 июндаги «Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш

тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6241-сон Фармонида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 17 ноябрдаги 20-01-34/293-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф амалиётга жорий қилиниши натижасида 2021 йилнинг 1 июлидан бошлаб энг кам ёшга доир пенсия миқдори (513 350 сўм) ва ундан кам пенсия олувчиларнинг барчасига белгиланган миқдорда пенсиясига қўшиб тўлаб берилди.

боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчиларнинг ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун ёшга доир пенсиянинг 50 фоизидан кам бўлмаган қўшимча тўлов жорий этиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 июндаги «Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6241-сон Фармонида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 17 ноябрдаги 20-01-34/293-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф амалиётга жорий қилиниши натижасида 2021 йилнинг 1 сентябридан бошлаб боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун пенсиянинг энг кам миқдори – ойига 440 000 сўм этиб белгиланди ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун амалдаги тартибга мувофиқ пенсия тўлаш амалга оширилди.

фуқароларга давлат пенсияларини тайинлаш жараёнини янада соддалаштириш мақсадида пенсия ва нафақаларни паспорт ёки идентификация картаси асосида тайинлаш тизимини жорий этиш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 майдаги «Фуқароларга давлат пенсияларини тайинлаш жараёнини соддалаштириш ҳамда пенсия ва нафақаларни етказиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5102-сон қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 17 ноябрдаги 20-01-34/293-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф амалиётга жорий қилиниши натижасида пенсия ва нафақаларни тайинлашда соддалаштирилган

тизим яратилиб, кекса фуқароларни ҳамда пенсионерларнинг пенсия ва нафақага чиқиш билан боғлиқ оворагарчиликлари бартараф этишга эришилди;

«Саховат» интернат уйлари ҳамда Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионатида яшовчи ёлғиз пенсионерларга шахсий сарф-харажатлари учун камида тўланадиган ойлик пенсия миқдорини амалдаги 10 фоиздан 20 фоизгача ошириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 мартдаги «Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, «Саховат» ва «Мурувват» интернат уйлари тизимини янада ривожлантириш тўғрисида»ги ПФ-6195-сон Фармонида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 17 ноябрдаги 20-01-34/293-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф амалиётга жорий қилиниши натижасида 2021 йил 1 майдан қариялар ва ногиронлар интернат уйларида (пансионатларида) яшовчи ёлғиз пенсионерларнинг пенсиялари қайта ҳисобланди ва оширилган суммада тўлаш белгиланди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари, 5 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 6 та, жумладан, нуфузли хорижий журналларда 2 та илмий мақола нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 134 бетни ташкил этади.

# **I БОБ. ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

## **1.1. § Пенсия таъминоти тизимининг назарий асослари ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимидаги ўрни**

Пенсия таъминоти – давлатнинг энг муҳим ижтимоий кафолатларидан биридир. Мазкур тизимнинг яхши ишлаши жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминласа, аксинча пенсия таъминоти тизимидаги муаммолар жамиятда хавфли ижтимоий кескинликларни келтириб чиқариши мумкин.<sup>6</sup>

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш жамият учун, давлат учун муҳим эканлигини қуйидагича таъкидлайди: “Охирги уч йилда “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган тамойил асосида, халқимиз ҳаётини тубдан яхшилаш бўйича олиб бораётган кенг қўламли ижтимоий ислохотларни давом эттираемиз. Бунинг учун биринчи навбатда аҳоли фаровонлигини ошириш ва унинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш – биз учун бош вазифалардан бири бўлиб қолади.”<sup>7</sup>

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида ижтимоий-иқтисодий ва демографик ўзгаришлар сабаб мавжуд пенсия тизимларини ислоҳ этиш зарурияти пайдо бўлмоқда. Ўзбекистонда ҳам охирги йилларда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш даврида иқтисодий, ижтимоий ҳамда сиёсий ислохотларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган муҳим ўзгаришлар рўй берди, шунингдек, пенсия таъминоти тизимида ҳам. Ўзбекистонда икки босқичли пенсия тизими шаклланди, яъни бирдамлик тизими асосида шаклланган давлат пенсия таъминоти тизими ва жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимлари. Шунингдек, ишловчи пенсионерларга пенсиялар тўлиқ миқдорда тўланиши белгиланди, иш ҳақидан ундириладиган

---

<sup>6</sup> Турсунов Ж.П., Маматкулова ЯД. Миллий пенсия таъминоти тизимининг назарий ва амалий асослари. Логистика ва иқтисодиёт илмий электрон журнали. №1 2021. 260 бет.

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси. 2020 йил 25 январь, № 19

мажбурий суғурта бадаллари бекор қилинди, пенсия ҳисоблаш учун аниқланадиган ўртача ойлик иш ҳақи учун белгиланган чегара миқдорлари оширилди ва бу ўзгаришларни кўплаб санаш мумкин. Айтиш мумкинки сўнгги уч йилни пенсия таъминотини ислоҳ этиш даври дейиш мумкин.

Пенсия таъминоти тизимини ислоҳ этиш жараёнлари давом этаётганлигига қарамай, ҳали ҳам пенсиялар миқдорининг камлиги, пенсионернинг пенсияси миқдорининг меҳнат қилган даврида олган иш ҳақига нисбати (қоплаш коэффиценти) паст даражада сақлаб қолинаётганлиги, меҳнат билан банд бўлганларни пенсия тизимида иштирокини таъминлашда муаммоларнинг мавжудлиги, Пенсия жамғармаси молиявий бақарорлигига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Шунингдек, 2005 йилдан ташкил топган жамғариб бориладиган пенсия тизими ҳам миллий пенсия тизимида ўзининг муносиб ўрнини топа олмаяпти ва ўтган 16 йил давомида пенсияларнинг умумий миқдорига ўзининг сезиларли таъсирини кўрсата олмади.

Бундай шароитда самарали фаолият кўрсатадиган пенсия тизимини яратишнинг назарий ва амалий масалаларини тадқиқ этиш долзарб бўлиб қолмоқда.

Дарҳақиқат, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, жумладан, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига моддий жиҳатдан доимий кўмак бериб бориш, давлат ижтимоий сиёсатининг устувор қисми ҳисобланади. Бунда пенсия таъминоти муҳим аҳамиятга эга.<sup>8</sup>


Миллий қомусимиз ҳисобланмиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясида келтирилганидек, “Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганида, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга”<sup>9</sup>

---

<sup>8</sup> Ж.П.Турсунов. “Ўзбекистонда иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш даврида пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш”. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. – Тошкент: “Иқтисод-молия”, 2020. – 30 б.

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддаси. Тошкент, “Ўзбекистон” 2014й.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг маълумотларига кўра пенсия ёшидаги дунё аҳолисининг 67,9% бугунги кунда пенсия таъминоти билан қамраб олинган бўлиб, Европа ва Марказий Осиё, Шимолий ва Жанубий Америка мамлакатларида пенсия таъминоти қамрови тўлиқ эришилмаган бўлсада нисбатан юқори даражадалигини ҳамда Тинч океани, Осиё мамлакатлари, Африка мамлакатларида пенсия ёшидаги фуқароларнинг қамров даражаси паст кўрсаткичларни ташкил этганини кўриш мумкин (1.1-расм).



**1.1-расм. Жаҳон мамлакатлари континентлари бўйича аҳолини ижтимоий ҳимоя билан қамраб олиниши даражаси<sup>10</sup>**

Жамиятда пенсия ва нафақа каби тушунчаларнинг кўплаб учраб туриши, уларни олувчиларини “пензионер”, “нафақахўр” деб аталиши албатта баъзи бир саволларни юзага келишига сабаб бўлмоқда. Агар “пенсия” ва “нафақа” тушунчаларини бир хил талқин қиладиган бўлсак, демак биз амалга ошираётган тадқиқот ҳам маълум бир маънода пенсия ва нафақа тизимини такомиллаштиришга оид бўлиб қолади. Бизнинг тадқиқот ишимизда пенсия тизимини такомиллаштириш бўйича изланишлар олиб борилган. Сабаби

<sup>10</sup> Ҳамдамов Ш.К. Фуқаролар ёшига доир пенсия таъминотининг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш. Монография. – Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2021. – 154 б.



“пенсия” ва “нафақа” сўзлари икки хил маънода қўлланилади ҳамда уларни олувчилари ўртасида ҳам катта тафовут мавжуд.

Дунё олимлари томонидан пенсия ва нафақа тушунчаларига оид ўзларининг турли қарашлари мавжуд. Хусусан, профессор В.Роикнинг илмий ишларида<sup>11</sup> аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда ижтимоий суғурта тизимининг ўрни, унинг молиявий-иқтисодий асослари, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисалар билан боғлиқ бўлган ижтимоий, тиббий ва пенсия суғуртасининг замонавий институтларини шакллантириш каби масалалар тадқиқ қилинган ҳамда бу орқали аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш асослаб берилган.

Шунингдек, А.Шеметов ва С.Орловларнинг илмий хулосаларида, демографик ва бошқа омиллар таъсирини ҳисобга олган ҳолда миллий пенсия таъминотининг янги тизимини яратиш ва унинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш зарурлиги илгари сурилган<sup>12</sup>.

В.Потапенко илмий тадқиқотида пенсия таъминоти тизимининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тизимида тутган ўрни ва аҳамиятини тадқиқ қилган.<sup>13</sup>

Г.Касимова ва Д.Шолдаровнинг илмий ишларида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимида пенсия таъминотининг ўрни ва аҳамияти, пенсия таъминотида молиявий ресурсларнинг хавфсизлиги ва рисклар, пенсия таъминоти маблағларини инвестициялашда рискларни бошқариш ҳамда пенсия таъминоти маблағларини самарали бошқариш<sup>14</sup> масалалари ёритиб берилган.<sup>15</sup>

---

<sup>11</sup>Роик В.Д. Социальное страхование в меняющемся мире: каким будет выбор России? – СПб.: Питер, 2014. – 352 с.

<sup>12</sup>Орлов С.Н., Шеметов А.П. Пенсионное обеспечение в Российской Федерации. Монография. – Курган: “Изд-во Курганского гос. ун-та”, 2013. – 106 с.

<sup>13</sup>Потапенко В.В. Пенсионная система в структуре современной российской экономики. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук – Москва 2018. – С.150.

<sup>14</sup>Касимова Г., Шолдаров Д. Пенсия таъминоти маблағларини бошқариш. Монография. – Т.: “ТМИ”, 2017. – 225 б.

<sup>15</sup>Ш.Хамдамов, Ҳ.Холиков. “Пенсия” ва “нафақа” дифференциацияси хусусида. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 4, август, 2019 йил.

Бироқ, юқорида келтирилган илмий тадқиқот ишларида пенсия ва нафақа тушунчаларининг мазмун-моҳияти, хусусиятлари бўйича аниқ бир фикрлар келтирилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга<sup>16</sup> кўра, “пенсия – уни олиш ҳуқуқи Қонунда белгиланган шартларга ва меъёрларга мувофиқ аниқланадиган ҳамда шахсларга пенсия ёшига тўлиш, ногиронлик ёки боқувчисини йўқотганлик муносабати билан бериладиган ойлик пул тўлови”<sup>17</sup> ни англатади. Ўзбекистон миллий энциклопедиясида “пенсиялар латинча *pensio* – тўлов маъносини ифодалаб, фуқароларга давлат ёки бошқа субъектлар томонидан қонунда белгиланган ҳолларда мунтазам ваодатда, умрбод тўланадиган тўловлар” сифатида тавсифланиб, ижтимоий таъминот шакли эканлиги қайд этилган. “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига мувофиқ, ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эркаклар – 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлган тақдирда, аёллар эса – 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда эга бўладилар.”<sup>18</sup> Шу билан бирга, ушбу қонуннинг 8-моддасига кўра, пенсия тайинлаш учун етарлича иш стажига эга бўлмаган шахсларга ёшга доир пенсиялар камида 7 йил иш стажининг бўлган тақдирда, бор стажга мутаносиб миқдорда тайинланади. Демак, пенсиялар иш стажининг 7 йилдан кам бўлмаган барча пенсия ёшига етган фуқароларга тайинланади. Таъкидлаш жоизки, қонунчиликка мувофиқ пенсиянинг ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик турлари мавжуд.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида “нафақа – муҳтож одамларга давлат, корхона, муассаса ва айрим шахслар томонидан бериладиган ёрдам

---

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 252-сон қарори.

<sup>17</sup> Уша манбаа.

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрдаги “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги 938-ХП-сон Қонуни.

пули”<sup>19</sup> сифатида тавсифланган. Нафақалар тўланишига кўра иш берувчи (хўжалик юритувчи субъект) томонидан ҳамда бюджет маблағлари томонидан тўланувчи нафақаларга ажратилади. Шунингдек, Ўзбекистонда асосан давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўланувчи нафақалар, ишсизлик, ишдан бўшатиш, ходимнинг вафоти муносабати билан бир йўла бериладиган нафақалар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган қарияларга ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом<sup>20</sup> кўра етарли меҳнат стажига эга бўлмаганлар (7 йилдан кам меҳнат стажига эга бўлса) учун эркакларга – 65 ёшга етганларида ва аёлларга – 60 ёшга етганларида нафақалар тайинланади. Ҳақ тўланадиган бирор иш билан машғул бўлган ёки бирор даромад манбаига эга бўлган (алимент ёки стипендия кўринишидаги даромадлардан ташқари) шахсларга ёшга доир нафақа тайинланмайди. Бу эса нафақанинг мухтожларга тўланадиган моддий кўмак эканлигини ифодалайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидагича хулоса қилиш мумкин<sup>21</sup>:

- пенсия жамият аъзосининг жамиятдаги меҳнат фаолиятида иштирок этганлиги учун берилади, яъни фуқаро меҳнат қилиб, тегишли меҳнат стажига эга бўлиб, тегишли пенсия бадалларини тўлаганлиги учун унга ва оила аъзолари учун белгиланган ҳуқуқдир. Нафақа эса моддий жиҳатдан мухтож бўлганлар учун давлат томонидан бериладиган моддий кўмақдир;

- пенсиялар, фуқароларга пенсия олиш ҳуқуқи юзага келганда унинг моддий аҳволдан қатъий назар тайинланади, нафақа эса шахснинг моддий мухтожлигини ва ижтимоий ҳолатини инобатга олган ҳолда тайинланади ва тўланади;


---

<sup>19</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент, Давлат илмий нашриёти. II ҳарфи. 158-б.

<sup>20</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги 107 сонли қарори билан тасдиқланган “Пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган қарияларга ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом.

<sup>21</sup> Ш.Ҳамдамов, Ҳ.Холиков. “Пенсия” ва “нафақа” дифференциацияси ҳусусида. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 4, август, 2019 йил.

- пенсия пенсия ёшига етган фуқароларга иш стажидан, ойлик иш ҳақи ва Пенсия жамғармасига тўлаган суғурта бадаллари миқдоридан келиб чиқиб тайинланади. Нафақа эса қатъий миқдорларда белгиланади, айрим нафақа турлари иш ҳақи миқдorigа ва бошқаомилларга боғлиқ бўлади.



### 1.2-расм. Пенсия ва нафақанинг ўзига хос жиҳатлари<sup>22</sup>

Пенсия таъминоти ижтимоий таъминотнинг бир қисми сифатида давлатнинг муҳим функцияларидан бири ҳисобланади.<sup>23</sup> Фуқароларнинг давлатнинг тузилиши ва имкониятларига мос равишда ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 22-моддасида белгилаб қуйилган.<sup>24</sup>

Тор маънода “пенсия таъминоти” атамаси аҳолини кексайганда, ногирон бўлганда, боқувчисини йўқотганда юзага келадиган ижтимоий хавфлардан ижтимоий ҳимоя қилишнинг турли шакллари ўз ичига олади.<sup>25</sup>

<sup>22</sup> Муаллиф томонидан мустақил шакллантирилган.


<sup>23</sup> Ройк В.Д. Пенсионная система России: история, проблемы и пути совершенствования. М.: МИК, 2007. С. 116.

<sup>24</sup> The UN Declaration on human rights. [Electronic resource]. – Mode of access: [http://www.ohchr.org/EN/UDHR/Documents/UDHR\\_Translations/eng.pdf](http://www.ohchr.org/EN/UDHR/Documents/UDHR_Translations/eng.pdf)

<sup>25</sup> Каспарьянц Н.М. Пенсионное страхование: региональные аспекты (Краснодарский край): монография. Армавир: РИО АГПА, 2014. С. 17.

Кенг маънода пенсия таъминоти – бу кексайганда, ногирон бўлганда ва бошқа тегишли қонун ҳужжатларида белгиланган асосий даромад манбаидан маҳрум бўлганда уларга моддий жиҳатдан ёрдам кўрсатишга қаратилган ҳуқуқий ва иқтисодий чора-тадбирларнинг мажмуидир.

Умуман олганда пенсия тизими меҳнатга лаёқатсиз ва фуқароларни турмуш даражасини таъминлашга ҳамда қўллаб-қувватлашга йўналтирилган иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий ва ташкилий тавсифга эга бўлган катор чора-тадбирлар комплексини амалга оширилишини назарда тутди. Пенсия таъминоти ижтимоий функцияни бажариш билан бирга иқтисодий функцияни ҳам амалга оширади (1.3-расм).



### 1.3-расм. Пенсия таъминотининг функциялари<sup>26</sup>

Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш даврида ижтимоий ҳимоя институтларидан бири ҳисобланмиш пенсия таъминоти тизимини янада ривожлантириш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда авлодлар бирдамлиги тизими амал қилиб, пенсия таъминоти 1993 йилда қабул қилинган ва ҳозирга қадар бир қанча ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти

<sup>26</sup> Турсунов Ж.П. Ўзбекистонда иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш даврида пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш. Монография. – Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2021. – 120 б.

тўғрисида”ги <sup>27</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ амалга оширилади. Лекин шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, фуқароларнинг тегишли меҳнат фаолиятидан кейин қариганда қўшимча маблағгаэга бўлиши учун 2005 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси АТ Халқ банки ҳузурида жамғариб бориладиган пенсия ташкил этилди. Ҳозирги кунда республикамизда пенсия таъминотининг хусусий шакллари мавжуд эмас<sup>28</sup>.

“Пенсия ўзининг узоқ тарихига эга. Ижтимоий тизим таркиби сифатида пенсия тизими давлат арбоби, ёзувчи ва қўмондон Гай Юлий Цезар бошчилик қилган Рим империяси даврида (эрамиздан аввалги 44-100 йиллар) пайдо бўлган. Бунда биринчи марта ҳарбийларга (уларнинг кексаликдаги ижтимоий аҳволини яхшилаш имкониятини яратиш мақсадида) императорнинг ўз маблағлари ҳисобидан пенсия берилган ва бу ҳолат жиддий молиявий қийинчиликларни келтириб чиқарган. Таъкидлаш жоизки, айрим манбаларда “пенсия” атамаси айнан Ю.Цезар томонидан ҳарбийлар учун ўйлаб топилганлиги қайд этилган. Буюк император “Ю.Цезар ўлимидан сўнг бундай пенсия тўловлари то XVIII асга қадар умуман нутиб юборилган”<sup>29</sup>.

“Пенсия” ўтган минг йилликнинг ўрталаридан бери мавжуд тушунча ҳисобланади. Аввалги пенсияларнинг барчаси шахсий ҳисобланган яъни маълум бир ҳукмдор ёки аристократлар учун тайинланган.

“Биринчи марта давлат пенсия таъминоти тизими Германияда Германия империясининг биринчи канцлери Отто фон Бисмарк томонидан 1889 йилда жорий қилинган”<sup>30</sup>. “Дастлабки вақтларда Германия иш берувчилар ва ишчилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш бўйича Англия ва Франциядан ортда қолган. Аммо, О.Бисмаркнинг пенсия ислохотлари ва ғоялари сабаб, ижтимоий ҳимоя тизими тараққиётига замин яратилган. 1889

<sup>27</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрдаги “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги 938-ХП-сон Қонуни.

<sup>28</sup> Турсунов Ж.П. Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизимининг ўзига хос хусусиятлари ва жаҳон тажрибаси. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №3, июнь, 2018 йил.

<sup>29</sup> Б.С.Маматов ва б. Чет мамлакатлар пенсия тизими. Дарслик. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2019. – 25 б.

<sup>30</sup> Федотов А. История возникновения пенсионных систем в зарубежных странах / А. Федотов // Труды ИСА РАН. – 2006. – № 23. – С. 308-316. ([http://pnu.edu.ru/media/ejournal/articles-2015/TGU\\_6\\_174.pdf](http://pnu.edu.ru/media/ejournal/articles-2015/TGU_6_174.pdf)).

йилда “Пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Шу муносабат билан О.Бисмарк томонидан яратилган пенсия модели “авлодлар бирдамлиги”гаасосланган “тақсимланувчи” пенсия тизимини назарда тутаяди, яъни ҳозирги пенсионерларнинг пенсияси ҳозирги ишлаётган авлод томонидан тўланади. Ушбу тизимнинг ўзига хос жиҳати шундаки, бунда ижтимоий суғурта мажбурий бўлган ва бадалларгаасосланган ҳамда иш берувчилар ҳам, ишчилар ҳам уни молиялаштиришда ўз улушига эга бўлишлари лозим. О.Бисмарк томонидан ишлаб чиқилган меҳнат ва пенсия суғуртаси тадбирлари нисбатан пухта ишлаб чиқилган бўлиб, бошқа ривожланган мамлакатлар ҳам уни ўз амалиётида қўллай бошлади ва келгусидаги ижтимоий ислохотлар учун асос бўлиб хизмат қилди.”<sup>31</sup>



**1.4-расм. Жаҳонда пенсия таъминоти тизими моделлари**<sup>32</sup>

XIX асрнинг охирида Германия канцлери Отто фон Бисмарк томонидан ишчи ва хизматчилар учун ижтимоий суғуртагаасосланган тақсимланувчи (авлодлар бирдамлиги) пенсия тизимигаасос солинди. Ўртача умр кўриш ёши 45-50 ёш (урушлар сабаб) бўлишига қарамасдан пенсия ёши

<sup>31</sup> Б.С.Маматов ва б. Чет мамлакатлар пенсия тизими. Дарслик. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2019. – 26 б.

<sup>32</sup>Тадқиқот жараёнида муаллиф томонидан тайёрланди.

70 ёш этиб белгиланган. Шу сабабли халқ орасида мазкур тизим “марҳумлар учун пенсия” тизими деб ҳам аталган.

Бироқ, Бисмарк модели орқали ижтимоий суғуртанинг жорий қилиниши дунё мамлакатларидаҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун юқори самарали суғурта тизимларини яратишга имкон берди.<sup>33</sup>

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, XIX аср охири ва XX аср бошларида жами аҳоли таркибида кексалар сони катта улушга эга бўлмаган ва давлат томонидан уларни пенсия билан таъминлашда молиявий муаммолар юзага келмаган. О.Бисмарк модели эса демографик омилларга тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Муҳтожларга мақсадли ёрдам кўрсатишга мўлжалланган пенсия тизими Данияда 1891 йилда ва Янги Зеландияда 1989 йилда шаклланди ва мазкур тизимни молиялаштириш солиқ тушумлари ҳисобидан амалга оширилган.

1908 йилдан бошлаб Буюк Британия ва Австралияда кексаларга давлат пенсияларини тўлаш бошланган. “Францияда 1910 йилда давлат пенсия таъминоти тизими шакллантирилган ва бунда пенсиянинг миқдори фуқаролар томонидан тўланадиган суғурта бадаллари ваолган иш ҳақи миқдорига боғланган ҳамда ёлланиб ишлаётган ишчиларнинг мажбурий пенсия суғуртаси бўйича ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиялари назарда тутилган”<sup>34</sup>.

“Биринчи марта умумий пенсия суғуртаси қонуний жиҳатдан Швецияда 1913 йилда жорий қилинган. Бироқ, қонун билан белгиланган пенсия тўловлари миқдори ўша даврдааҳамиятли бўлса-да, камбағалликдан ҳоли бўлиш имконини бермаган ва қарияларга ғамхўрлик кўрсатишнинг давлат тизимини яратиш зарурлигини кўрсатган”<sup>35</sup>.

Ҳозирги замонавий пенсия тизими Италияда 1919 йилда, Канадада 1927 йилда, АҚШда 1935 йилда жорий қилинган. 1940 йилдан бошлаб пенсия

<sup>33</sup> Роик В.Д. Экономика, финансы и право социального страхования: Институты и страховые механизмы / Валентин Роик. – М.: Альпина Паблишер, 2013. – 7 с.

<sup>34</sup> Валентин Роик. Экономика, финансы и право социального страхования. Институты и страховые механизмы. – М.: «Альпина Паблишер», 2013. – С. 15 (- 258 с.).

<sup>35</sup> Б.С.Маматов ва б. Чет мамлакатлар пенсия тизими. Дарслик. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2019. – 26 б.



тўловлари амалга оширилган. 1941 йилда Японияда, 1946 йилда эса Швецарияда пенсия таъминоти тизимлари шаклланган.

“Ғарбий Европа давлатларининг аксарияти ўз пенсия суғуртаси тизимини Германия модели асосида шакллантирди. Англия-Саксон (АҚШдан ташқари) ва Шимолий Европа давлатлари пенсия тизимини шакллантиришда Дания ва Янги Зеландия моделларидан фойдаланишди. Пенсия тизимининг ушбу икки тури турли вазифаларни бажаришган. “Пенсия тизимининг Германия модели ишчининг пенсияга чиққанидан сўнг унинг ижтимоий мақомини сақлаб қолишга йўналтирилган бўлса, Англияда жорий қилинган Дания модели эса камбағалликни қисқартиришга қаратилгандир”<sup>36</sup>.

Россияда пенсия қонунчилиги Николай I даврига тўғри келади. “Давлат пенсиялари тўғрисида”ги Қонун 1956 йил 14 июлда қабул қилинган бўлиб, мазкур қонунчиликка кўрапенсиялар асосан давлатгахизмат қилган офицерлар ва ҳарбий хизматчиларга берилган.

Шунингдек, Буюк Британиядапенсия тизимини ислоҳ қилиш 1986 йилда бошланган. Бундаислоҳотларнинг асосий мақсади давлат пенсия таъминотидан пенсия олувчиларни хусусий пенсия фондларига кенг жалб этиш ҳисобланади.

1980 йилларнинг бошига келиб, пенсия тизимида юзага келган инқирозлар сабаб кўплаб мамлакатларнингпенсия таъминоти тизимида ислоҳотлар амалгаоширилиш бошланди ва бу ҳозиргача давом этмоқда. Бунда энг кўп ислоҳотлар пенсия ёшини ошириш, пенсияга чиқиш учун талаб этиладиган энг кам иш стажини ошириш, эрта пенсияга чиқиш тизимини такомиллаштириш каби ишлар амалгаоширилди.

---

<sup>36</sup> Б.С.Маматов ва б. Чет мамлакатлар пенсия тизими. Дарслик. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2019. – 27 б.

## **1.2. § Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизимининг норматив-ҳуқуқий асослари**

Пенсия таъминоти аҳоли учун ҳамиша долзарб аҳамиятга эга бўлиб келмоқда. Мамлакатимизда амалда бўлган пенсия тизими бу – “авлодлар бирдамлиги” тамойилига асосланган пенсия таъминоти тизими бўлиб, пенсионерларга пенсия тўловлари учун маблағлар, асосан бугунги кундаги иш берувчилар томонидан Пенсия жамғармасига тўланаётган ижтимоий тўловлар ҳисобидан амалга ошириб борилади.<sup>37</sup>

Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизимининг шаклланиши ва қонуний ҳуқуқий асослари тўғрисида гап борар экан, дастлаб аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида 1991 йилда Пенсия фондининг Ўзбекистон жумҳурият бўлими ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 4 августдаги 391-сон қарорига кўра 1994 йил 1 январдан бошлаб Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ижтимоий суғурта жамғармаси ташкил этилди.

Пенсия таъминоти харажатларини қоплаш учун мажбурий бадалларнинг тўлиқ келиб тушиши ҳамда давлат ижтимоий суғуртаси бўйича пенсия ва нафақаларни тўлашга харажатларни ўз вақтида молиявий таъминлаш учун ижтимоий таъминот органларининг масъулиятини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 27 декабр 459-сон қарори билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий суғурта жамғармаси негизда Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузурида Қорақалпоғистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ва ижтимоий таъминот маҳаллий органлари қошида тегишли ҳудудий бўлинмалари ва бўлимлари бўлган Пенсия жамғармаси ташкил этилади. Пенсия жамғармасининг пул маблағлари 1997 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетига киритилди, бунда бу жамғарма маблағларини шакллантириш ва

---

<sup>37</sup> Турсунов Ж.П., Аметова Ф.Р. Ўзбекистон пенсия таъминоти тизими ва уни ислоҳ қилишнинг зарурлиги.// “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 2, апрель. 2019 йил.

сарфлашнинг мақсадли йўналтирилганлиги сақлаб қолинди. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазири Пенсия жамғармаси бошқаруви раиси ҳисобланар эди. Пенсия таъминоти тизимидаги маъмурий ва иқтисодий ислохотларни изчил амалга ошириш доирасида “Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан “пенсия таъминоти тизимидаги бошқарув тузилмасини такомиллаштириш, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича мажбурий бадаллар тўлиқ йиғилишини кўпайтириш, амалдаги бошқарув тузилмаларини қисқартириш ҳамда пенсиялар ва нафақалар тўлашга йўналтириладиган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида” 2001 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармаси Ўзбекистон Республикасининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига айлантирилди.”<sup>38</sup>

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан 2005 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Молия вазирлигининг идоравий қарамоғига ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ҳамда пенсия таъминоти тизимининг ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш, пенсиялар ва ижтимоий нафақаларни бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан ўз вақтида молиялаштириш ҳамда уларни тўлиқ ҳажмда тўлаш, шунингдек, республика фуқароларининг пенсия таъминотига йўналтириладиган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни кучайтириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги ПФ-4161-сонли Фармони<sup>39</sup> мувофиқ, 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб

---

<sup>38</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 444-сонли Қарори

<sup>39</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4161-сонли Фармони.

пенсиялар, шунингдек, ижтимоий нафақалар, компенсация ва бошқа тўловларни тайинлаш, молиялаштириш, уларнинг тўланишини ҳисобга олиш ва мониторингини юритиш Пенсия жамғармасининг тегишли ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилиши белгиланди.

1.1-жадвал

### **Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ташкилий-ҳуқуқий асослари<sup>40</sup>**

<b>Пенсия жамғармасининг ташкилий-ҳуқуқий асослари</b>	
1	Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 14 январдаги 9-сон Қароригаасосан Пенсия фондининг Ўзбекистон жумҳурият бўлими ташкил этилган.
2	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 4 августдаги 391-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий суғурта жамғармасини ташкил этиш тўғрисида” Қароригаасосан 1994 йилдан бошлаб Ижтимоий суғурта жамғармаси ташкил этилди.
3	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 27 декабрдаги 459-сон “Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармасни ташкил этиш тўғрисида” Қарорига асосан Пенсия жамғармаси ташкил этилди.
4	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 ноябрдаги 444-сон “Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида” Қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасигаайлантирилди.
5	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 октябрдаги 490-сон “Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида” Қарорига асосан 2005 йилдан бошлаб Пенсия жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг идоравий қарамоғига ўтказилди.
6	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги ПФ-4161-сон Фармониға мувофиқ, 2010 йил 1 январдан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ташкил этилди.
7	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-1252-сон Қарори билан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ташкилий тузилмаси тасдиқланган.
8	Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодексида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 19 февралдаги 30-сонли Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисида”ги Низомда Пенсия жамғармасига тушумлар номма-ном санаб ўтилган.

<sup>40</sup> Қонунчилик асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

9	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 мартдаги “Молия органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2847-сон Қарори билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфига ўтказилди.
10	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 мартдаги 122-сон “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарорига асосан «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» орқали кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга тўланадиган нафақаларни Пенсия жамғармаси орқали берилиши белгиланди.
11	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 майдаги “Фуқароларга давлат пенсияларини тайинлаш жараёнини соддалаштириш ҳамда пенсия ва нафақаларни етказиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-5102-сон Қарори билан давлат пенсияларини ҳисоблаш учун зарур маълумотлар (бугунги кунда давлат пенсияларини тайинлашда 30 турдаги ҳужжат талаб этилади) электрон базаси шакллантирилди ва 2022 йил 1 январдан бошлаб пенсия тайинлаш учун бир қанча енгилликлар жорий қилинади.

Ўзбекистонда фуқароларни кексалик чоғида камбағалликдан ҳимоялаш, меҳнат фаолиятининг тугаши билан пенсияга чиқиш олдидан иш ҳақи миқдорига мутаносиб тарзда белгиланган муайян миқдордаги кафолатланган даромадни таъминлаш, даромаддан келажакда турмуш даражасининг пасайишидан ҳимояланиш тарзида фойдаланиш каби мақсадларни амалга ошириш белгиланган.

Мазкур мақсадларни амалга ошириш учун Ўзбекистонда пенсия тизими ўзининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасига ҳамда жаҳонда мавжуд пенсия тизими моделларига қараб тақсимланувчи хусусиятга эга давлат пенсия таъминоти тизими (авлодлар бирдамлигигаасосланади) ва жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимлари асосида пенсия тизими фаолият кўрсатади.

Давлат пенсия таъминоти тизими – фуқароларнинг қонунчиликда белгиланган кексалик ёшига етганида, ногиронлик туфайли меҳнат лаёқатини йўқотганида, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганида вақонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда пенсия кўринишида моддий таъминот бериш мақсадига эга бўлган иқтисодий институтлар ва меъёрий- ҳуқуқий ҳужжатлар йиғиндисиدير.

Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими – фуқароларни шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варағларидаги жамғарлардан давлат пенсиясига қўшимча равишда пул жамғарлари билан таъминлаш мақсадига эга бўлган иқтисодий институтлар ва меъёрий- ҳуқуқий ҳужжатлар йиғиндисидан иборат.

1.2-жадвал

**Тақсимланувчи ва жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимларининг қиёсий тавсифи<sup>41</sup>**

<b>Меъзонлар</b>	<b>Тақсимланувчи тизим</b>	<b>Жамғариб бориладиган тизим</b>
Мақсади	Пенсионерларни қашшоқликдан ҳимоя қилиш	Пенсияга чиққанидан сўнг юқори турмуш даражасини сақлаб қолиш учун шароит яратиш
Молиялаштириш	Бадаллар давлат бюджети ёки бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан амалга ошириладиган жорий тўловларга йўналтирилади	Бадаллар махсус фондларда очилган шахсий ҳисобварақларида шакллантирилади
Демографик омилларнинг таъсири	Демографик омиллар тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади	Демографик омилларнинг таъсири жудаям паст
Иқтисодий омилларнинг таъсири	Давлат молияси ҳолатига боғлиқ, қимматли қоғозлар бозори ҳолатига боғлиқ эмас ва у асосан давлат пенсия таъминоти тизими доирасида фаолият кўрсатади	Кўпроқ давлат, хусусий ва аралаш пенсия тизимлари доирасида фаолият юритадиган қимматли қоғозлар бозори ҳолатига боғлиқ бўлиб
Ижтимоий омилларнинг таъсири	Пенсиянинг миқдори аниқ белгиланганлиги	Пенсия миқдорининг бадаллар миқдorigа ва инвестиция жараёнларига боғлиқлиги
Фуқароларнинг роли	Доимий иштироқи муҳим эмас, давлат бошқариб туради	Доимий иштироқи зарур ҳисобланади

Жадвал маълумотларига эътибор берадиган бўлсак, жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими тақсимланувчи пенсия тизимидан афзаллик томонларини кўришимиз мумкин. Жумладан, демографик,

<sup>41</sup> Пудовкин А.В. Мировой опыт формирования пенсионных систем и возможности его использования в России. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук – Москва 2017. – С.16.

иқтисодий, фуқароларнинг роли ва умуман олганда мақсади жиҳатдан афзалликлари кўп. Тақсимланувчи тизим ҳам ўзига яраша ижобий томонларга эга. Шунинг учун ҳам Ўзбекистондааралаш тизим амал қилади.

1.3-жадвал

### Ўзбекистонда пенсия таъминотининг асосий кўрсаткичлари<sup>42</sup>

Кўрсаткичлар	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Жами пенсия ва нафақа олувчиларнинг таркибидаги аҳоли улуши, фоизда	10,3	10,5	10,3	10,5	10,9	11,0	11,2
Пенсиянинг ойлик ўртача миқдори (минг сўмда)	421,6	494,2	556,8	640,5	733,2	812,5	875,6
Ялпи ички маҳсулот таркибида Пенсия жамғармаси харажатлари улуши, фоиз ҳисобида	6,2	6,0	5,5	5,0	5,1	4,8	5,3
Пенсия тайинлашда талаб этиладиган минимал меҳнат стажи, йил	7	7	7	7	7	7	7
Пенсияга чиқиш ёши, э/а	60/55	60/55	60/55	60/55	60/55	60/55	60/55
Ўртача пенсияга чиқиш ёши	57,5	57,5	57,5	57,5	57,5	57,5	57,5


Ўзбекистонда пенсия таъминоти ҳолатини таҳлил қиладиган бўлсак, жами аҳоли таркибида пенсионерлар сони 2015 йилда 10,3 фоизни ташкил қилган бўлса, 2020 йилга келиб 11,1 фоизга ўсган. 2021 йилда эса 11,2 фоизни ташкил қилмоқда. Пенсиянинг ўртача миқдори ҳам сезиларли равишда инфляцияга мос равишда ошиб бормоқда. Шунингдек, пенсияга чиқиш ёши эса 1956 йилдан бери ўзгармасдан келмоқда. Бунга мос равишда ўртача пенсия ёши ҳам 57,5 ёшни ташкил қилмоқда.

Шунингдек, пенсия таъминоти тизимини самарадорлигини белгиловчи омиллар ҳам мавжуд бўлиб, қуйидаги расмда (1.5-расм) акс эттирилган.

<sup>42</sup>Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.








### **1.5-расм. Пенсия таъминоти тизимининг самарадорлигини белгиловчи омиллар<sup>43</sup>**

Пенсия жамғармаси пенсия таъминоти бўйича мамлакатда ягона сиёсат олиб борадиган ташкилот ҳисобланади.

Пенсия жамғармасининг ташкилий тузилиши Пенсия жамғармаси фаолияти тўғрисида Низомда белгилаб қуйилган.

<sup>43</sup> Д.Р.Рустамов. “Ўзбекистонда пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигин таъминлаш йўналишлари”. Иқт.фан. доктори (DSc) дисс. автореферати. – Тошкент: “Иқтисод-молия”, 2018. – 38 б.



**1.6-расм. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмаси<sup>44</sup>**

“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”<sup>45</sup> соҳани янада ривожлантириш учун устувор вазифаларни белгилаб берди. Ҳаракатлар стратегиясидан ўрин олган “Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари” номли йўналиш бандларида ҳам фуқароларни ижтимоий қўллаб – қувватлаш масалаларига алоҳида аҳамият берилганлиги барчамизга маълум.

Муҳтарам Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналиши ҳам шундаки, бу сиёсат фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимининг доимий

<sup>44</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1252-сон Қарори.

<sup>45</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони “Халқ сўзи”, 2017 йил 8 феврал.28 (6722)-сон.

такомиллаштириб борилишини тақазо этмоқда. Бу борада сўнгги йилларда қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари, фармонлар ва қарорлар аҳолининг кекса ёшдаги фуқаролар ҳамда ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш орқали уларнинг турмуш фаолиятини оширишда каттааҳамият касб этмоқда.

### **1.3. § Пенсия таъминоти тизимини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг хориж тажрибалари ва унинг хусусиятлари**

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг “Ижтимоий таъминотнинг минимал меъёрлари тўғрисида” 102-сонли Конвенциясига кўраинсонларга тўланадиган ижтимоий тўловлар бўйича тавсиявий характерга эга бўлган меъёрларни тавсия қилади. Мазкур меъёрларни бажарилиши аҳолини ижтимоий фаровонлиги учун хизмат қилади деб ҳисоблайди.

1.4-жадвал


#### **Халқаро Меҳнат Ташкилотининг “Ижтимоий таъминотнинг минимал меъёрлари тўғрисида” 102-сонли Конвенциясига мувофиқ фуқароларга бериладиган ижтимоий тўлов меъёрлари<sup>46</sup>**

<b>Ҳолат</b>	<b>Олувчи</b>	<b>Жами даромадга нисбатан, фоизда</b>
Касалликда	аёли ва икки фарзанди бор эркак	45
Ишсизликда	аёли ва икки фарзанди бор эркак	40
Кексаликда	пенсия ёшидаги аёли бор эркак	40
<b>Меҳнатда майибланиш оқибатида:</b>		
– меҳнатга лаёқатсиз бўлганда	аёли ва икки фарзанди бор эркак	50
– ногирон бўлганда	аёли ва икки фарзанди бор эркак	50
– боқувчисини йўқотганда	икки фарзанди бор бевааёл (эркак)	40
Ҳомиладор ва тўғиш	аёл	45
Ногирон бўлганда	аёли ва икки фарзанди бор эркак	40
Боқувчисни йўқотганда	икки фарзанди бор бевааёл (эркак)	40

<sup>46</sup>Халқаро Меҳнат ташкилотининг конвенциялари ва тавсиялари. 2 жилд (1918-1966; 1967-2002) Т.1.П 1078

Пенсия тизими илк бор хорижда, жумладан, Германияда ташкил этилган. Бугунги кундаги демографик ўзгаришлар, глобал муаммоларнинг мавжудлиги, аҳолининг кексайиб бораётганлиги хорижий мамлакатлар пенсия тизимларига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Бу эса пенсия тизимини ислоҳ этишни талаб қилади.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг маълумотларига кўра пенсия ёшидаги дунё аҳолисининг 67,9% бугунги кунда пенсия таъминоти билан қамраб олинган бўлиб, Европа ва Марказий Осиё, Шимолий ва Жанубий Америка мамлакатларида пенсия таъминоти қамрови тўлиқ эришилмаган бўлсада нисбатан юқори даражадалигини ҳамда Тинч океани, Осиё мамлакатлари, Африка мамлакатларида пенсия ёшидаги фуқароларнинг қамров даражаси паст кўрсаткичларни ташкил этганини кўриш мумкин (1.7-расм).



**1.7-расм. Жаҳон мамлакатлари континентлари бўйича аҳолини ижтимоий ҳимоя билан қамраб олиниши даражаси<sup>47</sup>**

<sup>47</sup> Ҳамдамов Ш.К. Фуқаролар ёшига доир пенсия таъминотининг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш. Монография. – Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2021. – 154 б.

Пенсия тизимидаги ислохотлар илк бор Германияда тиббий суғурта ва касаллик нафақасини жорий қилиш билан бошланган. Ёшга доир пенсия эса 1889 йилда ташкил қилинган.

1.5-жадвал

**Жаҳон мамлакатларида умуммиллий ижтимоий дастурларнинг  
ривожланиш тарихи<sup>48</sup>**

Мамлакатлар	Бахтсиз ходисаларда н суғурта қилиш	Касаллик нафақаси	Ёшга доир пенсия таъминоти	Ишсизликда н суғурталаш	Оилавий нафақа	Тиббий суғурта
Германия	1884	1883	1889	1927	1954	1880
Буюк Британия	1906	1911	1908	1911	1945	1948
Франция	1946	1930	1910	1967	1932	1945
Италия	1898	1943	1919	1919	1936	1945
Швеция	1901	1910	1913	1934	1947	1962
Дания			1891			
АҚШ	1930		1935	1935		
Канада	1930	1971	1927	1940	1944	1972

АҚШда пенсия тизими кўшма штатлар Президенти Франклин Рузвелт томонидан 1935 йилда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган “Миллий пенсия тизими тўғрисида”ги конун асосида фаолият кўрсатади ҳамда шу йилдан бошлаб пенсия тўлови бошланган.<sup>49</sup>

Ҳозирги кунда АҚШда расман 3 турдаги пенсиянинг шаклланиш манбалари мавжуд. Бўлар:

1. Пенсия суғуртаси фондига бадаллар, ишловчилар томонидан ҳар ойда ўтказиб борилади;
2. Хусусий жамғармалар ва инвестициялар қилиш орқали;
3. Ижтимоий тўловлар (Social security) ёки ижтимоий суғурта.

АҚШда барча меҳнатга лаёқатли фуқаролар юқоридаги манбааларнинг биридан пенсия олишни мустақил танлаш ҳуқуқига эга.

<sup>48</sup> Пудовкин А.В. Мировой опыт формирования пенсионных систем и возможности его использования в России. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук – Москва 2017. – С.21.

<sup>49</sup> Турсунов Ж.П., Маткаримова А. // АҚШ пенсия тизими. Тошкент молия институти, Республика илмий-амалий конференция материаллари. 2018 йил. 23 октябр. 314-316 бетлар.

Қўшма штатлардаги пенсия тизими кўп компонентли ҳисобланиб, булар давлат пенсия таъминоти ва жамғариб бориладиган пенсия таъминотидир.

Ҳар бир меҳнатга лаёқатли фуқаро меҳнат фаолияти билан шуғулланганда ҳар ойда иш ҳақидан тегишли тартибда Пенсия фондига бадал ўтказиб боришга мажбурдир. Унинг миқдори пенсия дастурига ёки компания хажмига боғлиқдир. Кўпинча америкалик иш берувчилар ўзларининг ишчиларига қўшимча (бонус) сифатида шахсий пенсия ҳисоб рақамини 401(k) очишни таклиф қиладилар.

401(k) – бу иш берувчи томонидан доимий тарзда маблағ ўтказиб бориладиган маҳсус ҳисоб рақам. Буни жамғариб бориладиган деб ҳам аташ мумкин. Шунингдек, ходимнинг ўз маблағларидан ҳам ташкил топади. Ушбу маблағлар солиққа тортилмайди. Ушбу маҳсус ҳисоб рақамга ойлик иш ҳақининг 6 фоизи миқдорида тегишли бадал ўтказиб борилади ҳамда 6 фоиз чегириб ташлангандан сўнгги даромаддан солиқ ҳисоб-китоб қилинади.

2018 йилда АҚШнинг 50 ёшга тўлмаган барча фуқаролари 401(k) маҳсус ҳисоб рақамига 55 минг АҚШ долларигача бўлган миқдордаги маблағни ўтказиш имкониятига эга бўлди. Лекин, 18 500 АҚШ долларигача бўлган маблағни ишловчи ўз хоҳиши билан ҳамда қолган 36500 АҚШ доллари иш берувчи томонидан ўтказилиши мумкин. Ҳозирги кунда АҚШда иш берувчилар 401(k) маҳсус ҳисоб рақамига йилига ўртача 20000-25000 АҚШ доллари миқдорида маблағ ўтказишади.

АҚШда ўртача пенсия ёши эркаклар ва аёллар учун 65 ва 67 ёш ҳисобланади. АҚШда пенсияга чиқиш ёшининг катталиги аҳолининг ўртача умр кўриш ёшининг ошганлиги билан боғлиқдир. АҚШ миллий тиббий статистика марказининг (NCHS) берган маълумотига кўра 2017 йилнинг охирига келиб Қўшма Штатларда аҳолининг ўртача умр кўриш ёши 78,7 ёшни яъни аёллар учун 81,1 ёш, эркаклар учун эса 76,1 ёшни ташкил этди.

Шунингдек, АҚШнинг пенсия тизими ўзига хос хусусиятларга эга.

Биринчидан, пенсияга чиқиш шахсларнинг туғилган йилига боғлиқдир. Яъни:

– 1937 йил ва ундан олдин туғилганлар учун пенсия 65 ёшдан тайинланади;

– 1937 йилдан 1955 йилгача туғилганлар учун пенсия 66 ёшдан тайинланади;

– 1956 йилдан кейин туғилганлар учун пенсия 67 ёшдан тайинланади.

Иккинчидан, пенсияга 62 ёшдан чиқиш имконияти ҳам мавжуддир. Бироқ, бу ҳолат пенсия қийматининг 25 фоизга камайишига олиб келади. Бунда йиллик даромад кўрсаткичлари ҳисобга олинади. Шунингдек, пенсияга чиқишнинг энг юқори чегараси 70 ёш ҳисобланиб, ҳар бир ортиқчаой учун тўловлар 24 фоизга оширилади. Агарда, пенсионер пенсияга чиқишни янада кечиктирса унда тўланган тўловларни қайтариб беришига тўғри келади. Акс ҳолда, пенсия тўловлари солиққа тортилиши мумкин.

“Европа Иттифоқи (ЕИ)<sup>50</sup> таркибига кирувчи мамлакатларда давлат пенсия таъминоти тизими, асосан, авлодлар бирдамлиги (PAYG) тамойили асосида ташкил этилган. Давлат пенсия таъминотида суғурта бадаллари солиқлар кўринишида ёлланма ишчилардан йиғиб олиниб, давлат пенсия фондларига йўналтирилади. ЕИ мамлакатлари иқтисодиётининг хусусий секторида амал қилаётган хусусий пенсия таъминоти дастурларида пенсия суғурта бадаллари суғурталовчи ва суғурталанувчи ўртасидаги келишилган шартномалар асосида хусусий пенсия фондларига жалб этилади. Давлат пенсия таъминоти тизими иқтисодиётнинг давлат секторида фаолият юритаётган ишчилар учун амал қилиб келган бўлиб, ҳозирда ушбу пенсиялар миқдорини камайтириш ва пенсия таъминоти олиш учун қўйиладиган талабларни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда”<sup>51</sup>.

Еига аъзо давлатларда пенсия тизимининг икта модели мавжуд бўлиб, булар пенсия таъминотининг (миллий) универсал тизими ва суғурта муносабатлари асосида шакллантирилган суғуртавий пенсия тизими.

---

<sup>50</sup> Австрия, Бельгия, Болгария, Венгрия, Буюк Британия, Греция, Германия, Дания, Италия, Ирландия, Испания, Кипр, Люксембург, Латвия, Литва, Мальта, Нидерландия, Португалия, Польша, Румыня, Словения, Словакия, Франция, Финляндия, Хорватия, Чехия, Швеция, Эстония.

<sup>51</sup> Б.С.Маматов ва б. Чет мамлакатлар пенсия тизими. Дарслик. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2019. – 81 б.

“Европа Иттифоқи мамлакатларида ижтимоий соҳа бюджетининг 60 фоизи суғуртаажратмалари ҳисобидан шаклланади”<sup>52</sup>. Бу ўз навбатида пенсия таъминотини амалга оширишда ижтимоий суғуртанинг аҳамияти юқори эканлигини кўрсатади.

1.6-жадвал

**Европа Иттифоқи га аъзо мамлакатларда пенсия таъминоти тизимининг муҳим хусусиятлари**<sup>53</sup>

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Суғуртавий тизим</b>	<b>Универсал тизим</b>
Таъминланганлик даражаси	Стандарт	Минимал
Пенсия таъминоти шакли	Аввалги шакллантирилган даромадларга асосланган пенсия	Аввалги даромадларга асосланмаган пенсия
Молиялаштириш	Суғурта асосида	Солиқлар асосида
Пенсия таъминотидан фойдаланишнинг дастлабки шarti	Суғурта муассасасига аъзолик	Мамлакатда яшаш ёки фуқаролик
Ташкилий шакли	Ўз-ўзини бошқарувчи суғурта фондлари	Давлат муассасалари

ЕИ мамлакатларида пенсия таъминоти тизими умумлашган ягона концепция асосида ишласада, баъзи бир мамлакатларда фарқланади. Жумладан, ташкилий тузилиши, вазифалари, молиялаштириш тартиби ва бошқа ҳолатлар орқали фарқланади. Шунинг учун ҳам пенсия модели ЕИ мамлакатларида аралаш шаклларда намоён бўлади. Жаҳон тажрибасида ҳеч бир давлатда тўлиқ жамғариладиган ёки тақсимланувчи пенсия таъминоти мавжуд эмас.


Жаҳон амалиётида пенсия таъминоти тизимини молиялаштириш учун икки дастурдан фойдаланилади: белгиланган бадаллар (defined-contribution) ва белгиланган тўловлар – ижтимоий нафақалар (defined-benefit). Ушбу тизимлар

<sup>52</sup> Ижаева А.Р. Концепция развития пенсионной системы Российской Федерации в посткризисный период: автореф. к.э.н. – Москва: ФГБОУ ВПО Гос. Унив. Управ. 2013. – С. 31.

<sup>53</sup> Б.С.Маматов ва б. Чет мамлакатлар пенсия тизими. Дарслик. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2019. – 82 б.



ижтимоий фондларни (бюджетини) шакллантириш нуктаи назаридан биридан фарқланади.



### **1.8-расм. Жаҳон тажрибасида пенсия таъминоти тизими назарий жиҳатдан икки йирик гуруҳга ажратилади<sup>54</sup>**

“Пенсиянинг белгиланган тўловлар (ёки қатъий тўловлар) дастури – бу ижтимоий дастур бўлиб, бунда келгусидаги пенсиялар фуқаронинг сўнгги йиллардаги олган иш ҳақи миқдорига, унинг индексацияланишига боғлиқ бўлади. Бундай бадаллар ишчининг иш ҳақидан давлат томонидан белгиланган фоиз кўринишида ҳисобланади”. Белгиланган тўловлар дастури тадбиркорларнинг ажратмалари ҳисобидан шакллантирилади, ишчиларнинг ўзи мазкур молиялаштириш тизимида иштирок этишмайди. Нафақат, хусусий дастурлар, балки, биринчи навбатда, федерал (давлат хизматчилари ва ҳарбий хизматчиларни қамраб олувчи) дастурлар ҳам белгиланган тўловлар тизими асосига қурилгандир. Бирок, 1980-1990 йилларда иқтисодиётнинг хусусий секторида тез суръатлар билан бошқа дастурлар – белгиланган бадаллар дастури ҳам ривожланди. Ушбу пенсия дастури тадбиркорлар ва ёлланма ишчилар томонидан тенг улушларда молиялаштирилди. Бунда ушбу дастурнинг ҳар бир иштирокчиси пенсия фондида ўзининг шахсий ҳисоб-рақамига ва бошқарувчи компания томонидан таклиф қилинадиган турли

<sup>54</sup> Ижаева А.Р. Концепция развития пенсионной системы Российской Федерации в посткризисный период: автореф. ... к.э.н. – Москва: ФГБОУ ВПО Гос. Унив. Управ.2013. – С. 31.

инвестиция дастурларини танлаш ҳуқуқига эга бўлади. Хусусий пенсия дастурларида компаниянинг ҳар қандай ишчиси иштирок этиши мумкин.

“Пенсия таъминоти тизими функцияларидан келиб чиқиб айтиш мумкин, мамлакатда яратилган иқтисодий қийматни тақсимлаш (ўрнатилган тўлов тизими), жамғариш (ўрнатилган бадал тизими) жараёнлари юзага келади. Шу боисдан, пенсия таъминоти тизимини ривожлантиришда мазкур унсурларни инобатга олиш мақсадга мувофиқдир”<sup>55</sup>.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, пенсия таъминотини қуйидагича таснифлаш мумкин: давлат мажбурий пенсия таъминоти; қўшимча пенсия таъминоти тизими, хўжалик субъектлари томонидан ишчи-ходимлари учун пенсия суғуртасини тўлаш орқали юзага келади; шахсий суғуртавий пенсия дастурлари. Қайд этилган уч даражали пенсия таъминоти тизими Европа Иттифоқи мамлакатлари учун характерли бўлиб, уларни ташкил этишда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш зарур: пенсия таъминоти тизимининг аҳолини қамраб олиш миқёси; пенсия тўловларини тўлашдаги шартлар; молиялаштириш манбалари ва тамойиллари. Масалан, ҳозирги кунда “Буюк Британияда пенсия таъминоти хизматининг аҳолини қамраб олиш даражаси қуйидагича”: давлат мажбурий пенсия таъминоти – 65 фоиз; қўшимча пенсия таъминоти тизими (хўжалик субъектлари томонидан таъминланадиган пенсия суғуртаси) – 25 фоиз; шахсий суғуртавий пенсия таъминоти – 10 фоиз.



### 1.9-расм. Европа мамлакатларида пенсия таъминотини таснифланиши<sup>56</sup>

Пенсия таъминотининг муҳим жиҳатларидан бири – бу аҳолини қамраб олиш миқёси ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан аҳолини қамраб олиш даражасига қараб уч қисмга ажратиб кўрсатиш мумкин, яъни биринчи

<sup>55</sup>Б.С.Маматов ва б. Чет мамлакатлар пенсия тизими. Дарслик. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2019. – 83 б.

<sup>56</sup> Волков Я. Моделирование пенсионных реформ и оценка неявного пенсионного долга // Вопросы экономики. – Москва, 2009. - №4. – С. 113-127.

қисмда пенсия суғуртаси фақат шартномаасосида фаолият кўрсатувчи кишиларни назарда тутса (Дания, Швеция), иккинчи қисмда эса шартномаасосида ишловчилардан ташқари ўз хусусий фаолиятига эга бўлганларни қамраб олади (Австрия, Италия, Нидерландия) ҳамда учинчи қисмда универсал яъни барча банд бўлган аҳолининг пенсия таъминотини ўзида ифода этади (Франция, Швеция, Буюк Британия).

1.7-жадвал

**Европа Иттифоқи мамлакатларида пенсия таъминоти тизимида  
давлат харажатлари, ЯИМга нисбатан фоизда<sup>57</sup>**

<b>Мамлакатлар</b>	<b>2010 й.</b>	<b>2015 й.</b>	<b>2020 й.</b>	<b>2030 й.</b>	<b>2040 й.</b>	<b>2050 й.</b>	<b>2060 й.</b>
Австрия	14,1	14,4	15,1	16,7	16,5	16,4	16,1
Белгия	11,0	11,9	13,1	15,5	16,5	16,7	16,6
Чехия	9,1	8,6	8,7	8,9	9,7	11,0	11,8
Дания	10,1	10,4	10,8	10,7	10,3	9,6	9,5
Эстония	8,9	7,8	7,7	8,2	8,1	8,0	7,7
Финландия	12,0	12,8	14,0	15,6	15,2	14,9	15,2
Франция	14,6	14,4	14,4	14,9	15,2	15,1	15,1
Германия	10,8	10,5	10,9	12,0	12,7	13,0	13,4
Греция	13,6	14,1	13,7	14,1	14,9	15,4	14,6
Венгрия	11,9	11,9	11,5	11,1	12,1	13,5	14,7
Ирландия	7,5	8,3	9,0	9,0	10,0	11,4	11,7
Италия	15,3	14,9	14,5	14,5	15,6	15,7	14,4
Люсембург	9,2	9,9	10,8	14,0	16,5	18,1	18,6
Нидерландия	6,8	6,8	7,4	9,1	10,4	10,4	10,4
Польша	11,8	10,7	10,9	10,9	10,3	10,0	9,6
Португалия	12,5	13,3	13,5	13,2	13,1	13,1	12,7
Словакия	8,0	8,1	8,6	9,5	10,6	12,2	13,2
Словения	11,2	11,8	12,2	13,3	15,8	17,9	18,3
Испания	10,1	10,4	10,6	10,6	12,3	14,0	13,7
Швеция	9,6	9,7	9,6	10,1	10,2	9,9	10,2
Буюк Британия	7,7	7,4	7,0	7,7	8,2	8,2	9,2
ЕИ27	10,8	10,9	11,1	11,9	12,6	13,1	13,2

Шунингдек, меҳнат бозорида нобарқарорликларнинг юзага келиши натижасида меҳнатга лаёқатли аҳолининг доимий ёки тўлиқ ишга эга бўлмаётганлиги пенсия таъминоти фондларининг молиявий ҳолатига ҳам сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, “Европа Иттифоқининг 15 дан ортиқ мамлакатларида вақтинчалик ишга эга бўлаётганлар 25 фоизни ташкил этса,

<sup>57</sup>Б.С.Маматов ва б. Чет мамлакатлар пенсия тизими. Дарслик. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2019. – 85 б.

тўликсиз иш кунда ишловчилар улуши эса 20 фоизни ташкил этмоқда”<sup>58</sup>. Бу эса, ўз навбатида, ижтимоий суғурта фондларига келиб тушувчи маблағларнинг камайишига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Натижада, пенсия таъминоти тизимида давлат харажатлари улушининг ўсиш тенденциясини кузатиш мумкин. Шартли пенсия ҳисоб-рақами тизими амал қилувчи Италия, Польша ва Швеция каби давлатларда давлат харажатларининг кескин ўсмаётганлигини кузатамиз. Бунда мавжуд пенсия таъминоти институтининг шаклланганлиги муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўриш мумкин. Пенсия таъминоти тизимида давлат харажатларининг ЯИМдаги улушининг ўзгариши, асосан, ЯИМнинг ўсиш суръатлари пенсия таъминоти тизимида давлат харажатларининг ўсиш суръатларидан юқори бўлган ёки аксинча.

Дунёда бўлаётган ўзгаришлар, жумладан демографик ўзгаришларнинг юз бераётганлиги пенсия таъминоти қамрови миқёсига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Шунинг учун пенсия ёшининг қандай белгиланиши муҳим ҳисобланади.

Ҳозирги кунда пенсия ёшида ишловчилар сонининг ошиб бораётганлиги бир томондан олиб қараганда уларнинг пенсия миқдори ошишига хизмат қилиши, шунингдек ўртача умр кўриш ёшининг ошиб бораётганлигидан далолат берса, масаланинг иккинчи томони ҳам бор, яъни баъзи ҳолларда меҳнатга лаёқатлилар билан пенсионерлар ўртасидаги нисбатнинг ошишига сабаб бўлади.

Навбатдаги жадвалимизда жаҳон мамлакатларида пенсия ёши ҳамда мамлакатдаги ўртача пенсия миқдорларини кўриб чиқамиз (1.8-жадвал).

---

<sup>58</sup> Хмыз О.В. Пенсионная реформа и демографическая ситуация//Финансы и кредит. – Москва, 2008. - №30(318). – С.54-61.

**Дунёнинг турли мамлакатларида пенсия ёши ва ўртача пенсия  
миқдорлари, 2020 йил<sup>59</sup>**

Мамлакатлар	Пенсияга чиқиш ёши		Ўртача пенсия миқдори, АҚШ дол.
	Эркаklar	Аёллар	
Лихтенштейн	64	64	3400
Дания	67	67	3200
Нидерландия	65	65	2600
Австрия	65	60	2300
Швейцария	65	64	2000
Швеция	61	61	1900
Норвегия	67	67	1750
АҚШ	67	67	1460
Финляндия	65	65	1400
Германия	65	65	1200
Италия	65	65	1150
Франция	60	60	1150
Испания	67	67	1050
Бельгия	63	63	1000
Греция	67	67	970
Буюк Британия	65	64	760
Португалия	66 ёш 3 ой	66 ёш 3 ой	620
Чехия	65	65	480
Эстония	65	65	470
Польша	65	60	440
Словакия	62	62	440
Венгрия	60	55	420
Латвия	62 ёш 9 ой	62 ёш 9 ой	350
Болгария	65	63	320
Литва	65	65	300
Россия	65	60	220
Хорватия	65	62	200
Белоруссия	60	55	150
Украина	60	60	120
Ўзбекистон	60	55	55

Жавдал маълумотларига эътибор берадиган бўлсак, энг юқори пенсия миқдори Лихтенштейн давлатига 3400 АҚШ долларига тўғри келмоқда. Дания давлати пенсия индекси бўйича ҳам юқори ўринда туриб, пенсияга чиқиш ёши 67 ёш баланд бўлишига карамай, ўртача пенсия миқдори 3200 АҚШ доллари ташкил қилмоқда. Россияда эса жудаям паст кўрсаткични ташкил қилмоқда.

<sup>59</sup>bs-life.ru сайти маълумотлари.

ЕИ мамлакатларида ижтимоий ҳимоя тизимига замонавий демографик тенденциялар (аҳолининг табиий кўпайиши даражасига нисбатан туғилишнинг камайиши ва аҳолининг қариши), иқтисодий глобализация ва Европа интеграциясининг кучайиши фаол таъсир кўрсатади. Бундай ҳолат Европа Иттифоқи мамлакатларида ижтимоий адолат принциплари ва иқтисодий ривожланишнинг устуворлиги ўртасида зиддиятлар юзага келишининг олдини олишга имкон берувчи умумжамият тараққиётининг унсурлари ҳисобланган иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётнинг оптимал мувозанатига эришишнинг янги йўллари излаш зарурлигини кўрсатади.

“Европа Иттифоқи мамлакатларида ижтимоий ҳимоянинг 4 та асосий модели етакчилик қилади: 1) Континентал ёки Бисмарк модели; 2) Англосаксон ёки Беверидж модели; 3) Скандинавия модели; 4) Жанубий Европа модели”<sup>60</sup>.

Бисмарк ёки континентал моделда ижтимоий ҳимоя даражаси билан касбий фаолият давомийлиги боғлиқ ҳисобланади. Мазкур модел ижтимоий суғуртага асосланган бўлиб, молиялаштириш асосан иш берувчи ва ишловчиларнинг суғурта бадаллари ҳисобидан амалга оширилади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда Беверидж модели муҳим ўрин тутди. Мазкур модел Буюк Британияда асос топган бўлиб, мақсади моддий ёрдамга муҳтож барча фуқароларга бирдек ёрдам кўрсатиш ҳисобланади.

Ижтимоий ҳимоянинг Скандинавия модели Дания, Швеция ва Финляндия давлатларига тегишли бўлиб, ижтимоий ҳимоя масаласи фуқаронинг қонуний ҳуқуқи сифатида белгилаб қўйилган. Скандинавия моделида жамият аъзолари учун ҳар қандай ижтимоий хизматлар ва тўловлар кафолатланади. Молиялаштириш асосан солиқлар ҳисобидан амалга оширилади.

Жанубий Европа модели Италия, Испания, Греция ва Португалия мамлакатлари учун хос бўлиб, ушбу моделни ривожланаётган модел сифатида эътироф этиш мумкин. Моделнинг асосий хусусияти ижтимоий ҳимоя

---

<sup>60</sup> Б.С.Маматов ва б. Чет мамлакатлар пенсия тизими. Дарслик. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2019. – 89 б.

масаласи қариндош-уруғлар ва оилалар томонидан амалга оширилиши зарурлиги белгилаб қуйилган.

ЕИ мамлакатларида 65 ва ундан катта ёшдаги аҳоли сонининг ортиб бораётганлиги натижасида пенсияга чиқиш ёши ва меҳнат бозорига кекса аҳолини ҳам жалб қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бошланди. 2009 йилда нашр этилган “Қариш тўғрисидаги ҳисобот”да 2060 йилга қадар бўлган муддатда ЕИ мамлакатларида аҳолининг қариб бориши билан бир қаторда ижтимоий таъминот харажатлари таркибида пенсия харажатлари улуши ортиб бориши, шунингдек, макроиктисодий кўрсаткичларнинг (ЯИМ, бандлик, жами аҳоли сони ва ҳ.к.) ўзгариши ҳақида маълумотлар келтирилган. Мазкур ҳисоботда ЕИ мамлакатларида пенсия ёшини оптимал даражада ошириб бориш билан бирга, меҳнат бозориде кекса ёшдаги аҳоли қатламлари учун фаол бандлик сиёсатини қўллаш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

1.9-жадвал

**Европа Иттифоқи мамлакатларида макроиктисодий кўрсаткичларнинг ўзгариб бориши прогнозлари (фоиз ҳисобида)<sup>61</sup>**


<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2008-2020 й.</b>	<b>2020-2040 й.</b>	<b>2040-2060 й.</b>	<b>2008-2060 й.</b>
ЯИМ даражасининг ўсиши	2,4	1,7	1,3	1,7
Умумий аҳоли сони ўсиши	3,7	0,0	-1,6	2,1
15-64 ёшдаги аҳоли сони (меҳнат ёшидаги аҳоли)	-0,4	-4,4	-10,2	-15,0
Кексааҳолининг боғлиқлик коэффиценти	25,4	31,1	53,5	28,1

ЕИ мамлакатларида келажакда умумий аҳоли сонининг ўсиши, бунда 15-64 ёшдаги аҳоли сони улушининг камайиши ва бу мамлакатлар макроиктисодий барқарорлигига ўз таъсирини кўрсатишини навбатдаги жадвалимиз (1.10-жадвал)да кўришимиз мумкин. ЕИ мамлакатларида 2008-2020 йиллар даврида ЯИМнинг ўсиш кўрсаткичи 2,4 фоизни ташкил этса, кейинги даврларда мазкур кўрсаткич пасайиш тенденциясига эга бўлади.

<sup>61</sup> Вахабов А.В. ва бошқ. Пенсия тизимини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси. Дарслик. – Тошкент, “IQTISOD-MOLIYA”, 2018. – 123 б.

Аҳоли сони эса 2020-2040 йиллардан бошлаб камайиб боради. 15-64 ёшдаги аҳоли сонининг умумий аҳоли сонидagi улуши ҳам камайиб, ЕИ мамлакатларида кексаларнинг боғлиқлик коэффициенти тобора ортиб боради ва 2040-2060 йилларда мазкур кўрсаткич 53,5 фоизга етади.

ЕИда пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш борасида бир канча ишлар амалга оширилмоқда (1.10-расм).



**1.10-расм. Европа Иттифоқининг пенсия таъминоти соҳасидаги сиёсатининг устувор йўналишлари<sup>62</sup>**

Мазкур амалга оширилаётган ислохотларни чуқурроқ таҳлил қилган ҳолда Ўзбекистонда ҳам пенсия тизимини такомиллаштириш борасида эришилган натижаларни ҳисобга олиб, бизда ҳам баъзи бир тадбирларни ҳисобга олиб, амалиётга қўллаш ўйлаймизки мақсадга мувофиқ бўлади.

Шундай қилиб, ЕИ мамлакатларида пенсия тизимини ислоҳ қилишда меҳнат фаоллиги даврини ошириш пенсия таъминоти соҳасидаги сиёсатнинг асосий устувор йўналишларидан ҳисобланади. Бундан мақсад пенсия тизимини қўшимча молиялаштириш ва аҳоли олдидаги пенсия мажбуриятини бажаришдан иборат.

<sup>62</sup>Б.С.Маматов ва б. Чет мамлакатлар пенсия тизими. Дарслик. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2019. – 102 б.



## Биринчи боб бўйича хулосалар

– тараққий этган мамлакатларда ижтимоий ҳимоянинг турли институтларини қамраб олувчи пенсия тизимининг турли моделлари, жумладан, давлат пенсия таъминоти, мажбурий ижтимоий суғурта, шахсий ижтимоий суғурта ва хусусий жамғариб бориладиган пенсия моделлари қўлланилади. Бунда “жамғариладиган” ва “тақсимланувчи” моделлар асосидаги “комбинациялашган” модел устувор аҳамият касб этади;

– “Пенсия” ва “нафақа” тушунчалари ўзаро бир-биридан фарқли жиҳатлари тўлиқроқ баён қилинган;

– пенсия жамият аъзосининг жамиятдаги меҳнат фаолиятида иштирок этганлиги учун берилади, яъни фуқаро меҳнат қилиб, тегишли меҳнат стажига эга бўлиб, тегишли пенсия бадалларини тўлаганлиги учун унга ваоилааъзолари учун белгиланган ҳуқуқдир. Нафақа эса моддий жиҳатдан муҳтож бўлганлар учун давлат томонидан берилладиган моддий кўмақдир;

– пенсиялар, фуқароларга пенсия олиш ҳуқуқи юзага келганда унинг моддий аҳволдан қатъий назар тайинланади, нафақа эса шахснинг моддий муҳтожлигини ва ижтимоий ҳолатини инобатга олган ҳолда тайинланади ва тўланади;

– пенсия пенсия ёшига етган фуқароларга иш стажи даври, ойлик иш ҳақи ва Пенсия жамғармасига тўлаган суғурта бадаллари миқдоридан келиб чиқиб тайинланади. Нафақа эса қатъий миқдорларда белгиланади, айрим нафақа турлари иш ҳақи миқдorigа ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

– Халқаро Меҳнат Ташкилотининг “Ижтимоий таъминотнинг минимал меъёрлари тўғрисида” 102-сонли Конвенциясига кўра инсонларга тўланадиган ижтимоий тўловлар бўйича тавсиявий характерга эга бўлган меъёрларни тавсия қилади;

– АҚШда пенсия тизими ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, пенсия маблағлари ишловчилар томонидан пенсия суғуртаси фондига ҳар ойда ўтказиб бориладиган бадаллар ҳисобидан, хусусий жамғармаларга

инвестициялар қилиш орқали ва ижтимоий тўловлар (Social security) ёки ижтимоий суғуртаорқали шакллантирилади;

– Европа Иттифоқи мамлакатларида шакллантирилган пенсия таъминоти тизимини икки йирик моделга ажратиш мумкин: пенсия таъминотининг (миллий) универсал тизими; суғурта муносабатлари асосида шакллантирилган суғуртавий пенсия тизими;

– Жаҳон тажрибасида ҳеч бир давлатда тўлиқ жамғариладиган ёки тақсимланувчи пенсия таъминоти мавжуд эмас.

## **II БОБ. ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ТАҲЛИЛИ ВА ТЕНДЕНЦИЯЛАР**

### **2.1. § Хорижий мамлакатларда пенсия таъминоти тизими таҳлили ва асосий тенденциялари**

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни чуқурлашуви, ижтимоий ислохотлар пенсия тизимини ислоҳ қилишни кун тартибига қўяди. Шунингдек, Пенсия жамғармаси даромадларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш борасидаги муаммоларнинг мавжудлиги ҳам уни ислоҳ қилишнинг зарур эканлигини тасдиқлайди. Фикримизча, ушбу муаммони ҳал этишда жаҳонда пенсия тизимини ислоҳ этишда тўпланган илғор тажрибани чуқур таҳлил этиш ва улардан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда Европа минтақасида жойлашган ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Европа минтақасида ижтимоий таъминот институтларининг хизматларига бўлган талаб ва эҳтиёж ортиб бормоқда. Эҳтиёжлар ижтимоий сиёсат ва мақсадли дастурларни ислоҳ қилишда, аҳоли даромадларни инфляциядан ҳимоя қилиш каби бундай очиқ-ойдин кўриниб турган мақсадлардан кўра узоқроққа эътибор қаратиш лозимлигини англатади. Ижтимоий ислохотлар тақдим этиладиган нафақа ва хизматларнинг сонини ортиши ва сифатини яхшилашга янада кўпроқ интилишлари керак. Баъзи дастурлар нафақа олувчилар учун тақдим этиладиган танловлар ҳамда хизматлар турларини кенгайтириши мақсадга мувофиқ. Ислохотларнинг бу қадар комплекс мақсадлари ижтимоий таъминот бошқаруви олдида турган вазифаларни кескин тарзда мураккаблаштириб юборади. Ушбу минтақада ижтимоий таъминот тизимини такомиллаштириш учун нафақа ва хизматлар мувофиқ бўлиши, уларнинг сифати-юқори, олувчилар танлови эса-ижтимоий ҳимояга харажатлар ўсиб бораётган шароитларда етарли даражада кенг

бўлиши учун, барча манфаатдор томонлар ўз тартиб-қоидаларини мувофиқ равишда ўзгартиришлари лозим. Охирги пенсия тизимида амалга оширилган ислохотлар ёши улуғ инсонларга ўз меҳнат фаолиятларини давом эттиришларига ва пенсияга чиқишларини кечиктиришларига ёрдам беришга қаратилган эди. Ижтимоий оилавий нафақалар соҳасидаги ислохотлар мақсади-аёлларга меҳнат фаолиятини тўхтатмасдан фарзанд кўриш, эркаларга эса-оилавий мажбуриятларни бажаришда янада тўлиқроқ иштирок этишларига ёрдам беришдан иборат бўлган. Соғлиқни сақлаш тизимидаги сўнгги ислохотлар турар жойлар бўйича кўрсатиладиган профилактика ишларини ва биринчи тиббий ёрдамни кучайтириш ҳисобига хизмат кўрсатувчилар ҳам, мижозлар ҳам шошилиш тиббий ёрдам ва стационар даволаш хизматларидан камроқ фойдаланишларига йўналтирилган.

Европадаги ижтимоий таъминот ислохотларининг моҳияти, чуқурлашув шарт-шароитлари ва омилларини ҳам белгилаб беради.

Қуйидаги маълумотлар Европа минтақасида ижтимоий таъминот тизимининг муҳим стратегик аҳамиятга эга эканлигини белгилайди.<sup>63</sup>

- Европа минтақаси аҳолисининг умумий сони миллиардга яқинлашиб бормоқда, уларнинг 500 миллиони Европа Иттифоқининг (ЕИ) 27 мамлакатида яшайди.

- 14 ёшдан кичик бўлган ёшлилар гуруҳи аҳолининг тахминан 16 фоизини ташкил этади.

- 60 ёшдан катта ёшлилар гуруҳи аҳолининг тахминан 22 фоизини ташкил қилади.

- ЕИ мамлакатлари соғлиқни сақлаш билан биргаликда ижтимоий ҳимоя мақсадларида ЯИМнинг ўртача 27 фоизини сарфлайдилар. ЕИ га аъзо бўлмаган мамлакатларда ижтимоий ҳимоя учун харажатлар ЯИМнинг ўртача 13 фоизини ташкил қилади.

- ЕИ мамлакатларида ижтимоий ҳимоя тизими асосан бадаллар (59 фоиз) ва солиқ тушумлари (38 фоиз) ҳисобидан молиялаштирилади.

---

<sup>63</sup> Eurostat: Europe in Figures, <https://ec.europa.eu/eurostat/documents/3217494/5760825/KS-CD-12-001-EN.PDF>

- Аксарият Европа мамлакатларида аҳолини ижтимоий таъминот дастурлари билан деярли тўлиқ камраб олишга муваффақ бўлинган. Минтақанинг бошқа қисмларида камров кўламлари торроқ, бу кўпроқ йирик норасмий бандлик секторларининг мавжудлиги ва иқтисодийнинг расмий секторларидаги иш ҳақи тўғрисидаги маълумотларнинг доимий пасайтирилиши оқибатидир.

- Минтақадаги мамлакатларнинг аксарият қисмида соғлиқни сақлаш тизими кучли ривожланган. Шундай бўлса-да, молиялаштиришнинг етарли эмаслиги туфайли, баъзи давлатлар аҳолининг соғлиқни сақлаш дастурлари билан тўла камраб олинишини таъминлашда ва бир хил сифатга эга тиббий хизматлар тақдим этишда қатор қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Минтақада соғлиқни сақлаш учун сарфланадиган харажатлар Франция ва Швецияда ЯИМнинг 11 фоизидан Қозоғистонда 4 фоизгача атрофида ўзгариб туради.

Глобаллашув жаҳон мамлакатларини кескин рақобат муҳитига тушириб қўймоқда. Модомики, эндиликда капитал ишлаб чиқариш қиймати паст бўлган минтақаларга эркин ўтиб кетиши мумкин экан, бир қатор мамлакатларнинг ҳукуматлари, корхоналар ходимларни ишга қабул қилиш ёки бўшатиши, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириши ва ишчи кучини тақсимлаши енгилроқ бўлиши мақсадида, меҳнат қонунларини юмшатишларига ва такомиллаштиришларига тўғри келмоқда. Натижада вақтинча ва қисман бандлик улуши ўсиб кетди. “1995 йилдан 2006 йилгача ЕИ-15 да вақтинча бандлик улуши 25 фоизга ўсди, қисман бандлик шароитларида эса ҳозирги кунда ҳар бешта одамдан биттаси ишламоқда. Марказий ва Шарқий Европадаги вазият ҳам шу тарзда ривожланиб бормоқда.”<sup>64</sup> Буларнинг барчаси норасмий бандлик билан ва суғурта бадалларининг етарли даражада тўпланмаслиги билан боғлиқ рискларни кучайтиради.

Умуман олганда, ижтимоий таъминот тизимлари учун глобаллашув

---

<sup>64</sup> Современные тенденции эволюции систем социального страхования. <http://elibrary.ru/item.asp?id=16397157>

нафақалар қамровининг қисқаришига ва мувофиқлигининг пасайишига хизмат қилар экан, “сабаби ҳукумат бизнес учун мақбул шароитларни яратишга интиланган ҳолда, иш берувчиларнинг ижтимоий суғурта тизимларига ажратадиган бадалларининг миқдорини қисқартиради ёки пасайтиради. Айни вақтда, глобаллашувга боғлиқ равишда вақтинчалик иш ҳақиға эга ходимларнинг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжи ўсиб боради.”<sup>65</sup> ЕИ мамлакатлари бу вазифани ўзгарувчан меҳнат бозорлари билан юқори даражали ижтимоий ҳимоянинг уйғунлигини назарда тутувчи “мослашувчан ижтимоий ҳимоя” (“flexicurity”) концепциясини ишлаб чиққан ҳолда ҳал этишга ҳаракат қилмоқдалар. Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, “ижтимоий соҳадаги ва бандлик соҳасидаги сиёсатдан меҳнат бозорида катта миқдорларда иш ўринларини нафақат яратиш мақсадида, балки уларнинг сифатини яхшилаш учун фаол ҳаракатлар воситаси сифатида ҳам фойдаланганлар”<sup>66</sup>.

Барча мамлакатлар учун янада мукамал иш ўринларини яратиш меҳнат шароитларини яхшилашни ҳам ўз ичига олиши лозим. Шуниси эътиборга лойиқки, меҳнатни муҳофаза қилиш ва ишлаб чиқариш хавфсизлиги каби кўрсаткичларнинг яхшиланиши аҳолининг саломатлик ва фаровонлик даражасига, иқтисодий рақобатбардошлик ва меҳнат самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

“2000-2060 йиллар давомида ЕИ мамлакатларида ўртача кутиладиган умр кўриш давомийлиги эркеклар учун 8,5 йил ва аёллар учун 6,9 йилга узайиши тахмин қилинмоқда.”<sup>67</sup> Бироқ туғилиш кўрсаткичлари аҳолини такрор ишлаб чиқариш учун зарур бўлган, 1 аёлга 2,1 та бола тўғри келадиган белгидан сезиларли тарзда тушиб кетди. “ЕИ мамлакатларида энг юқори туғилиш кўрсаткичлари-Франция ва Ирландияда-туғилиш кўрсаткичи 1 аёлга 2,0 бола тўғри келади ёки ундан камроқ. Бироқ Европа мамлакатларининг катта қисмида бу кўрсаткич-бир аёлга 1,4 бола ёки ундан ҳам пастга тенг.”<sup>68</sup> Шу

<sup>65</sup> Современные тенденции эволюции систем социального страхования. <http://elibrary.ru/item.asp?id=16397157>

<sup>66</sup> Касимова Г.А., Ботиров А.А. Ижтимоий соҳа: бошқариш ва молиялаштириш. Монография. Тамадун нашриёти. Тошкент давлат шарқшунослик институти. Т.: 2016. -216 б

<sup>67</sup> Современные тенденции эволюции систем социального страхования. <http://elibrary.ru/item.asp?id=16397157>

<sup>68</sup> Современные тенденции эволюции систем социального страхования. <http://elibrary.ru/item.asp?id=16397157>

ўринда таъкидлаш жоизки, Тожикистонда туғилиш кўрсаткичи битта аёлга 3,3 та бола; Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Ўзбекистонда-тахминан 2,5 та бола тўғри келади.<sup>69</sup>

Еврокомиссия ҳисоб-китобларига кўра, 2060 йилга келиб ЕИда кутиладиган умр кўриш давомийлиги туғилиш кўрсаткичларининг пасайиб бориши билан уйғунликда аҳолининг иқтисодий фаол ва фаол бўлмаган қатламлари нисбатининг 2,7 дан 1 гачадан 1,4 дан 1 гача камайиб боришига олиб келади. Охир-оқибат, эртанги, аҳолининг ниҳоятда камайиб кетган меҳнатга лаёқатли гуруҳи сезиларли тарзда кўпайган нофаол аҳолини боқишига тўғри келади. Бундай ўзгаришлар ҳозирги пенсия ёшини, бадаллар ва нафақалар миқдорини сақлаб қолишнинг иложи йўқдек туюлади. Шундай экан, ижтимоий харажатларни ўзгартиришга тўғри келади. Ушбу ҳолатни ХХI аср бошларида жуда кўп мамлакатларда кузатиш мумкин.

Бундан ташқари, аҳолининг қариб бориши билан сурункали касалликларга чалинганларнинг сони ҳам ортиб боради; улар узоқ муддатли парваришни талаб этади, буларнинг қиймати ҳам ўсиб боради. Кўпгина мамлакатларда техник тараққиёт, фаровонликни юксалиши ва демографик қариш соғлиқни сақлаш харажатларининг ўсишига олиб келади. Умуман олганда, пенсия ёшини кўтариш ҳисобидан пенсия молиявий таъминотини мустаҳкамлашга уринишлар, нафақалар миқдорининг бадаллар билан янада кучлироқ мувофиқлаштириш, шунингдек пенсия тизимини молиялаштиришни автоматик барқарорлаштириш механизмларининг жорий этилишига қарамай пенсия харажатлари мунтазам ўсиб бормоқда.

Еврокомиссия ҳисоб-китобларига кўра, 2060 йилда ЕИда демографик қариш ижтимоий таъминот учун умумий харажатларни ЯИМнинг 4,7 фоизига оширишни, шу жумладан, пенсия миқдори 2,4 фоизга, соғлиқни сақлаш харажатлари 1,5 фоизга, узоқ муддатли парвариш харажатлари 1,1 фоизга ошса, ўз навбатида ишсизлик нафақаси ва таълим харажатлари мос равишда 0,2 фоизга камайишини талаб қилади. Демографик қариш оқибатидаги

---

<sup>69</sup> Eurostat: Europe in Figures, <https://ec.europa.eu/eurostat/documents/3217494/5760825/KS-CD-12-001-EN.PDF>

ҳаражатларнинг ўсишига жавобан, ЕИнинг “Лиссабон стратегияси” бошқа чоралар билан бир қаторда, унумдорликни ошириш ва миллий бандлик даражасини кўтаришни кўзда тутди.<sup>70</sup>

Кейинги йилларда кўплаб мамлакатлар нафақалар, “айниқса пенсия ва тиббий нафақалар беришга хусусий компанияларни кўпроқ жалб этмоқдалар. Пенсия соҳасида бу хусусий бошқармалар қошидаги индивидуал жамғариб бориладиган ҳисоблар ёрдамида, соғлиқни сақлаш соҳасида эса-хусусий тиббий суғурта ва тиббий хизматлар орқали амалга оширилади. Ислоҳотларнинг ҳар икки турида ҳам жуда кўп сонли хизмат кўрсатувчиларнинг иштироки назарда тутилади, муайян ҳолатларда эса, олувчилар учун танлов ҳам кенгайтирилади. Шунингдек, баъзи ижтимоий ҳимоя тизимлари бозорга хос рақобатни ҳам жорий этганлар, бунда давлат таъминловчилари давлат ресурсларига эга бўлиш учун рақобатлашишларига тўғри келади.”<sup>71</sup> Оилавий нафақалар устида тўхталадиган бўлсак, давлат болалар хусусий муассасалари учун тўлов қоидаларини нисбатан ўзгарувчан (мослашувчан) қилишга ҳаракат қилади. Алоҳида ҳолатларда оилавий нафақалар дастурлари жамғариб бориш элементларидан ҳам фойдаланадилар, бунда олувчилар олган маблағларини қандай мақсадда-қайта таълим олиш, ижодий таътил ёки бола парвариши учун таътил учун сарфлашни ўзлари ҳал этишлари мумкин.

XX асрнинг охириги чораги ва XXI асрнинг дастлабки ўн йиллигида жаҳондаги мавжуд пенсия тизимлари уларни тубдан ислоҳ қилиш заруратига олиб келган қатор жиддий муаммоларга дуч келди. Пенсия тизимларини ислоҳ қилиш давлатнинг жами ижтимоий сиёсатини ўзгартириш билан биргаликда олиб борилди. Ислоҳотлар жараёнидаги асосий вазифа авлодлар ҳамжиҳатлиги принципига қурилган пенсия таъминоти институтининг ўзини сақлаб қолишдан иборат бўлди.


---

<sup>70</sup> Халқаро валюта жамғармаси башоратлари /Жаҳон банки, Октябр 2014 [www.imf.org](http://www.imf.org)

<sup>71</sup> Турсунов Ж.П. “Ўзбекистонда иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштириш даврида пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш”. Иқт. фан. бўй. фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. – Тошкент: “IQTISOD-MOLIYA”, 2020. – 57 б.



2.1-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, Европа мамлакатларида аҳоли структурасида 2020 йилга келиб 60 ёшдан ошган аҳоли 26,9 фоизни ташкил этади ва бу кўрсаткич йилдан йилга ўсиш тенденциясига эга. Бу демографик факторларни ҳисобга олган ҳолда пенсия таъминоти тизимида ислохотлар ўтказишга сабаб бўлади.



### 2.1-расм. Европа мамлакатларининг аҳоли ёшининг ўзгариш динамикаси (фоизда)<sup>72</sup>

Шу муносабат билан таъкидлаш жоизки, асосий вазифаси мамлакатларнинг иқтисодий тараққиётига ёрдам кўрсатиш бўлган Жаҳон банки пенсия сиёсати ва унинг мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишига таъсири муаммолари билан шуғулланади. Жаҳон банкнинг пенсия сиёсатига қизиқишлари 1980 йилларда, Лотин Америкаси ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида пенсия таъминотида муаммолар юзага келган даврларида кучайди. Пенсия тизимлари мушкул аҳволда қолган бу мамлакатларда Жаҳон банки бевосита фаол ҳаракат қилди. Умуман, банкнинг иштироқи икки шаклда ўз ифодасини топади: биринчиси-таркибий қайта ташкил этиш учун қарзлар ажратиш, бу ўринда пенсияларнинг мамлакатнинг солиқ-бюджет ва иқтисодий ҳаётига жиддий таъсир кўрсатишини ҳисобга олмаслик мумкин эмас; иккинчиси-инвестиция қарзлари. Уларнинг мақсади мамлакатларга

<sup>72</sup> Eurostat: Europe in Figures, <https://ec.europa.eu/eurostat/documents/3217494/5760825/KS-CD-12-001-EN.PDF>

тушумларни йиғиш, тўловлар ва тартибга солиш назорати бўйича ҳукумат фаолиятини замонавийлаштиришда, янгилашда ёрдам кўрсатишдан иборат.

Аҳоли сонини баҳолаш нуқтаи назаридан солиштирадиган бўлсак, 1950 йилга нисбатан 60 ёшдан юқори аҳоли даражаси 4,5 баробарга ошган, 0-14 ёш оралиғидаги болалар сони 2,2 марта 15-24 ёш оралиғидаги ёшлар сони 1950-2015 йилларда 2,6 марта ошган, 25-59 ёшли аҳоли сони 3,4 марта. Яқин йилларда бу икки ёш гуруҳлари ўртасидаги тафовут сезиларли ўзгариши кутилмоқда. 2030 йилга келиб, ўртача туғилишни башоратлаш 60 ва ундан юқори ёшли аҳоли 1950 йилга нисбатан 6,9 марта ошишини, 0-14 ёш оралиғидаги ёшлар сони 2,3 марта, 15-24 ёш оралиғидаги ёшлар сони 2,8 марта, 25-59 ёшлилар- 3,8 марта. 2050 йилга келиб дунё аҳлисининг 60 ёш ва юқори ёшлиларига тўғри келадиган ҳиссаси 1950 йилга нисбатан 10,4 марта ошиши кутилмоқда, аммо бу қиёсий кўрсаткич ёш болалар сонидан атиги 2,4 марта кўп бўлиши башорат қилинмоқда, 15-24 ёш оралиғидаги ёшлар сони- 2,9 марта, 25-59 ёшли аҳоли сони- 4,2 марта ошишини кутилмоқда. Қариш жараёнини характерлаш учун қари аҳолининг умумий аҳолига нисбатини ошишини таҳлили муҳим аҳамиятга эга<sup>73</sup>.

Умуман, жаҳонда 60 ва ундан юқори ёшли аҳоли ҳиссаси 1950 йилдаги 8 фоиздан 2015 йилда 12,3 фоизга ўсган 2030 йилга келиб бу кўрсаткич 16,5 фоизга, 2050 йилда эса 21,5 фоизни ташкил қилиши кутилмоқда. Бошқача қилиб айтганда ҳозирда дунёда яшаётган ҳар саккизинчи инсон 60 ёшли чегарани кесиб ўтган бўлса, 2030 йилга келиб аҳолининг бу гуруҳига ҳар олтинчи одам тегишли бўлади, 2050 йилда эса ҳар бешинчи одам пенсия ёшига етган бўлади.


2.2-расм маълумотларини таҳлил қилган ҳолда, қуйидаги хулосаларга келишимиз мумкин:

– World Population Prospects: the 2015 Revision (Жаҳон аҳолисининг истиқболлари) маълумотларига кўра: “сўнгги йилларда дунё аҳолиси

---

<sup>73</sup> Орешенков А. Глобальное старение населения и новая технологическая революция//Наука и инновации <sup>1</sup> 6 (184) 2018, 61-64

таркибида 60 ёш ёки ундан ортиқ ёшдаги қариялар сони сезиларли даражада ошди ва келгуси ўн йилликларда ўсишни прогноз қилмоқда.



## 2.2-расм Дунё аҳолиси сонининг ўзгариши динамикаси, ёш гуруҳлари бўйича<sup>74</sup>

–2015 ва 2030 йиллар оралиғида 60 ёш ва ундан юқори ёшдаги одамлар сони 56 фоизга, 901 миллиондан 1,4 миллиардга, 2050 йилга келиб, дунё аҳолисининг таркибида қариялар 2015 йилга нисбатан икки баробар ошиб қарийб, 2,1 миллиардга еташи прогноз қилинмоқда.”<sup>75</sup>

–Умуман олганда, 80 ёш ва ундан катта ёшдаги “қарияларнинг улуғлари” сони қарияларга нисбатан тез ўсмоқда. Прогнозлар шуни кўрсатадики, 2050 йилда “қарияларнинг улуғлари” сони 434 миллионни ташкил этади, бу 2015 йилдагига нисбатан қарийб уч баравар кўп, у пайтда 80 ёшдан ошган аҳоли сони 125 миллион одамни ташкил этган.

–“Келгуси 15 йил ичида Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси мамлакатларида кекса одамларнинг сони ўсиши кутилмоқда, 60 ва ундан юқори ёшдаги аҳолининг сони тахминан 71 фоизни ташкил этади. Ушбу кўрсаткич Осиёда 66 фоиз, Африкада 64 фоиз, Океанияда 47 фоиз, Шимолий Америкада 41 фоиз ва Европа 23 фоиз.”<sup>76</sup>

<sup>74</sup> [https://esa.un.org/unpd/wpp/Publications/Files/WPP2017\\_KeyFindings.pdf](https://esa.un.org/unpd/wpp/Publications/Files/WPP2017_KeyFindings.pdf)

<sup>75</sup> World Population Prospects: the 2015 Revision

<sup>76</sup> World Population Prospects: the 2015 Revision

–Бутун дунё бўйлаб аёлларнинг ўртача ёши 2010-2015 йиллар оралиғида 4,5 ёшга ошган. Дунё аҳолиси таркибида 60 ёш ва ундан катта ёшдаги аҳолининг 54 фоизи ва 80 ёш ва ундан юқори ёшдаги аҳолининг 61 фоизи аёллар ҳиссасига тўғри келган. Келгуси йилларда эркекларнинг ўртача умр кўриш даражаси яхшиланади ва бу борада ривожланишга эришилади. Истиқболда эркекларнинг ўртача омон қолишини яхшиланиши ва аёллар ўртача ёшининг ўсишида турғунлик бўлиши кутилмоқда, шу сабабли энг кекса ёшдаги кишилар ўртасидаги жинсий мувозанат янада барқарорлашади. 2050 йилда 80 ва ундан юқори ёшдаги аёлларнинг умунй аҳолига нисбати 58 фоизгача пасайиши прогноз қилинмоқда.

–Иккинчи жаҳон урушидан кейин чақалоқларнинг кўп туғилиши билан бир қаторда кекса ёшдаги аҳолининг катта қисмининг умр давомийлиги узайди. Дунёдаги 80 ва ундан юқори ёшдаги қарияларининг умумий аҳоли сонига нисбати 2015 йилда 14 фоиздан 2050 йилгача 20 фоизгача ошиши прогноз қилинган.

–Кекса аҳоли сони қишлоқ жойларига қараганда шаҳар жойларида тез ўсмоқда. Глобал миқёсда 2000 йилдан 2015 йилгача бўлган даврда 60 ва ундан юқори ёшдаги аҳолининг сони шаҳарларда қарийб 68 фоизга ошган, қишлоқ жойларида эса бу кўрсаткич 25 фоизни ташкил қилади. Натижада, кекса одамлар шаҳар жойларига тобора кўпроқ эътибор қаратмоқда. 2015 йилда 60 ёш ва ундан катта ёшдаги дунё аҳолисининг 58 фоизи шаҳарларда истиқомат қилган бўлса, 2000 йилда 51 фоизни ташкил этган. ёши улуғ аҳолининг шаҳарларда истиқомат қилиш эҳтимоли кўпроқ; 80 ёшга тўлган одамларнинг 2000 йилда 56 фоизи шаҳар жойларида истиқомат қилган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 63 фоизгача кўтарилган.

–Глобал миқёсда қарияларнинг сони ҳар қандай ёшдаги одамларнинг сонидан тезроқ ўсиб бормоқда. Натижада, кекса одамларнинг умумий аҳоли сонигаги улуши деярли ҳамма жойларда ўсиб бормоқда. Аҳолининг қариши глобал характерга эга бўлса-да, бу ҳолат бир неча юз йил аввал бошланган мамлакатларда қариш жараёни бошқаларга қараганда кўпроқ ривожланган, шу

билан бирга унда туғилишнинг пасайиши кузатилган. Мамлакатлар ривожланиш сари қанча илгари қадам қўйган бўлишса, аҳолининг қариш жараёни шунга мутаносиб равишда ривожланган.

–2015 йилда дунё бўйлаб саккиз кишидан бири 60 ёшдан ошган бўлса, 2030 йилга келиб, глобал миқёсда ҳар олти кишидан бири кекса одамлар бўлиши прогноз қилинмоқда. Йигирма биринчи асрнинг ўрталарига келиб, ҳар беш кишидан бири 60 ёшдан ошган бўлади.

–2030 йилга келиб, 60 ёшдан ошган кекса одамлар 0-9 ёшдаги болалардан (1,4 миллиардга:1,3 миллиард) кўп бўлади; 2050 йилга келиб, 60 ёшдан ошганлар 10-24 ёш оралиғидаги ўсмирлар ва ёшларга (2,1 миллиардга: 2,0 млрд.) қараганда кўп бўлади.

–Дунё аҳолисининг қариши тезлашмоқда. Прогнозлар шуни кўрсатмоқдаки, 60 ёш ва ундан катта ёшдаги аҳолининг даражаси келгуси 15 йил ичида 4 ф.п.га ошади, 2015 йилдаги 12,3 фоиздан 2030 йилга келиб 16,5 фоизгача, 2000 йилдан 2015 йилгача бўлган даврда кексалар улуши 2,3 фоиз пунктига ошганлиги ҳисобга олсак, глобал қариш жараёнининг нақадар тезлашганига баҳо беришимиз мумкин.

–2050 йилда дунё аҳолисининг 44 фоизи нисбатан қариб қолган мамлакатларда яшайди, бу мамлакатларда 60 ва ундан юқори ёшдаги аҳоли умумий аҳоли сонининг камида 20 фоизини ташкил этади ва жаҳондаги ҳар тўрт кишидан биттаси 30 фоиз аҳолиси 60 ёшдан ошган мамлакатда яшайди.

Умумжаҳон жараёнларига мувофиқ ривожланаётган ҳозирги Ўзбекистонда, кейинги йигирма йилда, хусусан охирги ўн йилда сезиларли миқдорий ва сифат ўзгаришлари юз бермоқда. Авваламбор, демографик ўсиш камайди, аҳолининг ўртача йиллик ўсиши 1,1-1,6фоиз ни ташкил қилмоқда, ваҳоланки, бу кўрсаткич ўтган асрнинг 70 йилларида 3,0-3,2фоиз ни 90 йиллари бошида 2,2-2,3фоиз ни ташкил қиларди.<sup>77</sup>

## 2.1-жадвал

<sup>77</sup> [https://esa.un.org/unpd/wpp/Publications/Files/WPP2017\\_KeyFindings.pdf](https://esa.un.org/unpd/wpp/Publications/Files/WPP2017_KeyFindings.pdf), <http://www.un.org/ru/sections/issues-depth/ageing/index.html>

## Ўзбекистоннинг демографик кўрсаткичлари ва прогнози<sup>78</sup> (2010-2050)

Кўрсаткичлар	2005	2010	2015	2020	2025	2030	2035	2040	2045	2050
(млн.киши)	26,3	29,1	30,2	33,9	34,3	36,7	36,9	37,9	38,7	40,9
Туғилиш коэффициенти (1 аёлга туғри келадиган туғилиш сони)	2,3	2,3	2,2	2,1	2,0	1,9	1,9	1,8	1,8	1,8
Умр давомийлиги (умумий)	71,8	72,8	68,5	69,0	69,6	70,1	70,7	71,2	71,7	72,2
Умр давомийлиги (эркаклар)	69,6	70,5	65,2	65,7	66,1	66,6	67,1	67,6	68,0	68,5
Умр давомийлиги (аёллар)	74,1	75,1	71,9	72,6	73,2	73,8	74,4	75,0	75,5	76,1
65 ва ундан катта ёшдаги аҳоли сони (%да)	7,04	7,6	4,4	5,1	6,6	8,2	9,4	10,5	11,7	13,4

“Бугунги кунда Жаҳон банкининг берган прогнозларига кўра Ўзбекистон аҳолиси 2050 йилга бориб 40,9 млн. кишига етиши кутилмоқда. Мамлакатдаги ўртача умр давомийлиги кўрсаткичи 68 йилдан 72 йилга ошади ва 65 ёшдан катта бўлган иқтисодий фаол аҳоли улуши 4,4 фоиздан 13,4 фоизга етиши мумкин”<sup>79</sup> (2.1-жадвал)

Тадқиқот давомида амалга оширилган кузатишлар натижасида айтиш мумкинки, коронавирус пандемияси даврида дунёда ўлимлар сони кескин ошган (2021 йил июнь ҳолатига 4 млн. нафар) бўлишига қарамасдан, аҳолининг ўлим даражаси аср бошидан буён пасайиш тенденциясига эга бўлмоқда, худди шундай вазият Ўзбекистонда ҳам юз бермоқда. Хорижий мамлакатларда эса демографик вазиятнинг мураккаблиги мамлакатимиздаги ҳолатга нисбатан бирмунча қалтис, шунга кўра, пенсияга чиқиш ёши ва меҳнат пенсиясини олиш учун талаб этиладиган стаж турлича бўлиб, бу жараённи бошқаришнинг имкони йўқлиги пенсия ислохотларини чуқур ва таъсир даражаси ҳамда молиявий юкининг сезиларли бўлишига сабаб бўлмоқда.

### 2.2-жадвал

<sup>78</sup> Жадвалдаги 2005, 2010, 2020 йил кўрсаткичлари Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган. World Bank Population Estimates and Projections (2017).

<sup>79</sup> Уша манба

**Ўзбекистон Республикасида меҳнат ресурсларининг баланси (ўртача йиллик сони, минг киши)<sup>80</sup>**

т/р	Кўрсаткичлар	Йиллар									
		2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
1.	Доимий аҳоли сони, А	29123,4	29555,4	29993,5	30492,8	31022,5	31575,3	32120,5	32656,7	33255,5	33905,2
2.	Меҳнат ресурслар сони (3к+6к), МР	17286,4	17564,3	17814,1	18048,0	18276,1	18488,9	18666,3	18792,2	18949,0	19142,3
3.	Иқтисодий фаол аҳоли сони (4к+5к), ИФА	12541,5	12850,1	13163,0	13505,4	13767,7	14022,4	14357,3	14641,7	14876,4	14797,9
4.	Банд аҳоли сони, Б	11919,1	12223,8	12523,3	12818,4	13058,3	13298,4	13520,3	13273,1	13541,1	13239,6
5.	Ишга мухтожлар сони (ишсизлар), И	622,4	626,3	639,7	687,0	709,4	724,0	837,0	1368,6	1335,3	1558,4
6.	Иқтисодий нофаол аҳоли сони, ИНФА	4744,9	4714,2	4651,1	4542,6	4508,4	4466,5	4309,0	4187,9	4072,6	4344,4

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, 2020 йилда аҳоли сони 33905,2 минг кишини ташкил қилиб, 2010 йилга нисбатан 1,21 фоизга ўсган. Иқтисодий фаол аҳоли сони эса 2020 йилда 14797,9 минг кишини ташкил этиб, 2010 йилга нисбатан 1,2 фоиз ортган. 2020 йилда иқтисодий фаол аҳоли сони умумий аҳоли сонига нисбатан 43,6 фоиз ташкил этган.

Европа иттифоқи мамлакатларида, хусусан, Чехияда пенсия таъминотини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари-зарарли ва оғир меҳнат учун имтиёزلарни бекор қилиш, иш юритувчиларнинг суғурта қилинган бадалларига қўшимча бадалларни киритиш, тўланган бадаллар ва олинган пенсиялар ўртасида алоқани кучайтириш, кўп режали ижтимоий суғурта тизимини ривожлантириш, индивидуал пенсия режалари имкониятларини кенгайтириш, пенсия ёшини эркаклар ва аёллар учун 2015-2020 йилларда 65 ёшгача оширишдан иборат. Бу борада Чехия мамлакати бошқа мамлакатлардан фарқли равишда пенсия ёшини йилига эркаклар учун 2 ойга, аёллар учун 4 ойга оширмоқда.

МДХ мамлакатларининг пенсия тизимидаги асосий муаммолари бири бир хил-пенсияга чиқиш ёшининг барвақтлиги, пенсия жамғармаси даромадларининг тўлиқ тушмаслиги, пенсия тўловлари учун ҳаражатларнинг

<sup>80</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси электрон сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

катталиги, имтиёзли пенсияларнинг мавжудлиги, пенсияларга инфляциянинг таъсири.

Пенсия ёшини кўтариш ҳақиқатда пенсия жамғармаларининг молиявий аҳволига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Чунки, пенсионерлар улушида янги чиқиши керак бўлганлар ҳисобига маълум бир вақт камайиб туради. Бу ораликда эса молиявий манбаларни бўш қолдириш мақсадга мувофиқ эмас.

Европа Иттифоқининг расмий ҳужжатларига кўра 1998 йилдан 2020 йилгача бўлган даврда пенсия тўловларида тақсимоти тизими ҳиссаси 84фоиз дан 64фоизга тушади, айти пайтда жамғарма тизим ҳиссаси 12фоиз дан 29фоиз га кўтарилади, хусусий ихтиёрий пенсия суғурта ҳиссаси уч марта ортиб, 1,5 фоиз дан 4,5фоиз га этади.<sup>81</sup>

Ҳозирги даврда жаҳондаги пенсия тизимларини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари қуйидагиларни ўз ичига олмоқда:

1. Тақсимот (тақсимловчи) тизимнинг параметрик тавсифларига ўзгаришлар киритиш:

- пенсияга чиқиш ёш чегараларини кўтариш ва зарурий меҳнат стажи давомийлигини узайтириш: масалан, АҚШ Конгресси 2002-2014 йилларда пенсияга чиқиш ёшини 65 ёшдан 67 ёшга кўтариш тўғрисидаги қарорни тасдиқлади<sup>82</sup>; Португалияда пенсияга чиқиш ёши аста-секин уч йилга, яъни 65 ёшга кўтарилди (2005 йилдан эркаклар учун, 2016 йилдан аёллар учун); Франция ва Японияда пенсия ёши 65 ёшга, Швецияда 67 ёшга етказилди. Жанубий Кореа бу борадаги ислохотларни нисбатан аввалроқ бошлаб, жудаям вазминлик билан 2013-2033йиллар оралиғида пенсия ёшини 60дан 65га ошираётган бўлса, Буюк Британия, Германия, Эстония каби ЕИ мамлакатлари бу ислохотларни нисбатан кечроқ амалга оширдилар. Белоруссия ҳамда Россия пенсия ёшини ошириш бўйича бир қанча мунозараларга сабаб бўлган қарорни ниҳоят қабул қилдилар.

---

<sup>81</sup> Мировой опыт реформирования пенсионных систем. Концептуальные подходы и практические действия. М., «Эпикон», 1999, с.16-17.

<sup>82</sup> Пудовкин Алексей Васильевич Мировой опыт формирования пенсионных систем и возможности его использования в России: Автореферат диссертации кандидата экономических наук: 08.00.14 Москва 2017



- пенсияларни индексациялаш тартибини ўзгартириш: Италияда 1992 йилдан, Францияда эса 1987 йилдан пенсиялар илгариги каби ўртача иш ҳақи ўсиши суръатлари асосида эмас, балки истеъмол нархлари ўсиши суръатларига қараб индексацияланади. Япония 1994 йилда ялпи иш ҳақи бўйича индексациядан соф иш ҳақи бўйича индексациялашга, 2000 йилдан эса истеъмол нархлари ўсиши асосида индексациялашга ўтди.

- пенсия тайинлаш коэффициентини кичрайтириш (пенсиянинг иш ҳақига нисбати): Францияда ислохотлар натижасида пенсия тайинлашда (пенсия ҳисоблашда) охириги энг қулай 10 йилдаги иш ҳақи эмас, балки 25 йиллик иш ҳақи асос қилиб олинади (2008 йилга қадар ҳар йили бир йилга ошириб борилади); Италияда жами меҳнат стажи давомидаги иш ҳақи асос қилиб олинади (илгари 5 йили олинган).

- қатор мамлакатларда суғурта бадаллари миқдори оширилиб, ажратмалар олинadиган база кенгайтирилмоқда: масалан, Бельгия, Италия, Швеция, Швейцария, Португалияда суғурта бадалларини ҳисоблашда иш ҳақи “чегараси” бекор қилинган; бадаллар тўлашда таянч иш ҳақи миқдорига мукофотлар ва таътил даври нафақалари ҳам қўшилади (Франция, Германия, Нидерландия ва Австрияда бу тартиб жорий этилган).

2. Пенсия тизимларини таркибий ислоҳ қилиш (жамғариб бориладиган тартибларни жорий этиш):

- тақсимловчи ва жамғариб бориладиган пенсия тизимларини уйғунлаштириш: Швециянинг янги пенсия тизими мажбурий тақсимот ва жамғарма тизимларни, шунингдек ихтиёрий пенсия маблағлари (жамғармалари)га асосланган тизимни ўз ичига олади;

- мажбурий касбий жамғариб бориладиган тартибларни жорий этиш ва давлат тақсимот тизимини муҳтожликни махсус ўрганиш асосидаги пенсия таъминоти тизимига айлантириш: бундай тартиб, масалан, Австралияда амалга киритилган; Исландияда давлат пенсия таъминоти муҳтожлик даражасини тадқиқ этишга асосланган тизимга асосланган;

- якка тартибдаги мажбурий жамғариб бориладиган тартибларни амалиётга қўллаш: XX асрнинг 90-йилларида Латин Америкасидаги кўпгина мамлакатларда пенсия тизимлари тубдан ислоҳ қилинди; бу ислоҳотларнинг умумий белгиси-жамғариб бориладиган пенсия тизимига ўтиш ёки мажбурий жамғариб бориладиган тартибларни ўз ичига оладиган кўп даражали моделларни жорий этиш бўлган.

Ривожланган мамлакатлар, ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари (Венгрия, Польша, Қозоғистон, Латвия, Хорватия) ҳам универсал тақсимот пенсия тартибларини ислоҳ қилмоқда, лекин ривожланган мамлакатлардан фарқли ҳолда бу ислоҳотлар иқтисодий бекарорлик, молия инфратузилмаси етарли даражада ривожланмаган, хуфиёна иқтисодиёт катта миқёсга эга, суғурта тўловларини йиғиш даражаси пасайган, аҳоли даромадларининг пастлиги кўп ҳолларда иқтисодий тараққиётнинг реал даражасига мос келмайдиган кўпдан-кўп пенсия имтиёзлари сақланиб қолган шароитларда амалга оширилмоқда<sup>83</sup>.

“Умуман олганда, миллий пенсия тизимлари доирасида ислоҳот чораларини, йўлларини танлаш демографик, маданий ва сиёсий омиллар билан боғланиб кетади (мамлакатда шаклланган пенсия тизимининг табиати, демографик вазият хусусиятлари, сиёсий мулоҳазалар). Масалан, АҚШ бемалол бадалларнинг ўртача даражасини ошириши ёки пенсия тайинлаш коэффициентини бирмунча пасайтириши мумкин ва унга шуларнинг ўзи етарли.

Франция, Германия, Швецияда ушбу тадбирларни амалга оширишга тўғри келади. Пенсияга чиқиш ёшини кўтариш Япония, Франция ва Италия учун энг мақбул Бадаллар даражаси жуда юқори бўлган Италияда мослаштириш имкониятлари, биринчи навбатда, юқори пенсия тайинлаш коэффициентини пасайтириш билан боғлиқ. Бундан ташқари вариант бўлиши мумкин, чунки бу мамлакатларда пенсияга чиқиш ёши нисбатан пастроқ.

---

<sup>83</sup> Больницкая Айтилина Николаевна Институт пенсионирования в условиях трансформации российского общества: Автореферат дис. кандидата социологических наук: 22.00.04 Санкт-Петербург 2006

Жаҳон илғор тажрибаси кўрсатишича, пенсия тизимларини ислоҳ қилишнинг уч варианты бўлиши мумкин: биринчидан, тақсимот тизимининг айрим параметрларини ислоҳ қилиш, иккинчидан, мажбурий жамғариб бориладиган тизимга ўтиш, учинчидан, босқичма-босқич тақсимот ва жамғарма унсурларини ўзида мужассам этган кўп даражали тизимга ўтиш.”<sup>84</sup>


Ривожланган мамлакатларида пенсия тизимларини ислоҳ қилишдаги эҳтиёткорлик ва босқичма-босқич амалга оширилишининг сабаби шундаки, бу соҳадаги ҳар қандай қатъий ҳаракатлар жамоатчилик томонидан маъқулланмаслиги мумкин, чунки ислоҳотлар пенсия суғуртасининг ижтимоий ҳамжиҳатлик ва ижтимоий адолат каби туб тамойилларини қайта кўриб чиқишга олиб келади.

---

<sup>84</sup> Обеспеченная старость в XXI веке: Пенсионные системы и реформы в международной перспективе. Международный банк реконструкции и развития/ВСЕМИРНЫЙ БАНК, 2005, с 9.

## 2.2. § Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизими кўрсаткичлари таҳлили

Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлатни қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятни шакллантириш йўлидан дадил бориб, жаҳон ҳамжамиятида мустақкам ўрин эгалламоқда. Иқтисодиёт, сиёсат, давлат қурилиши, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳаларида кенг кўламли ислоҳотлар ўтказилмоқда. Ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ҳуқуқий асослари изчиллик билан мустақкамланмоқда ва такомиллаштирилмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилиб келинаётган ҳуқуқий ислоҳотларнинг мақсадларидан бири инсон манфаатларини олий қадрият сифатида ҳар томонлама таъминлаш ва муҳофаза этишдан иборат.



2.3-расм. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатлари ижроси, (млрд. сўм)<sup>85</sup>

Пенсия жамғармасининг молиявий кўрсаткичлари шуни кўрсатадики, охириги 5 йилда Пенсия жамғармаси даромадлари 1,81 ва харажатлари 1,83

<sup>85</sup> Муаллиф томонидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маълумотлари асосида шакллантирилган.

баробарга ортиши натижасида 2017 йилда Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатлари ўртасидаги мусбат қолдиқ 1074,1 млрд. сўмни ташкил этган. 2021 йилда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг даромадлари 38,2 трлн. сўмни, харажатлари эса 36,5 трлн. сўмни ташкил этиши кўзда тутилган, Мазкур даврда жамғарма 4 та мажбурий тўлов орқали ундириладиган даромад манбаига эга бўлган. Пенсия жамғармаси харажатлари таркибида асосий улушни иш берувчиларнинг меҳнат ҳақи фондидан тўланадиган ягона ижтимоий тўлов (жами даромадларнинг 58 фоизи), ишловчиларнинг суғурта бадалли тўлови (жами даромадларнинг 21 фоизи), корхона ва ташкилотлар томонидан товар ва хизматлар реализациясидан тушумлар (жами даромадларнинг 12 фоизи), ягона солиқ тўлови тушумларидан Пенсия жамғармасига ажратмалар (жами даромадларнинг 9 фоизи) эгаллайди. “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ 2019 йил 1 январидан бошлаб, фуқароларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш туридаги даромадларидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ушлаб қолинадиган суғурта бадаллари бекор қилинди. Пенсия тизимининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида бюджет ташкилотлари ва давлат корхоналари, устав жамғармаси (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ миқдорда бўлган юридик шахслар, устав жамғармаси (капитали)нинг 50 фоизи ва ундан кўпроқ миқдори давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ бўлган юридик шахсга тегишли юридик шахслар ҳамда уларнинг таркибий тузилмалари учун ягона ижтимоий тўловни (ЯИТ) 25 фоиз миқдорида белгилаш, шунингдек, бошқа юридик шахслар учун ушбу тўлов ставкасини 15 фоиздан 12 фоизгача пасайтирилди,”<sup>86</sup> натижада Пенсия жамғармасининг даромадлари 2020 йил бошига кўра 4 трлн. сўмдан ортиқроқ маблағга камайган. Шунингдек, корхона ва ташкилотлар томонидан бюджетдан ташқари жамғармалар айланмасидан тўланадиган мажбурий ажратма, корхона

---

<sup>86</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сонли Фармони

ажратмаси 3,2 фоиз бўлиб, пенсия жамғармасига 1,6 фоизи ажратилган, унинг қисқариши натижасида жамғарма даромадлари 3 трлн. сўмга қисқарган. 2019 йил 1 октябрга қадар жамғарма ягона солиқ тўлови мавжуд бўлган, унинг миқдори 5 фоиз қилиб белгиланган. Давлат мақсадли жамғармаларига юридик шахсларнинг пул айланмалари (тушуми)дан ундириладиган мажбурий ажратмалар ҳам бекор қилинди. Давлат бюджетидан 2019 йилдаги камомадни қоплаш мақсадида 4,7 трлн. сўм пенсия жамғармасига трансферт ажратилган. Аммо ташкилот ўртача ойлик иш ҳақининг ошиши натижасида қутилган даромадлардан ошган пуллар ҳисобига давлат томонидан ажратилган маблағ олинмаган. 2020 йил бошига кўра жамғарманинг қолдиқ маблағи 5,07 трлн. сўмни ташкил этган. 2020 йил давомида жамғарма харажатлари жами 31,96 трлн. сўмни ташкил этди. Пандемия оқибатларини юмшатиш мақсадида яқка тартибдаги тадбиркорлар учун ижтимоий солиқ миқдори 50 фоизга камайтирилди. Туризм билан боғлиқ фаолият кўрсатувчи операторлар ва микрофирмаларга ижтимоий солиқ ставкаси 12 фоиздан 1 фоизга камайтирилди.<sup>87</sup> Мазкур ҳолат натижасида пенсия жамғармаси даромадлари 3,5 трлн. сўмга қисқарди. Давлат бюджетидан Пенсия жамғармасига ажратмалар миқдори 2020 йилда 9,1 трлн. сўмни ташкил этди.<sup>88</sup> 2021 йилда эса давлат бюджетидан трансферт миқдори 14,7 трлн сўмни ташкил этиши белгиланган.<sup>89</sup>

Пенсия фондига ЯИТ ва суғурта бадаллари тўловини оптималлаштириш нуқтаи-назаридан Сингапур тажрибаси ўзига хос хусусиятга эга. Хусусан, Сингапурда пенсия фондига тўлов иш берувчи тамонидан ишчининг ҳисобига қараганда камроқни ташкил этади, унинг хиссаси яъни иш берувчи 16 фоиз суғурта тўлайди. Ходим иш ҳақи ҳисобидан 20 фоиз суғурта бадали тўлайди, умумий ҳисобда 36 фоизни ташкил қилади. Бу тўлов 50 ёшгача ўзгармайди. 50

---

<sup>87</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон Фармони

<sup>88</sup> [www.pfu.uz](http://www.pfu.uz), [www.kun.uz](http://www.kun.uz) веб сайтлари маълумотлари асосида тайёрланди.

<sup>89</sup> Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги 2020 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-657-сон Қонуни

ёшдан кейин ҳар 5 йилда тўлов миқдори қисқариб боради. 51-55 ёшгача бўлган даврда 32,5 фоиз, 56-60 ёшгача ходим иш ҳақидан 10,5 фоизни тўлайди 23,5 фоизга тенг бўлади.

## 2.3-жадвал

### Сингапур Пенсия фондига суғурта бадаллари тўловининг ёшга нисбатан табақалашуви<sup>90</sup>

Ишчи ёши	35 ёшдан пасти	35–45	45–50	50–55	55–60	60–65	65 ёшдан юқори
Ҳозирда	Ишчининг иш ҳақи бадаллари %						
Ходим ҳиссаси	20	20	20	18,5	10,5	6,5	5
Иш берувчининг ҳиссаси	16	16	16	14	13	5	3,5
Умумий ҳисса	36	36	36	32,5	23,5	11,5	8,5
Шахсий ҳисоб рақами	Ҳисоб китобларга жами қўшимчалар тақсимланиши						
Оддий ҳисоб рақам (ordinary)	23	20	19	12	9	1	1
Махсус ҳисоб рақам (special)	6	6	8	10,5	3,5	1	1
Соғлиқни сақлашга (medisave)	7	8	9	10	11	9,5	6,5

Албатта бу ҳолат аҳоли даромадлари юқори бўлганда ижобий натижа беришини унутмаслигимиз лозим. Масалан, Сингапурда ўртача иш ҳақи 4300 \$ бўлиб, суғурта бадали 750 \$ -бу ўртача ойлик иш ҳақининг 17 фоиз ни ташкил қилади. 36фоиз дан 23фоиз асосан 5 та соҳага йўналтирилади булар жумласига пенсияга, ипотекага, хаёт суғуртасига, таълим ва турли активларга инвестиция қилади.


Асосий ҳисоб рақамдан пул оқимлари ипотекага Давлат компаниясига йўналтирилади. Housingand Ривожлантириш кенгаши (HDB) 1978 йилда ташкил қилинган. Унинг номи бир неча бор дастурлар доирасида ўзгарган.

Ходим ва иш берувчининг суғурта бадаллари учун битта жамғарма яратилган Марказий Провидент жамғармаси (CPF). Агарда 3 йил ва ундан кам

<sup>90</sup> [revivinglife.com/pensionnayasistemasingapore](http://revivinglife.com/pensionnayasistemasingapore) сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

ташқи профессионал шартнома бўлса бошқа давлатдан Сингапур давлатнинг ставкаларида тўлов амалга оширилиши керак бўлади.

Сингапурда ишсизлик даражаси кам бўлиб 2.10 фоизни ташкил этади. Ишсизлар иш топа олмаса давлат томонидан хайдовчилик қилиш тавсия этилади. Фуқаро пенсия ёшига етганида унда 2 та танлаш имкони мавжуд хоҳласайиғилган пулнинг барчасини биттада олади хоҳласа ойларга таксимлаб олади.



#### 2.4-расм. 2020 йил Сингапур аҳолисининг демографик ҳолати<sup>91</sup>

Солиқлар ставкалари жудаям паст, лекин йўқ деб бўлмайди. Агарда фуқаро шахсий уй жойга эга бўлмоқчи бўлса (HDB) пасайтирилган фоиз ставкада ипотека кредитлари асосида уй олиш учун 25фоиз дастлабки тўлов амалга оширилишида яқин қариндошларининг (ота-она ва болалар. ака-ука, опа-сингиллар) (CPF) га тўланган суғурта бадалларини бирлаштириб тўланишига рухсат берилган. “2020 йилда Сингапур аҳолисининг демографик таркиби қуйидагича:

- Сингапур аҳолисининг 15 ёшгача бўлган қисми 13,8 фоиз ташкил қилади;
- 15 ёшдан 65 ёшгача бўлган қисми 77 фоизни;
- 65 ёшдан юқори қисми 9,2 фоиз ташкил қилади.”<sup>92</sup>

<sup>91</sup> [revivinglife.com/pensionnayasistemasingapore](http://revivinglife.com/pensionnayasistemasingapore) расмий веб сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

<sup>92</sup> Уша манба.



Сингапур Пенсия тизими Осиёда энг яхши деб этироф этилади. Жаҳон молиявий тадқиқотларига кўра 25 та мамлакатлар орасида 10 -ўринни эгаллайди. Айти пайтда барча бошка Осиё мамлакатлари Япония, Хитой, Индонезия, Жанубий Корея ва Хиндистондан кейинги ўринда қайт этилади. Жаҳон молиявий ўрганиш тадқиқотларига кўра Европада, Осиёда, Африкада. Шимолий ва Жанубий Америкада ўтказилган. Сингапур умумий индекси барқарорлик ва яхлитлиги баллари бўйича юкори 65,9 бал берилди.

“Д.Р.Рустамовнинг тадқиқотларида Ўзбекистон пенсия тизимининг асосий камчиликлари меҳнат ресурслари орасида ягона ижтимоий тўловни тўловчилар ҳиссасининг пастлиги, пенсия тўланмаларининг тенглаштирувчи характерга эгаллиги, мавжуд жамғариладиган элементнинг пенсия ҳисобварақларига қўйилган қўйилмалар бўйича қабул қилиниши мумкин бўлган даромадлар билан таъминлашга қодир эмаслиги ва ҳ.к. лардир. Бу камчиликлар пенсия ислохотларини амалга оширишнинг қуйидаги асосий йўналишларини кўрсатиб, уларнинг амалга оширилиши Ўзбекистон Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини ошириш ва инвестиция сиёсатини фаоллаштиришнинг кўплаб захираларидан фойдаланишга тегишли шароитларни яратади ва мамлакат пенсия тизимининг самарадорлигини оширади.”<sup>93</sup>

- ягона ижтимоий тўловни тўловчиларни қамраб олишни кенгайтириш учун шароитлар яратиш, жумладан, норасмий иқтисодиётни легаллаштириш ва Ўзбекистондан меҳнат мигрантларини қабул қилувчи давлатлар ўртасида давлатлараро шартномаларни тузиш;

- пенсияларнинг миқдорини Пенсия жамғармасига қўйиладиган қўйилмалар миқдори билан боғланишини кучайтириш мақсадида пенсияларни тайинлаш тизимини ислох қилиш;

- индивидуал пенсия ҳисоб варақларида қўйилган маблағлар учун инфляцияни қоплайдиган ва тижорат банкларидаги муддатли омонатларнинг

---

<sup>93</sup> Рустамов Д.Р. Ўзбекистонда пенсия тизими молиявий барқарорлигини таъминлаш масалари. Монография.–Т.: «Iqtisod-Moliya», 2017

даромадлари билан таққосланадиган даражадаги даромадларни олишга имкон берувчи жамғариладиган тизимнинг ишлаш механизмини яратиш.

Фикримизча, юқоридаги мулоҳазалар мунозарали бўлиши мумкин. Сабаби давлатимиз томонидан аҳоли даромадларини ошириш бўйича олиб борилаётган ислохотлар самараси ўлароқ, аҳоли ўртасида ишсизликнинг камайиши, шунингдек, даромадларининг ошиши ҳисобига иш берувчилар томонидан тўланадиган ЯИТ миқдорининг ошиши ҳисобига йўқотилиши кутилаётган маблағнинг ўрни қопланиши мумкин.

#### 2.4-жадвал


#### Ўзбекистонда пенсионерлар сонининг ўзгариши динамикаси<sup>94</sup>

Йиллар	Йил бошига пенсия олувчилар сони, киши	Йил бошига тўлиқсиз стаж билан пенсия олувчилар сони	Ҳисобот йилида янги тайинланган пенсиялар сони	Ҳисобот йилида тўлиқсиз стаж билан пенсия тайинланганлар сони
2010	2 829 719	77 211	169 151	8 493
2011	2 807 717	85 367	193 188	12 037
2012	2 725 773	111 413	116 363	15 269
2013	2 685 270	159 990	129 112	41 916
2014	2 695 623	237 310	139 219	59 563
2015	2 713 929	308 624	157 491	78 820
2016	2 781 618	401 100	195 928	105 019
2017	2 882 087	510 426	225 317	124 413
2018	3 007 621	625 512	251 894	135 229
2019	3 162 139	768 525	277 397	147 665
2020	3 312 723	876 210	276 256	152 048
2021	3 588 004	904 052	314 500	159 387

Пенсия жамғармаси харажатларининг барқарор ошиб боришининг сабабларидан бири бу пенсия олувчилар сонининг ошиб бораётганлиги билан белгиланади. Пенсия тизим мамлакатимизда 3,6 миллионга яқин фуқарони, яъни умумий аҳолининг қарийб 11 фоизини қамраб олиб, шундан нафақа олувчилар 400 минг нафарни ташкил этади. 2010 йил январ ҳолатига пенсия олувчиларнинг умумий сони 2829,7 минг нафарни ташкил этган бўлса, 2021

<sup>94</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маълумотлари.

йилда ушбу кўрсаткич 3588,0 минг нафардан кўпроқдир. Тўлиқсиз стаж билан пенсия олувчилар сони ҳам йилдан йилга ошиб борганлигини кўришимиз мумкин.




**2.5-расм. ЯИТнинг умумий даромаддаги улуши, %<sup>95</sup>**

Ушбу расм маълумотлари асосида, Пенсия жамғармасининг даромадларида ЯИТ суммасининг ўзгариш тенденциясини график асосида яхшироқ тасвирлашимиз мумкин бўлади. Ушбу график маълумотларидан ҳам кўринадики, ЯИТ суммасининг улуши 2019 йил бошига келиб 2009 йилга нисбатан 3% паст кўрсаткични ташкил этмоқда. Ушбу ҳолатлар ҳам мамлакатимиз Пенсия жамғармаси даромадларини шакллантириш манбаларини оптималлаштириш зарурияти юзага келганлигини билдиради.

2016 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикасида пенсия тайинлаш учун ҳар йиллик мурожаатлар сонини ортиб бориши (ҳар йиллик ўртача ўсиш – 16 минг фуқаро) кузатилмоқда ва 2025 йилга бориб 300 минг киши даражасидан ортади. Пенсия тайинлаш учун мурожаатларнинг асосий ўсиши, туғилиш даражаси юқори бўлган (“Беби-бум” 50 – 60-йиллар) даврга тўғри келган туғилган фуқароларнинг умумий белгиланган пенсия ёшига етиши билан боғлиқ.

<sup>95</sup> Муаллиф томонидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маълумотлари асосида шакллантирилган




## 2.6-расм. Пенсия тайинлаш учун мурожаат қилган фуқаролар сони ва прогнози<sup>96</sup>

Мамлакат аҳолисининг қариш (демографик) кўрсаткичи шунинг кўрсатадики, пенсия ёшидаги аҳоли сонининг ўсиш тенденцияси мавжуд (2010 йилдаги аҳолининг умумий сонига нисбатан 5,9 фоиздан 2021 йилга келиб 8,2 фоизгача). Статистика органларининг маълумотларига кўра, 2021 йилда пенсия ёшидаги аҳоли сони 11,4 фоиз га етди ва 2025 йилга бориб 13 фоизга етади.

Жаҳон мамлакатларида пенсия таъминотини ислоҳ қилишдаги энг муҳим кўрсаткичлардан бири пенсия ёши ҳисобланади. Ўтказилган таҳлиллар шунинг кўрсатадики, дунёда ўртача пенсия ёши эркеклар ва аёллар учун 62 ёшни, Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич 57,5 ёш (аёллар 55 ёш, эркеклар 60 ёш)ни ташкил этади.

Фуқароларнинг пенсияга чиқиш ёши АҚШда ўртача 67 ёшни ташкил қилса, бу кўрсаткич Россия Федерациясида 57,5 ёшга тенг. Ўзбекистонда пенсияга чиқиш ёши АҚШга нисбатан 9,5 йилга, Япония ва Буюк Британияга нисбатан 7,5 йилга, Франция, Литва ва Польшага нисбатан 5 йилга, Озарбайжонга нисбатан 4 йилга ва Қозоғистонга нисбатан 3 йилга пастроқдир. Таъкидлаш жоизки, пенсияга чиқиш ёшини белгилашда фуқароларнинг ўртача умр кўриш давомийлиги энг муҳим омил ҳисобланади.

<sup>96</sup> Муаллиф томонидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маълумотлари асосида шакллантирилган



**2.7-расм. Баъзи давлатларда пенсияга чиқиш ёши<sup>97</sup>**

Шу билан бирга фуқароларни пенсия таъминотининг асосий кўрсаткичларидан бири пенсия ёши ҳисобланади. Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатдики, дунёда ўртача пенсия ёши эркаклар ва аёллар учун 62 ёш, Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич 57,5 ёшни ташкил этади (аёллар 55 ёш, эркаклар 60 ёш). “Марказий Осиё давлатларида, масалан Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонда ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқи эркаклар учун 63 ёш, аёллар учун – 58 ёш. Қозоғистонда аёлларнинг пенсия ёшини 63 ёшга етказиш, бунда ҳар йили пенсия ёшни 6 ойга босқичма-босқич ошириш йўли билан амалга ошириб борилади. Туркменистонда пенсия ёши эркаклар учун 62 ёшни, аёллар учун 57 ёшни ташкил этади”<sup>98</sup>.(2.7-расм)


Ўзбекистонда ўртача умр кўриш давомийлиги 74,6 йилни ташкил қилиб, бу кўрсаткич бўйича Россия Федерацияси, Беларус, Қозоғистон, Озарбайжон ва Литвани ортда қолдиради. Фикримизча, бундай ҳолат, ўз навбатида, Ўзбекистонда пенсияга чиқиш ёшини 1980 йилда ва ундан кейин туғилганлар учун босқичма-босқич ошириш зарурлигини англатади.

Бадаллар ва тўловлар бўйича тенглик (мутаносибелик) мажбуриятларига риоя этиш, банд аҳолининг пенсия таъминотини

<sup>97</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

<sup>98</sup> Raúl L. Madrid Understanding the wave of pension reforms International Social Science Journal 16 December 2017 <https://doi.org/10.1111/1468-2451.00238>

суғурталанганлик характери таъминловчи асосий принципи, пенсиялар тизимини молиялаштиришдаги шахсий молиявий иштирокини рағбатлантирувчи ва асослантирилган таъсир этувчи механизми ҳисобланади.



## 2.8-расм. 2019 йилда айрим мамлакатларда фуқароларнинг ўртача умр кўриш давомийлиги<sup>99</sup>

Пенсия ва нафақа олувчиларни ҳудудлар кесимида олиб қаралса, уларнинг 13,3 фоизи Тошкент шаҳрига, 12,3 фоизи эса Навоий вилоятига тўғри келади. Шунингдек, Тошкент, Бухоро, Фарғона, Сирдарё, Андижон вилоятларида 11 фоиздан ортиқ ва Хоразмда 11,0 фоизни ташкил этади. Бошқа ҳудудларнинг 9 фоиздан 10 фоизгача бўлган аҳолиси пенсия ва нафақа олувчиларга тўғри келади. Аҳолининг ижтимоий заиф қатламларини, ногиронлиги бўлган шахслар, пенсия ва нафақа олувчиларни янада ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун қулай шарт-шароитларни яратиш ҳамда республика фуқароларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш мақсадида Ўзбекистон президентининг фармонларига асосан 1991-2020 йилларда пенсия ва нафақаларнинг миқдори 64 мартаба оширилди. 1991 йил 1 январь ҳолатига пенсияларнинг ўртача миқдори 96 сўм 50 тийин бўлган бўлса, 2020 йил 1 май ҳолатига 747 480 сўмга етди.<sup>100</sup>

<sup>99</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

<sup>100</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маълумотлари.

“Шунингдек пенсия миқдори ва ходимнинг меҳнат ҳиссаси (улуши) ўртасидаги боғлиқлик ҳам кучсиз. Амалдаги пенсия таъминоти тизими, 7 йилдан кам бўлмаган стажга эга бўлган шахсларга пенсия тайинланишини назарда тутди. Бу ҳуқуқ, фақатгина 7 йил ишлаб ва ўзининг бутун меҳнатга лаёқатлилиқ даври учун, Пенсия жамғармаси маблағларини шакллантиришда энг кам ҳисса қўшган шахсларга пенсия олиш имконини беради”<sup>101</sup>.

“Халқаро меҳнат ташкилотининг “Ижтимоий таъминотнинг минимал меъёрлари тўғрисида”ги 102-сонли Конвенциясига мувофиқ, ёшга доир пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган энг кам иш стажи 15 йил қилиб белгиланган. Дунёнинг кўплаб давлатларида, шу жумладан МДХ давлатларида, талаб этилган энг кам иш стаж 10 - 15 йил даражасига етказилган”<sup>102</sup>.

“Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ҳисобига солиқ тўловчилар базасининг ошиши орқали иш берувчилар томонидан тўланадиган ягона ижтимоий тўловлар ставкасининг пасайиши ва мажбурий суғурта бадаллари ўртасидаги фарқнинг қисқариб бориши жамғарма маблағларининг шакилланишида муҳим аҳамиятга эга. 2011 йилда ягона ижтимоий тўлов таркибида пенсия жамғармасига ажратмалар 24,8фоиз ни ва мажбурий суғурта бадали 4,5фоиз ни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2019 йилга келиб ягона ижтимоий тўлов таркибида пенсия жамғармасига иш берувчилар томонидан 24,8 фоиз ни ишловчилар томонидан мажбурий суғурта бадаллари тўлови эса бекор қилинди, холбуки бу 2018 йилда 8 фоиз ни ташкил этган эди”<sup>103</sup>.

Фуқароларнинг бирдамлашган пенсия таъминоти Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган (жамланган) бюджетининг бўғини ҳисобланиб, давлатнинг мақсадли жамғармаларидан биридир.

---

<sup>101</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрдаги “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги 938-ХП-сонли Қонуни

<sup>102</sup> Халқаро меҳнат ташкилотининг «Ижтимоий таъминотнинг минимал меъёрлари тўғрисида»ги 102-сонли Конвенцияси

<sup>103</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маълумотлари.

Пенсия жамғармаси бюджетини тузиш, жамғарма маблағларини шакллантириш, улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 37-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорига асосан 2005 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармасига айлантирилди ва унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

- фуқароларнинг давлат томонидан кафолатланган ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғуртага бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш;
- мажбурий ажратмалар, бадаллар ва бошқа тўловларни бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ягона йиғма ҳисоб рақамида жамлаш;
- пенсиялар, нафақалар ва компенсацияларни тўлаш харажатларини молиялаштириш;
- бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига маблағларнинг тўлиқ тушиши ва ўз вақтида сарфланиши устидан назоратни таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадларини шакллантириш ва маблағларни сарфлаш тартиби ҳамда Жамғармани бошқариш тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2010 йил 19 февралда 30-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисида”<sup>104</sup>ги Низом асосида амалга оширилади.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига қўшимча функция ва вазифалар юклатилгандан бошлаб жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишга катта эътибор берила бошланди. Худудларда

---

<sup>104</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 19 февралдаги 30-сонли “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори



пенсияларнинг тўғри тайинланиши, мавжуд ногиронларни қайта кўриқдан ўтказиш, уларни реабилитация масалалари кучайтирилди. 2010 йил 1 январдан бошлаб «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунига ҳамда Меҳнат кодексига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар асосида давлат пенсия таъминоти тизимида ҳозирги шароитда иш ўринлари ва меҳнат шароитларининг яхшиланганлиги сабабли 3-гурух ногиронлиги ҳамда бир қатор имтиёзли пенсияларни бекор қилиниши, пенсияларни ўз вақтида молиялаштириш имконини бермоқда.

Бу ҳолат, даромад таркиби ва маблағлардан мақсадли фойдаланишни назорат қилишда бир қатор ижобий ўзгаришлар кўринишида содир бўлмоқда. Мустақиллик йилларида пенсия жамғармаси ўз даромадларини устун даражада таъминлабгина қолмасдан, маблағларнинг мақсадли сарфланишининг устувор тузилмасига қатъий риоя этишга ҳаракат қилмоқда.

### **2.3. § Мамлакатимизда нодавлат пенсия жамғармаларини ташкил этишининг ҳолати ва ривожланиш тенденциялар**

Ҳозирги вақтда нодавлат (хусусий) пенсия жамғармалари ижтимоий таъминот нотижорат ташкилотининг ўзига хос ташкилий ҳуқуқий шаклини ўзида намоён этади. Нодавлат пенсия жамғармаларининг таъсисчилари жисмоний ва юридик шахслар бўлиши мумкин. Қўпинча нодавлат пенсия жамғармалари ўз ходимларини қўшимча пенсия билан таъминлашдан манфаатдор бўлган йирик ва анчагина сердаромад корхоналар томонидан таъсис этилади, улар бу харажатларни молиялаштиришлари мумкин, бироқ шу билан бирга улар узок муддатли пенсия ресурсларини ишониб топширадиган ташкилотнинг фаолиятини назорат қилишни ҳам исташади.

Нотижорат ташкилоти ҳисобланадиган хусусий пенсия жамғармалари олинган фойдани ўз таъсисчилари ўртасида тақсимлаш ҳуқуқига эга эмас. Хусусий пенсия жамғармаларининг фойдаси фақатгина қатъий белгилаб кўйилган мақсадларга йўналтирилади ( Б.Британия, АҚШ, Канада, Россия):

- пенсия захиралари маблағларини тўлдириш (пенсия захираларини жойлаштиришдан олинган даромад);
- пенсия жамғармалари маблағларини тўлдириш (пенсия жамғармалари маблағларини инвестиция қилишдан олинган даромад);
- хусусий пенсия жамғармаларининг устав фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш;
- хусусий пенсия жамғармаларининг устав фаолиятини таъминлаш учун мўлжалланган мол-мулкни шакллантириш;

Хусусий пенсия жамғармалари органларининг тузилмаси кўп жиҳатдан акционерлик жамиятлари бошқарув органлари тузилмасига ўхшаш. Аксарият хусусий пенсия жамғармаларининг олий бошқарув органи жамғармага маблағ кўювчилар ёки унинг иштирокчиларининг ҳеч қандай вакилликсиз, таъсисчилар томонидан шакллантириладиган жамғарма кенгаши ҳисобланади.

Кенгаш ваколатига одатда жамғарма фаолиятининг стратегик масалаларини ҳал қилиш, энг муҳим ҳужжатларни тасдиқлаш (уставни ўзгартириш, жамғарма қоидаларини қабул қилиш ва ўзгартириш), инвестиция сиёсатини аниқлаб бериш кабилар киради. Кенгаш шунингдек жамғарманинг бир йиллик иши тўғрисидаги ҳисоботни ва келгуси йил учун режани, харажатлар сметасини тасдиқлайди, ижро органларини тайинлайди, васийлик кенгашини шакллантиради<sup>105</sup> (Канада, АҚШ, Голландия, Б.Британия).

Назорат функцияларини бажарадиган ва хусусий пенсия жамғармаларининг фаолияти устидан назоратни таъминлайдиган коллегиял органларни шакллантириш зарурлиги кўзда тутилиши керак. Одатда у ёки бу гуруҳ вакиллари учун квоталар бўлмайди. Васийлик кенгашлари йиллик ҳисоботни дастлабки тасдиқлашда, жамғарманинг муҳим қарорларини (масалан, жамғарма қоидаларига ўзгартириш киритиш) дастлабки келишишда, жамғарма ҳужжатлари билан танишишда иштирок этиши мумкин.

Хусусий пенсия жамғармаларининг фаолиятини оператив бошқаришни одатда махсус тайинланган ижро органи – яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи томонидан (бош ёки ижро директори) ёки коллегиял ижро этувчи органи (дирекция, бошқарма) томонидан амалга оширилади<sup>106</sup>.

Ижро органи жамғарма кенгаши томонидан шакллантирилади ва унга ҳисоб беради, бироқ назорат даражаси турлича бўлиши мумкин. Хусусий пенсия жамғармалари ижро органи фаолияти устидан назоратни ревизия комиссиялари амалга оширади.

Дастлаб хусусий пенсия фондларнинг шаклланиши фақатгина нодавлат пенсия жамғарма қатнашчиларининг хусусий пенсия таъминотидан иборат бўлган. Кейинчалик уларнинг фаолият доираси анчагина кенгайди: эндиликда нодавлат пенсия жамғармалари нафақат нодавлат пенсия таъминотини амалга ошириш, балки профессионал пенсия суғуртаси ва мажбурий пенсия

---

<sup>105</sup> Финансы и кредит. – Москва: Финансы и кредит, 2008. – <sup>11</sup> 13-24. – 1001 с. – Режим доступа: по подписке. – URL: <https://biblioclub.ru/index.php?page=book&id=62647>. – ISSN 2071-4688. – Текст: электронный.

<sup>106</sup> Polinsky M., Shavell S. (2007). The Theory of Public Enforcement of Law. In: «Handbook of Law and Economics». Vol. 1 / M. Polinsky, S. Shavell (eds.). N.Y.: Elsevier B.V. P. 403–454.

суғуртаси бўйича суғуртачи сифатида фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга, бу суғурталанган шахсларнинг пенсия жамғармалари воситаларини тўплаш, инвестиция қилиш ва ҳисобга олиш, уларга меҳнат пенсиясининг жамғарма қисмини тайинлаш ва тўлашдан иборатдир.

Хусусий пенсия фондлари инқирозга юз тутган тақдирда, фонднинг активлари баҳоланади: пенсия жамғармалари инвестициялашган қимматли қоғозлар, кўчмас мулк ва бошқа барча мол-мулк, кейин уларни сотиш. Бутун жараён вақт талаб қилиши мумкин – бир йил ёки ундан ортиқ.

Аҳоли қатламини кексайиб бориши ва демографик омил таъсирида давлат пенсия тизими учун ҳудди оғир юк сифатида қийинчилик туғдирди ва шу сабабли ҳам хусусий фондлар учун кенг кўламли имкониятлар юзага келди. Қўшимча пенсия дастурлари пенсия таъминоти борасида асосий ролни ўйнаш керак эди ва у пенсия ёшигача тўлаш керак бўлган маблағларни ўз зиммасига олиш орқали давлат пенсия таъминотини қийинчиликдан олиб чиқиш вазифасини ўтайди. Бундан келиб чиқадики, хусусий пенсия фондининг оммалашуви биринчи ўринда, давлат томонидан ишлаб чиқилган дастур томонидан қўллаб-қувватланишига чамбарчас боғлиқ эканлигини кузатиш мумкин.

Тараққий этган мамлакатлар иқтисодиётида хусусий пенсия тизими қўшимча пенсия таъминот воситаси бўлибгина қолмасдан, иқтисодиётда муҳим инвестициялар манбаи ҳисобланади. Хусусий пенсиялар тизимини молиявий қудратига кўра фақат банк тизими билан қиёслаш мумкин. Ҳозирда хорижда ушбу тизим орқали қўшимча пенсия таъминотининг хилма-хил схемаларидан фойдаланилади: банк депозити тамойили бўйича оддий жамғаришдан то хусусий пенсия тизимига маблағларни мустақил ўтказишнинг аралаш схемаларигача қўлланилади.

Ҳар бир мамлакатда амал қилаётган пенсия тизимини сифатини белгиловчи кўрсаткичлар қаторига пенсия миқдорининг муносиблиги ва етарлилиги, узоқ муддатда барқарор фаолият кўрсатиши, ташқи омилларга нисбатан барқарорлиги киради. Шунинг учун жаҳонда амал қилаётган пенсия

схемалари турлича. Пенсия тизимида маблағларнинг йиғилиши ва бу тизимда иштирок этиш даври пенсия ёши ва умр кўриш давомийлигига боғлиқдир. Барча давлатларда пенсия соҳасида пенсия ёшини узайтириш, пенсияни ҳисоблаш борасида амалга оширилаётган ислохатлар бежизга эмас. Чунки жаҳон мамлакатларидаги демографик ва иқтисодий вазиятнинг кескинлашиб бориши пенсия таъминоти харажатларнинг кўпайишига, аҳолининг кексайиб бориши ва бошқа бир қатор бошқа иқтисодий кўрсаткичларга таъсир кўрсатмоқда.



**2.9-расм. 1980-2050 йилларда дунёдаги 60 ёш ва юқори ёшдаги аҳоли сони ва фоизнинг график кўрсаткичи, минг киши.<sup>107</sup>**

Ҳозирги пайтга келиб, давлат томонидан тартибга солинадиган ва иш берувчилар ҳамда хусусий шахслар томонидан молияланадиган жамғарма пенсия дастурлари тобора муҳим рол ўйнамоқда.

“Хусусий пенсия жамғармалари мустақил фаолият олиб боради ва ўз бошқарув фаолиятини ўзи амалга оширади лекин пенсия тўловларини амалга оширишда иккала пенсия фондлари ҳам бир пайтда амалга оширади.”<sup>108</sup>

<sup>107</sup> United Nations, 2017. World Population Prospects: The 2017 Revision

<sup>108</sup> Ражабов Ш.У. Нодавлат пенсия жамғармаларини шакллантириш ва инвестицион фаолликни ошириш. Иқт. фан. бўй. фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. – Тошкент: “Иқтисод-молия”, 2018. – 66 б.

**Турли мамлакатлардаги қоплаш коэффициентлари (% да), 2017 йил 1 январь  
ҳолатига<sup>109</sup>**

Давлатлар	Давлат тақсимланувчи пенсия тизимлари	Мажбурий жамғариб бориладиган тизимлар	Ихтиёрий жамғариб бориладиган тизимлар	Жами
Бельгия	41,0	-	15,1	56,1
Канада	39,2	-	33,9	73,1
Чили	4,8	37,2	-	42,0
Чехия	43,5	-	39,2	82,7
Германия	42,0	-	16,0	58,0
Ирландия	36,7	-	43,0	79,7
Янги Зеландия	40,6	-	14,1	54,7
Норвегия	45,7	6,8	11,3	63,8
Швеция	33,9	21,7	-	55,6
Швейцария	32,0	23,1	-	55,1
Буюк Британия	32,6	-	34,5	67,1
АҚШ	38,3	-	37,8	76,1
Россия	33,0	2,0	-	35,0
Европа Иттифоқи	47,0	3,6	7,0	57,6

Таҳлиллар кўрсатишича, жаҳон амалиётида жамғариладиган компонентлар билан қўллаб-қувватланаётган тақсимланувчи пенсия таъминоти тизимлари етакчи мавқега эга бўлмоқда. Бундан ташқари, ихтиёрий жамғариб бориладиган тизимлар ҳам уларни асосий қисмини тўлдириб бормоқда. Канадада тақсимланувчи пенсия 39,2фоизни, ихтиёрий жамғариб бориладиган 33,9фоизни, АҚШда тақсимланувчи 38,3фоизни, 37,8фоиз ихтиёрий жамғариладиган тизимни ташкил этмоқда. Демак, пенсия таъминоти тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун тақсимланувчи ва жамғариб бориладиган пенсия элементларини ўзида мужассамлаштирилган аралаш пенсия тизимларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатмоқда.

Республикамизда ҳам пенсия тизими босқичлари кетма-кетликда ривожланиб келмоқда ва давлатимиз бу босқичларнинг иккинчисига, деб таъкидлашимиз мумкин. 2005 йилдан бошлаб, фуқаролардан жамғариб

<sup>109</sup> Flavio M.R. “Comparative regulation of private pension plans” 2017 year

бориладиган пенсия таъминоти ташкил этилган ва у АТ “Халқ банки” орқали амалга оширилади. Бунинг механизми мажбурий ва ихтиёрий тартибда ташкил этилган бўлиб, пул маблағларининг мақсадли фондларини шакллантириб, кексалик чоғида фойдалиниш шакли ва усуллар йиғиндисини ўз ичига олган иқтисодий муносабатлар тизимини акс эттиради.




**2.10-расм. Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими маблағлари ва прогнози (млрд.сўмда)<sup>110</sup>**

Жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари фуқароларининг иш ҳақидан олинадиган даромад солиғидан 0,1% миқдорда белгиланган (31.12.2018 йилгача бу 2% ни ташкил этган). 2019 йил бошига жами маблағлар 3763,9 млрд. сўмни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан 56,36% га ўсишига эришилган. Бу албатта биринчи навбатда иқтисодий фаол аҳолининг 2018 йилга нисбатан 1,5% ўсганлиги ва солиқлардаги ўзгариш сабабли жамғариб бориладиган пенсия таъминоти бадаллар миқдори 1% дан 2% оширилганлиги билан изоҳланади. Лекин 2019 йилдан бошлаб аҳолининг реал даромадларини ошириш мақсадида янги солиқ концепциясига асосан бадаллар миқдори ўзгарганлиги учун, 2020 йил бошига ушбу кўрсаткич 3748,8 млрд. сўмни

<sup>110</sup> [www.xb.uz](http://www.xb.uz) расмий веб сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

ташқил этмоқда. 2021 йилга келиб ушбу кўрсаткич 4438,1 млрд. сўмни ташқил этиши кутилмоқда.

“Халқаро меҳнат ташкилотининг тавсиясига кўра, пенсия таъминоти тизими барқарор ривожланиши учун бадал тўловчилар сонининг пенсия олувчиларга ўзаро нисбати 1:4 даражада бўлиши керак. Бироқ, бугунги кунда Ўзбекистонда бу кўрсаткич ўртача 1:1,4 га тенг эканлиги тизимнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш туб ислохотларни амалга оширишни талаб этишини изоҳлайди деб ҳисоблаймиз.”<sup>111</sup>



## 2.11-расм. Иш билан банд аҳолини мулкчилик турлари бўйича тақсимланиши (минг киши) <sup>112</sup>

Мамлакатимизда иқтисодий фаол аҳолининг меҳнатда банд қисмининг фаолиятига эътибор қаратадиган бўлсак, 2010 йилда нодавлат секторда банд бўлганларнинг умумий сони 9218,2 минг нафарни ташқил этган бўлса, 2020 йилга келиб ушбу кўрсаткич 10742,5 нафарни ташқил этмоқда. Таҳлил этилаётган йиллар мобайнида иш биланд банд аҳолининг ўртача 80 фоизи нодавлат секторда банд эканлигини кузатишимиз мумкин. Нодавлат секторда банд бўлганларнинг таркибидаги ўзини ўзи банд қилган фуқароларни давлат

<sup>111</sup> Давронов Ш.З. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – иқтисодий-ижтимоий барқарорлик омили сифатида. Молиячи маълумотномаси. 06 (102) 2020 19-26 б.

<sup>112</sup> Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.



пенсия таъминоти билан қамраб олиш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилганлигига қарамасдан ушбу масала тизимдаги асосий муаммолигича қолмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, нодавлат секторда банд бўлган аҳолини пенсия тизимига тўлиқ қамраб олиш, шунингдек, муносиб пенсия билан таъминлаш учун фуқароларга тақлиф қилинаётган пенсия дастурларининг хилма-хиллигини таъминлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

### **Иккинчи боб бўйича хулосалар**

Пенсия жамғармаси даромадларини шакллантириш ва маблағларни сарфлаш тартиби ҳамда Жамғармани бошқариш тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2010 йил 19 февралда 30-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисида”ги Низом асосида амалга оширилади.

Бюджетдан ташқари фондлар мақсадли тарзда бюджетдан ташқарида алоҳида ташкил этиладиган ва умумдавлат ёки маҳаллий аҳамиятга эга бўлган тадбирларни амалга ошириш учун мўлжалланган мустақил молиявий ташкилотларнинг тизимидан иборат. Бюджетдан ташқари фондлар давлат томонидан баъзи ижтимоий эҳтиёжларни молиялаштириш ва оператив мустақил равишда комплекс сарфланадиган молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш ва фойдаланиш шаклидир.

Тараққий этган мамлакатлар иқтисодиётида хусусий пенсия тизими кўшимча пенсия таъминот воситаси бўлибгина қолмасдан, иқтисодиётда муҳим инвестициялар манбаи ҳисобланади. Хусусий пенсиялар тизимини молиявий қудратига кўра фақат банк тизими билан қиёслаш мумкин. Ҳозирда хорижда ушбу тизим орқали кўшимча пенсия таъминотининг хилма-хил схемаларидан фойдаланилади: банк депозити тамойили бўйича оддий жамғаришдан то хусусий пенсия тизимига маблағларни мустақил, иш берувчи

ёки васийлик ташкилотлари томонидан ўтказишнинг аралаш схемаларигача қўлланилади.


Аҳоли қатламини кексайиб бориши ва демографик омил таъсирида давлат пенсия тизими учун ҳудди оғир юк сифатида қийинчилик туғдирди ва шу сабабли ҳам хусусий фондлар учун кенг қўламли имкониятлар юзага келди. Қўшимча пенсия дастурлари пенсия таъминоти борасида асосий ролни ўйнаш керак эди ва у пенсия ёшигача тўлаш керак бўлган маблағларни ўз зиммасига олиш орқали давлат пенсия таъминотини қийинчиликдан олиб чиқиш вазифасини ўтайди. Бундан келиб чиқадики, хусусий пенсия фондининг оммалашуви биринчи ўринда, давлат томонидан ишлаб чиқилган дастур томонидан қўллаб-қувватланишига чамбарчас боғлиқ эканлигини кузатиш мумкин.

Давлат пенсия таъминоти тизимида пенсия миқдори АҚШ фуқароларининг етарли даражадаги турмуш фаровонлигини таъминлай олмайди. Давлат пенсия миқдорининг даромадларини қоплаш кўрсаткичи 41,0 фоизни ташкил этмоқда. Айни вақтда аҳолининг етарли даражадаги турмуш фаровонлигини таъминлаш учун ушубу кўрсаткич 70-80 фоизга тенг бўлиши талаб этилади. Бу ҳолат АҚШда давлат пенсия таъминоти фуқароларнинг минимал турмуш даражасини таъминлаш кафолати эканлигидан далолат беради. Шунини инобатга олаган ҳолда америкаликларнинг аксарияти ихтиёрий жамғариладиган пенсия таъминоти фондлари хизматларидан фойдаланадилар.

### III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

#### 3.1. § Пенсия таъминоти тизимини ривожлантиришнинг илғор хориж тажрибаларидан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятлари

Дунёда ўртача умр кўриш давомийлигининг ошиб бориши нафақат Ўзбекистонда, балки тараққий этган мамлакатларда ҳам пенсия таъминоти тизимида ислохотлар олиб бориш кераклигини бугунги куннинг ўзи мажбур қилмоқда.




3.1-расм. Дунёда ўртача умр кўриш давомийлиги<sup>113</sup>

Сўнгги йилларда дунёнинг кўплаб мамлакатларида пенсия тизимидаги ислохотлар, энг аввало, демографик омиллар, жумладан, аҳоли сони, аҳолининг ёш жиҳатдан таркибий тузилиши, демографик ва пенсия юки коэффициентлари, туғилиш ва ўлиш даражаси, пенсионерлар сони, аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлиги, шунингдек, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан келиб чиқиб амалга оширилмоқда.

Хусусан, дунёда инсонларнинг ўртача умр кўриш ёши ўсиб бормоқда. Бу эса пенсия таъминоти тизимида жудда катта таъсир кўрсатади. Пенсия тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий сабабларидан бири ҳам айнан ўртача умр кўриш ёшининг ўсиб бораётганлигидир. 3.1-расм

<sup>113</sup>Муаллиф томонидан тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган.

маълумотларига эътибор берадиган бўлсак, 1990-1995 йилларда дунёда ўртача умр кўриш ёши 64,6 йилни ташкил этган бўлса, ҳозирда яъни 2015-2020 йилларда 71,9 йилни ташкил қилмоқда. Келажакда башорат қилинишича бу кўрсаткич 2050-2100 йилларга бориб 82,6 йил бўлишини кўрсатмоқда.



### 3.2-расм. Дунё мамлакатларида ўртача пенсия тўлов даври<sup>114</sup>

Ўртача умр кўриш давомийлигининг ошиши тўғридан-тўғри пенсия тўлов даврининг ошишига ҳам олиб келади. Маълумотларга эътибор берадиган бўлсак, Япония, Корея ҳамда Франция мамлакатларида ўртача умр кўриш ёши билан пенсия ёши орасидаги фарқ яъни пенсия тўлов даври катта эканлигини кўришимиз мумкин. Бу эса мазкур мамлакатларда пенсия тизимида ислохотлар олиб бориш кераклигини кўрсатади.

Пенсия тўлов даврининг ошиши биринчи ўринда пенсия ёшини ошириш кераклигини кўрсатади. Буни жаҳоннинг турли мамлакатларида амалга оширилган пенсия тизимидаги ислохотларнинг йўналишлари бўйича кўришимиз мумкин. Эътибор берсак энг кўп 72 ҳолатда пенсия ёшини ошириш борасида ислохотлар амалга оширилган. Шунингдек,

<sup>114</sup>Муаллиф томонидан тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган.

31 ҳолатда пенсияларни тайинлашда талаблар кучайтирилган, пенсияга чиқиш даври оширилган, муддатидан олдин пенсияга чиқиш бўйича чекловлар қўйилган. 17 ҳолатда ижтимоий тўловлар миқдори оширилган.

72 та ҳолатда	пенсия ёши оширилган
31 та ҳолатда	пенсияларни тайинлашда квалитацион талаблар ва пенсияга чиқиш даври оширилган, муддатидан олдин пенсияга чиқиш чекланган ва уларга нисбатан жарималар қўлланилган, кеч пенсияга чиқиш бўйича рағбатлантирувчи механизмлар қўлланилган
25 та ҳолатда	пенсия формуласи модификациялаштирилган ва субсидиялашган тўловлар қисқартирилган
12 та ҳолатда	Пенсиялар индексацияланиши шартлари ўзгартирилган ёки индексация “музлатилган”
17 та ҳолатда	Ижтимоий тўловлар миқдори оширилган

### **3.3-расм. Жаҳоннинг турли мамлакатларида ўтказилган пенсия таъминоти ислохотлари йўналишлари<sup>115</sup>**

Шунингдек, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ)гаъзо мамлакатларда ҳам амалга оширилган пенсия ислохотлари ўзига хос хусусиятга эга.

Пенсия тизимларини ислоҳ қилиш йўллари таҳлил қилиш учун турли хил таснифларни тақдим этамиз. Жумладан, баъзи бир тадқиқотчилар (Bonoli

<sup>115</sup> Ш.З.Давронов. “Ўзбекистонда давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш”. Иқт. фан. бўй. фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. – Тошкент: “Иқтисодиёт”, 2019. – 16 б.

G<sup>116</sup>., Myles J., Pierson P.) тараққий этган мамлакатларнинг пенсия ислохотларини таҳлил қилаётганда институционал фарқларига эътибор қаратган ҳолда Бисмарк-Бевериж моделларига асосланган пенсия тизимларини таснифлашни таклиф қилишади. Чунки, бирор бир давлатнинг пенсия тизими тўлиқ Бисмарк модели (иш ҳақи ва меҳнат стажи асосида пенсияга бўлган ҳуқуқ шакллантириш)га ёки Бевериж модели (ягона универсал давлат нафақаси асосида пенсия ёшига етган фуқароларга қатъий белгиланган тўлов тўлаш)га асосланмаган.

3.1-жадвал

**Даражалар бўйича пенсия таъминотининг таснифланиши  
(Жаҳон банки усули)<sup>117</sup>**

<b>Даражалар (пенсия таъминоти бўйича)</b>	<b>Тўлов ва бадаллар ҳисоби</b>	<b>Изоҳ</b>
0 даража (ижтимоий пенсия)	Тўловлар давлат томонидан белгиланади, солиқлардан молиялаштирилади	деярли 80 та давлат
1 даража (тақсимланувчи тизим)	Белгиланган тўловлар асосида	Кўплаб мамлакатларда мажбурий давлат суғурта тизими жорий этилган
2 ва 3 даражалар (жамғариб бориладиган тизим)	Белгиланган тўловлар асосида	Мажбурий тартибда (2 даража) Австралия, Нидерландия, Чили ва Шарқий Европанинг кўплаб давлатларида мавжуд. Одатда хусусий бўлади.  Кўпинча ихтиёрий бўлади (3 даража)
	Белгиланган бадаллар	Одатда ихтиёрий (3 даража) ва хусусий бўлади
4 даража (номолиявий кўллаб-қувватлаш)	-	Оилани норасмий тартибда кўллаб-қувватлаш

<sup>116</sup> Bonoli, G. Two worlds of pension reform in Western Europe // Comparative Politics. 2003. № 35(4). pp. 399-416. URL:<http://www.econ.jku.at/members/WinterEbmer/files/papers/bonoli.pdf>

<sup>117</sup> Песаренко Ж.В. Финансовая конвергенция как особый механизм модификации пенсионного и страхового секторов мирового рынка финансовых услуг. Мировой опыт формирования пенсионных систем и возможности его использования в России. Диссертация на соискание ученой степени доктора экономических наук – Санкт-Петербург 2017. – С.190.

Шунингдек, Жаҳон банкига тегишли пенсия таъминотининг универсал таснифи мавжуд бўлиб, 5 даражадан иборат, яъни: 0 даража – ижтимоий нафақа ва тўловлар солиқ тушумларидан молиялаштирилади; 1 даража – тақсимланувчи хусусиятга эга бўлиб, мажбурий суғурта бадалларига асосланади; 2 даража – мажбурий жамғариб бориладиган хусусиятга эга бўлиб, бунда ишчиларнинг нодавлат пенсия фондларига ёки суғурта ташкилотларига ўтказиб борадиган бадаллари ҳисобидан молиялаштирилади; 3 даража – ихтиёрий жамғариб бориладиган хусусиятга эга; 4 даража – бунда оилалар давлат томонидан қўллаб-қувватланади.

Юқоридаги тасниф асосида пенсия тизимларининг қуйидаги моделларини ажратиш мумкин<sup>118</sup>:

Молиялаш механизмига кўра:

– авлодлар бирдамлигига асосланган, тақсимланувчи (кенг тарқалган номи PayGo);

– жамғариб борилувчи.

Тўловларни ҳисоблаш қоидаларига кўра:

– қатъий белгиланган тўловлар модели (defined benefit);


– қатъий белгиланган бадаллар модели (defined contribution);

– шартли жамғариб бориладиган модел (Notional Defined Contribution).

Тақсимланувчи тизим 1950-1970 йилларда яратилди. Дунёнинг барча мамлакатларида пенсия тизимидаги глобал ўзгаришларнинг асосий сабаби сифатида инсонларнинг ўртача умр кўриш ёшининг ошиши кўрсатилади. Аҳолининг кексайиши эса ишчи кучининг етишмаслигига, иқтисодий ўсишнинг пасайишига олиб келди.

---

<sup>118</sup> Averting the Old Age Crisis. World Bank, 1994.  
[URL: http://documents.worldbank.org/curated/en/973571468174557899/Averting-the-old-age-crisis-policies-to-protect-the-old-and-promote-growth](http://documents.worldbank.org/curated/en/973571468174557899/Averting-the-old-age-crisis-policies-to-protect-the-old-and-promote-growth)



**3.4-расм. Дунё аҳолиси ёш таркибининг ўзгариши, 1950-2050 йиллар<sup>119</sup>**

3.4-расм маълумотларига эътибор берсак дунё аҳолиси ёш таркиби бўйича 2050 йилга бориб 65 ёшдан ошган инсонларнинг улуши ортади ва дунё аҳолисининг 40 фоизига тенг бўлади.

Бугунги кунда дунё мамлакатларида инсонларнинг ўртача умр кўриш давомийлиги бир хил ўсмоқда, лекин демографик вазиятда муаммолар юзага келмоқда.

Хулоса қилганда ўртча умр кўриш ёшининг ошиши, дунё аҳолисининг кексайиб бораётганлигини ҳисобга олиб, пенсия тизимини ислоҳ қилиш, бу борада илмий изланишлар олиб бориш бундан кейин ҳам долзарб масала бўлиб қолади.

<sup>119</sup> United Nations, World Population Prospects. 2015 Revision.



### 3.2. § Миллий пенсия таъминоти тизимини ривожлантириш йўналишлари

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси пенсия таъминотини молиявий маблағ билан таъминлайдиган ягона жамғарма ҳисобланади. Диссертация ишининг II бобида Пенсия жамғармасининг даромад ва харажатларини таҳлили амалга оширилди. Таҳлиллар жамғарма даромадларининг харажатлардан кўпроқ эканлигини кўрсатади. “Бироқ сўнгги йиллар давомида даромад ва харажатлар ўсишига эътибор берадиган бўлсак, харажатлар даромадларга нисбатан тезроқ ўсаётганлигини таҳлил қилиш мумкин.”<sup>120</sup>

Маълумки, пенсия таъминоти тизими кекса ва меҳнатга лаёқатсиз, ногиронлиги бўлган ҳамда боқувчисидан махрум бўлган фуқароларни моддий таъминлашга ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган чоратадбирлар мажмуини назарда тутди.

Сўнгги йилларда ушбу йўналишда туб ислохотлар амалга оширилди:

– биринчидан, 2019-2030 йилларда Ўзбекистон Республикаси пенсия тизимини ислоҳ қилиш Концепцияси лойиҳаси ишлаб чиқилди;

– иккинчидан, Жаҳон банки, Халқаро Меҳнат Ташкилоти, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури вакиллари, хориж мамлакатларининг илмий-тадқиқот институтлари, Пенсия жамғармаси ва Олий ўқув юртларининг масъул ходимлари билан ҳамкорликда пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш масалалари халқароанжуманлар доирасида муҳокама қилинди;

– учинчидан, “2019 йил 1 январдан бошлаб барча ишловчи пенсионерларга пенсиялар тўлиқ миқдорда тўланиши белгиланди ҳамда пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг саккиз баробаридан ўн баробаригача оширилди”<sup>121</sup>.

<sup>120</sup> Рустамов Д.Р. Ўзбекистонда пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўналишлари. Иқт. фан. бўй. фан доктори (DSc) дисс. автореферати. – Тошкент: “Иқтисод-молия”, 2018. – 71 б.

<sup>121</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими самарадорлигини ошириш ва пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5597-сон Фармони.

“Мисол учун, ўртача ойлик иш ҳақи – 2.2 млн сўм ва иш стажи 35 йил бўлган фуқарога амалдаги тартиб бўйича пенсия ҳисоблашда 1621 минг сўм инобатга олинган, шундан келиб чиқиб ушбу сумманинг 55 фоизи, яъни пенсиянинг таянч миқдори белгиланиб, талаб этиладиган (25 йил)дан ортиқча ишлаган 10 йилнинг ҳар бир йили учун 1 фоиздан кўшимча ҳисобланиб, пенсиянинг умумий миқдори 1 054 минг сўмни ташкил этар эди. Янги тартиб бўйича эса, ушбу фуқарога ўртача ойлик иш ҳақи 1 621 минг сўм эмас, 2 027 минг сўм миқдорида ҳисобга олинади. Бунда пенсиянинг таянч миқдори 1115 минг сўмни, ортиқча ишлаган йиллар учун кўшимчани ҳисобга олган ҳолда пенсиянинг умумий миқдори 1 317 минг сўмни ташкил этади ёки 263 минг сўмга ошади;”<sup>122</sup>

– “тўртинчидан, 2019 йил 1 январдан бошлаб барча фуқаролар учун жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг 0,1 фоизи шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига йўналтирилди, фуқароларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш туридаги даромадларидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ушлаб қолинadиган суғурта бадаллари (8%) бекор қилинди, пенсия тизимининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида бюджет ташкилотлари ва давлат корхоналари, устав жамғармаси (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ миқдорда бўлган юридик шахслар, устав жамғармаси (капитали)нинг 50 фоизи ва ундан кўпроқ миқдори давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ бўлган юридик шахсга тегишли юридик шахслар ҳамда уларнинг таркибий тузилмалари учун ягона ижтимоий тўлов 25 фоиз миқдорида белгиланди, шунингдек, бошқа юридик шахслар учун ушбу тўлов ставкаси 15 фоиздан 12 фоизгача пасайтирилди, давлат мақсадли жамғармаларига юридик шахсларнинг обороти (тушуми)дан ундириладиган

---

<sup>122</sup> www.pfgu.uz – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси.

мажбурий ажратмаларни бекор қилинди, хусусан, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига товар айланмасидан олинадиган ажратма бекор қилинди”<sup>123</sup>;


– “бешинчидан, 2019 йил 1 январдан Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Оролбўйи минтақасини ривожлантириш жамғармаси тугатилди ва тугатилаётган давлат мақсадли жамғармалари ва Республика йўл жамғармасига (Республика Йўл жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Автомобил йўллари давлат қўмитаси тасарруфига ўтказилди) 2019 йил 1 январдан кейин тушадиган мажбурий ажратмалар суммаси тўлиқ миқдорда Пенсия жамғармасига ўтказилиши белгиланди, шунингдек, ягона солиқ тўловидан тушган маблағларнинг 46 фоизини бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига йўналтирилиши белгиланди”<sup>124</sup>;

– олтинчидан, 2019 йил 1 январдан бошлаб зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ҳамда дафн этиш маросими учун нафақаларни тўлаш харажатларини молиялаштириш давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгиланди.

---

<sup>123</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги ПП-4086-сонли Қарори.

<sup>124</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги ПП-4086-сонли Қарори.



**3.5-расм. 2011-2016-йилларда Пенсия тайинлаш учун мурожаат қилган фуқаролар сони ва 2019-2024-йиллардаги прогноз кўрсаткичлари<sup>125</sup>, нафар**

“Ўзбекистонда сўнгги йилларда иқтисодий фаол аҳоли ҳиссасига ижтимоий бадаллар бўйича юклама тобора ошмоқда. 2019-2025 йилларда пенсия ёшидаги аҳолининг улуши кескин ошиши кутилмоқда (йиллик ўртача ўсиш – 16 минг нафар фуқаро) ва бу ҳолат туғилиш даражаси юқори бўлган (1950-1960-йиллардаги “Беби-бум”) даврда туғилган фуқароларнинг умумий белгиланган пенсия ёшига етиши билан боғлиқдир”<sup>126</sup>.

Бу эса, ўз навбатида, жамғарма харажатларининг ошишига олиб келади. Шунингдек, “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунига кўра умумий тартибда пенсия ёши эркаклар учун 60 ёш, аёллар учун эса 55 ёш этиб белгиланган. Пенсия ёши 1956 йилдан бери ўзгармай келмоқда ва бу кўрсаткич билан Ўзбекистон ҳозирги кунда нафақат Марказий Осиёда, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари ичида ҳам энг ёш пенсия ёши ҳисобланади. Шунингдек, ўртача умр кўриш ёшининг ошиши ҳам прогноз қилинмоқда. Бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида ташкил этилган “Бюджет, солиқ ва пенсия тизимларида акселератор механизмларни такомиллаштириш” мавзусидаги I республика молиячилар

<sup>125</sup> “Бюджет, солиқ ва пенсия тизимларида акселератор механизмларни такомиллаштириш” мавзусидаги республика молиячилар форуми материаллари. [www.bfa.uz](http://www.bfa.uz). – Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси.


<sup>126</sup> Маматов Б.С., Хамраева Ф.Ш. Пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 6, декабрь, 2018 йил

форумида ҳам таъкидлаб ўтилди. Форумда ўртача умр кўриш ёшининг ошиши борасида Пенсия жамғармаси томонидан қилинган прогноз маълумотлар тақдим этилди.

3.6-расмда келтирилган маълумотларда ўртача умр кўриш давомийлиги:

– 1950-1955 йилларда эркекларда 52,4 ёш бўлган бўлса, 2015-2020 йилларга келиб эса 69,4 ёшни, 2095-2100 йилларда эса 78,9 ёшга етиши кўзда тутилмоқда.


– 1950-1955 йилларда аёлларда 59,9 ёш бўлган бўлса, 2015-2020 йилларга келиб эса 72,7 ёшни, 2095-2100 йилларда эса 82,9 ёшга етиши кўзда тутилмоқда.



**3.6-расм. Ўзбекистонда ўртача умр кўриш давомийлиги<sup>127</sup>**

Ўртача умр кўриш ёшининг ошиши албатта пенсия тўлов даврининг ошишига ҳам олиб келади. Бу эса пенсия тизимида жиддий таъсир кўрсатади. Чунки мамлакатимизда авлодлар бирдамлиги тамойилига асосланган давлат пенсия тизими амал қилади.

<sup>127</sup> “Бюджет, солиқ ва пенсия тизимларида акселератор механизмларни такомиллаштириш” мавзусида I республика молиячилар форуми материаллари. [www.bfa.uz](http://www.bfa.uz). – Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси.



3.7-расм. Ўзбекистонда пенсия тўлов даври<sup>128</sup>

Изданишларимиз натижасида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни бартараф этиш мақсадида ўртача умр кўриш ёшига боғлиқ ҳолда пенсия тўлов даврининг ўсишини ҳисобга олиб, пенсия ёши ва ўртача умр кўриш ёшининг оралиғидаги давр яъни пенсия тўлови даврининг ўзгаришига қараб ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқини берувчи пенсия ёшини ошириш таклиф қилинди ва амалиётга жорий қилиш учун қабул қилинди.

Шунингдек, пенсия тизимини ислоҳ этиш борасида III даражали пенсия тизимини жорий этиш масаласи ҳозирги кунда ишлаб чиқилмоқда.

“Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан пенсия таъминоти тизимини комплекс ўрганиш ва уни ривожлантириш юзасидан таклифлар тайёрлаш ҳамда 2019-2030 йилларда пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш Концепциясини ишлаб чиқиш бўйича Чора-тадбирлар дастури қабул қилинди. Мазкур Дастур қуйидагиларни ўзи ичига олади”<sup>129</sup>:

1. “Пенсия таъминоти тизимининг жорий ҳолатини ўрганиш, таҳлил қилиш ва уни ривожлантириш бўйича таклифлар тайёрлаш. Жаҳон банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури экспертлари билан

<sup>128</sup>Муаллиф томонидан тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган.

<sup>129</sup> Маматов Б., Хамраева Ф. Пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №6, декабр, 2018 йил.

хамкорликда пенсия таъминоти тизимининг асосий концептул йўналишларини аниқлаш.

2. Пенсия таъминоти тизимининг самарадорлиги ва ижтимоий адолатлилигини ошириш масалаларини ўрганиш. Бунда:

– аҳолининг кам таъминланган қатлами учун ижтимоий нафақалар тайинлаш меъёрлари ва стандартларини белгилаш масалаларини қайта кўриб чиқиш;

– кексаларга ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга, шунингдек, давлат пенсияларини тайинлаш учун зарур бўладиган талаб этиладиган меҳнат стажига эга бўлмаган шахсларга пенсия (ижтимоий нафақа) тайинлаш ва тўлашнинг амалдаги механизмларини қайта кўриб чиқиш;

– имтиёзли пенсияларни тайинлашдаги имтиёزلарни оптималлаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

– ижтимоий бадал тўловчилар қамровининг кўламини кенгайтириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

– пенсия таъминоти тизими самарадорлигини ошириш ва ижтимоий адолатни таъминлаш бўйича таҳлилий материал ва таклифлар тайёрлаш.

3. Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимида рағбатлантирувчи характердаги механизмларни ўрганиш:

– фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимида узоқ муддатли ва узлуксиз иштирокини рағбатлантириш;

– меҳнат стажининг давомийлиги ва иш ҳақи миқдорига боғлиқ ҳолда пенсия миқдорларини ошириш (талаб этилган меъёрлардан юқори даражада);

– меҳнат стажи давомийлигини рағбатлантириш “хуфёна иқтисодиётдан чиқиш”;

– меҳнат мигрантлари ва норасмий секторни ижтимоий суғурта тизимига жалб қилиш йўли билан пенсия бадаллари тўловчилар сонини тубдан кенгайтириш бўйича таклифларни қайта ишлаш ваасослаш, тўланаётган пенсия бадалларининг шаффофлигини таъминлаш;

– пенсия таъминоти тизимида узоқ муддатли ва узлукусиз иштирок этувчи фуқароларни рағбатлантириш бўйича таҳлилий материал ва таклифлар тайёрлаш;

4. “Фуқароларнинг ижтимоий суғурта (пенсия) тизимидаги ихтиёрий иштироки механизмини ўрганиш:

– фуқароларнинг ижтимоий (пенсия) суғурта тизимида ихтиёрий равишда иштирок этишининг шарт-шароитлари билан боғлиқ масалаларни комплекс ўрганиш;

– фуқароларга учинчи шахслар учун ихтиёрий асосда суғурта бадаллари тўлаш ҳуқуқини бериш. Ишловчи эр (хотин)нинг меҳнатга ҳақ тўлаш кўринишидаги даромадлари ҳисобидан ишламаётган турмуш ўртоғи учун ихтиёрий равишда Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш ҳуқуқини таклиф этиш. Шу жумладан, пенсия ёшига етган, аммо зарур иш стажига эга бўлмаган фуқароларга, давлат пенсияларини ҳисоблашда етишмаётган стажнинг ҳар бир ой учун Пенсия жамғармасига бир марталик суғурта бадалларини тўлаш ҳуқуқини таклиф этиш. Эр (хотин) ишламаётган турмуш ўртоғи учун Пенсия жамғармасига ихтиёрий суғурта бадаллари тўлаш тизими дунёнинг кўплаб давлатларида мавжуд. Мисол учун, Японияда бу тизим мажбурий характерга эга, бундай тизим Швеция ва Буюк Британияда ҳам мавжуд;

– фуқароларнинг мажбурий ва ихтиёрий жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимини ривожлантиришга салбий таъсир этувчи муаммоларнинг олдини олиш, шунингдек, жамғариб бориладиган пенсия маблағларининг даромадлилигини ошириш;

– фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимида, шу жумладан, жамғариб бориладиган пенсия тизимидаги иштирокини рағбатлантирувчи характердаги механизмларни кучайтириш бўйича таҳлилий материал ва таклифлар тайёрлаш”<sup>130</sup>;

---

<sup>130</sup> Ражабов Ш.У. Нодавлат пенсия жамғармаларини шакллантириш ва инвестицион фаолликни ошириш. Икт. фан. бўй. фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. – Тошкент: “Иқтисод-молия”, 2018. – 66 б.



5. Авлодларнинг молиявий иштироки эквивалентлиги ва пенсия таъминоти тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш шарт-шароитларини ўрганиш:

– “ёшга доир пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган минимал меҳнат стажи давомийлигининг шарт-шароитларини ўрганиш (Халқаро Меҳнат Ташкилотининг “Ижтимоий таъминотнинг минимал меъёрлари тўғрисида”ги 102-сонли Конвенциясида ёшга доир пенсия тайинлаш учун талаб этилган энг кам стаж 15 йил қилиб белгиланган. Дунёнинг кўплаб давлатлари, жумладан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида талаб этилган энг кам иш стажи 10-15 йилга етказилган)”<sup>131</sup>;

– илғор хориж тажрибасини, шу жумладан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари тажрибаларини ўрганиш асосида ҳамдаасосланган ҳисоб-китобларга таянган ҳолда пенсия ёшини босқичма-босқич ошириб бориш;

– 2019-2030 йилларда давлат пенсия тизимини ислоҳ қилиш Концепцияси лойиҳаси бўйича умумлашган материаллар тайёрлаш.”<sup>132</sup>

Шунингдек, тадқиқот натижасида пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди, яъни:

белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдорида ва ундан кам пенсия олувчи шахсларга пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 20 фоизи миқдорида кўшимча тўлов жорий этиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 июндаги «Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6241-сон Фармонида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 17 ноябрдаги 20-01-34/293-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф амалиётга жорий қилиниши натижасида 2021 йилнинг 1 июлидан бошлаб энг кам ёшга доир пенсия миқдори (513 350

---

<sup>131</sup> Конвенция Международной Организации Труда “О минимальных нормах социального обеспечения” (№102). – С. 32 (№102). – 32 с. ([www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/wcms\\_c102\\_ru.pdf](http://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/wcms_c102_ru.pdf)).

<sup>132</sup> 2019-2030 йилларда пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш Концепциясини ишлаб чиқиш бўйича Чора-тадбирлар дастури.

сўм) ва ундан кам пенсия олувчиларнинг барчасига белгиланган миқдорда пенсиясига қўшиб тўлаб берилди.

Боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчиларнинг ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун қўшимча тўлов жорий этиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 июндаги «Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6241-сон Фармонида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 17 ноябрдаги 20-01-34/293-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф амалиётга жорий қилиниши натижасида 2021 йилнинг 1 сентябридан бошлаб боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун пенсиянинг энг кам миқдори – ойига 440 000 сўм этиб белгиланди ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун амалдаги тартибга мувофиқ пенсия тўлаш амалга оширилди.

Фуқароларга давлат пенсияларини тайинлаш жараёнини янада соддалаштириш мақсадида пенсия ва нафақаларни битта паспорт ёки идентификация картаси асосида тайинлаш тизимини жорий этиш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 майдаги «Фуқароларга давлат пенсияларини тайинлаш жараёнини соддалаштириш ҳамда пенсия ва нафақаларни етказиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5102-сон қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 17 ноябрдаги 20-01-34/293-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф амалиётга жорий қилиниши натижасида пенсия ва нафақаларни тайинлашда соддалаштирилган тизим яратилиб, кекса фуқароларни ҳамда пенсионерларнинг пенсия ва нафақага чиқиш билан боғлиқ овозгарчиликлари бартараф этишга эришилди;

«Саховат» интернат уйлари ҳамда Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионатида яшовчи ёлғиз пенсионерларга шахсий сарф-харажатлари учун камида тўланадиган ойлик пенсия миқдорини амалдаги 10 фоиздан 20 фоизгача ошириш таклифи Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2021 йил 25 мартдаги «Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, «Саховат» ва «Мурувват» интернат уйлари тизимини янада ривожлантириш тўғрисида»ги ПФ-6195-сон Фармонида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 17 ноябрдаги 20-01-34/293-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф амалиётга жорий қилиниши натижасида 2021 йил 1 майдан қариялар ва ногиронлар интернат уйларида (пансионатларида) яшовчи ёлғиз пенсионерларнинг пенсиялари қайта ҳисобланди ва оширилган суммада тўлаш белгиланди.

Юқоридаги ҳолатлар, ўз навбатида, пенсионерларнинг муносиб турмуш даражасини ҳамда пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, пенсионерларни ижтимоий жиҳатдан янада қўллаб-қувватлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда уларнинг салоҳияти, тажрибаси ва билимини тўлақонли жалб қилиш, юқори иш ҳақи ҳисобидан пенсияга чиққан фуқароларимизга муносиб пенсия миқдорини белгилаш орқали ижтимоий адолат принципини қарор топтиришимконини беради.

### **Учинчи боб бўйича хулосалар**

– Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижасида илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди, жумладан, 2019 йилда амалга оширилган пенсия тизимидаги ислохотлар, солиқ тизимидаги ўзгаришлар натижасида Пенсия жамғармаси даромадлари таркибидан бир мунча ўзгаришлар бўлишига сабаб бўлди. Жумладан, ишловчиларнинг иш ҳақидан мажбурий ундириладиган суғурта бадали бекор қилинди. Бу эса жамғарма даромадларига жиддий таъсир кўрсатди. Ишлаб чиқилган таклиф мазкур суғурта бадалини қайта жорий этиш орқали жамғарма молиявий барқарорлигини ошириш ҳисобланади.

– Ўзбекистонда сўнгги йилларда иқтисодий фаол (банд) аҳоли улушига ижтимоий солиқлар бўйича юклама тобора ошмоқда. 2019-2025 йилларда пенсия ёшидаги аҳолининг улуши кескин ошиши кутилмоқда (йиллик ўртача ўсиш – 16 минг нафар фуқаро) ва бу ҳолат туғилиш даражаси юқори бўлган (1950-1960-йиллардаги “Беби-бум”) даврда туғилган фуқароларнинг умумий белгиланган пенсия ёшига етиши билан боғлиқдир.

– “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунига кўра умумий тартибда пенсия ёши эркеклар учун 60 ёш, аёллар учун эса 55 ёш этиб белгиланган. Пенсия ёши 1956 йилдан бери ўзгармай келмоқда ва бу кўрсаткич билан Ўзбекистон ҳозирги кунда нафақат Марказий Осиёда, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари ичида ҳам энг ёш пенсия ёши ҳисобланади.

– Пенсия ёшининг ўзгармаганлиги, 1956 йилда ўртача умр кўриш ёши ҳозирги ҳолатга кўраанча паст бўлганлигини ҳисобга олиб, ёшнинг ўзгармаслиги ва ўртача умр кўриш ёшининг ошиши пенсия тўлов даврининг ошиб кетишига сабаб бўлмоқда ва бу Пенсия жамғармаси молиявий барқарорлигига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Мазкур ҳолатни ҳисобга олиб, пенсия тўлов даврининг ўсишига қараб туриб пенсия ёшини ошириш таклифи берилган ва бу Пенсия жамғармаси томонидан қабул қилинган.

– Пенсия тизимидаги ўзгаришлар, пенсия қонунчилиги, ундаги ўзгаришлар фуқароларга тўлиқ этиб бормаётганлиги, пенсияларни ҳисоблашда хатоликлар мавжудлиги натижасида пенсионерлар ва Пенсия жамғармаси ўртасида низолар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Молия вазирлигига келиб тушаётган мурожаатларнинг кўпчилиги ҳам айнан пенсия масаласига оидлигини ҳисобга олиб, пенсионерлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида “Пенсия Омбудсмани”ни жорий этиш таклифи берилган.

– Пенсия соҳасида мустақил пенсия омбудсман институтини ривожлантириш пенсионерлар (нафақахўрлар) ва Пенсия жамғармаси (ёки бошқа субъектлар) ўртасида зиддиятли вазиятларни тўғри ва тезкор ҳал этиш имконини беради, пенсия қонунчилигига кўра профессионаллик даражасини

оширади, пенсионерлар (нафақахўрлар) ва Пенсия жамғармаси (ёки бошқа субъектлар) ўртасидаги ҳамкорликни давом эттириш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда умумий ёндашувларнинг ривожланишини таъминлашга яқиндан ёрдам беради.

– Жаҳоннинг турли мамлакатларида ўтказилган пенсия таъминоти ислохотларининг асосий йўналишлари пенсия ёшини ошириш, эрта пенсияга чиқиш бўйича чекловлар жорий қилиш, кеч чиқишни рағбатлантириш, пенсияларни индексациялаш вачиқиш шартларини ўзгартиришга қаратилган.

## ХУЛОСА

Тадқиқот иши бугунги глобаллашув шароитида Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш имконини берди ва қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Ўзбекистонда авлодлар бирдамлигига асосланган тақсимланувчи пенсия тизими ва ихтиёрий ва мажбурий хусусиятларга эга жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими фаолият кўрсатади. Давлат кафолати остида нодавлат пенсия тизимини яратиш келажакда пенсия тизимини барқарор ишлашига хизмат қилади.

2. Пенсия таъминоти тизимининг барқарорлигига таъсир кўрсатувчи омиллардан бири сифатида аҳоли ёши таркибидаги ўзгариши натижасида пенсия ёшидаги аҳолининг меҳнат ёшидаги аҳолига боғлиқлик коэффициенти кўрсаткичи пасайиб кетаётганлиги ҳолатини келтиришимиз мумкин. Лекин демографик ўсишнинг кейинги босқичидаги ривожланган давлатларда катта ёшдаги аҳолининг ўрта ёшдаги аҳолига нисбати анча ошиб бораётганлиги кузатилмоқда. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлаш пенсия миқдорларининг муносиб тарзда ошишига, пенсия ва нафақа олувчилар таркибида камбағалликни қисқартиришга, аҳолининг пенсия жамғармасига бўлган ишончининг ошишига ҳамда суғурта бадали тўловчилар қамровини янада кенгайтиришга муайян даражада хизмат қилади.

3. Ўзбекистон Республикасида солиқ ислохотларини амалга оширилиши натижасида 2019 йилда Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадларининг 35 фоиздан ортиқ қисми бўйича тушумларнинг келиб тушмаслиги, бунинг оқибатида, етишмаётган маблағларнинг давлат бюджети ҳисобидан субсидияланишига олиб келади. Мазкур ҳолатнинг олдини олиш ёки салбий оқибатлари кўламини қисқартириш учун иқтисодий фаол аҳоли томонидан давлат пенсия таъминоти тизимига ижтимоий тўловларни амалга оширишнинг мақбул механизмларини

таъбиқ этиш орқали, иқтисодийнинг норасмий секторидаги иш ҳақини легаллаштириш каби тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

4. Жамғариб бориладиган пенсия тизими давлат пенсия таъминоти тизимига нисбатан барқарор, демографик ўзгаришлар таъсир даражаси нисбатан паст, иқтисодий ва демографик талабларга мос келади, лекин унинг бу хусусиятлари пенсия сиёсати яъни, муносиб пенсия билан таъминлаш мақсадига тўлиқ эришиш имконини бермайди. Пенсия тизимининг узок муддатли молиявий барқарорлигини таъминлаш учун пенсия тизимини молиялаштириш ва маблағлардан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш борасида қуйидаги муаммоларни ҳал этиш лозим: а) аҳоли таркибида ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсияларини расмийлаштириш жараёнларини шаффоф ташкил этиш, коррупция ҳолатларининг мавжудлиги; б) пенсия жамғармаси даромад манбаларининг ўз вақтида шаклланмаётганлиги, яъни мамлакатимизда корхоналарнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларининг юқори эканлиги; в) пенсия жамғармаси даромадлари таркибида жисмоний шахслар иштирокининг мавжуд эмаслиги; г) имтиёзли пенсияларнинг пенсия жамғармаси харажатларидаги салмоғининг юқорилиги, хусусан, Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2012 йил 12 мартдаги 2337-сонли “Имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхатларини қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори 2-сон Рўйхатнинг I-қисми, 2-сон Рўйхатнинг II-қисми, 3-сон Рўйхатнинг IX-қисмини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ; д) аҳолининг реал даромадларини ошириш мақсадида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг, хусусан ижтимоий суғурта бадалларини бекор қилиниши пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигига жиддий таъсир кўрсатганлиги.

5. Жаҳонда, шу жумладан, Ўзбекистонда ўртача умр кўриш ёшининг ўсаётганлиги, бунга мос равишда пенсия тўлов даврининг ошиб бораётган бир

вақтда пенсия ёши ва ўртача умр кўриш ёшининг оралиғидаги давр яъни пенсия тўлови даврининг ўзгаришига қараб ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқини берувчи пенсия ёшини ошириб бориш пенсия таъминотининг молиявий барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

6. Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш механизмини такомиллаштириш, берилаётган имтиёزلарни қайтадан кўриб чиқиш, шунингдек, пенсияларни ҳисоблаш, тайинлаш ва тўлаш билан боғлиқ амалиётларда пенсионер ва Пенсия жамғармаси ўртасида кўплаб низолар келиб чиқмоқда. Пенсияга чиқишда битта паспорт ёки идентификация картаси асосида тайинлаш тизимини жорий этиш мазкур муаммоларни бартараф этишга имкон беради.

7. Хорижий давлатлар, хусусан, Германия, Франция ва Форс кўрфази давлатлари тажрибалари шуни кўрсатадики, мамлакатдаги йирик компаниялар, корпорациялар ўз таркибларида ижтимоий йўналтирилган жамғармаларни ташкил этишлари нафақат ишчи ходимларнинг балки аҳоли таркибидаги ўзини ўзи банд қилган фуқароларнинг ижтимоий турмуш даражасини ошириш хизмат қилади. Худди шундай жамғармаларни малакатимиздаги йирик (Ўзбекистон ҳаво йўллари, Ўзбекистон темир йўллари, ўзбекэнерго, ўзнефтегаз ва бошқалар) корхоналарда ташкил этилиши мақсадга мувофиқ.

8. Нодавлат пенсия тизимини амалиётга жорий қилишда аввало, ривожланган давлатлар тажрибаларидан келиб чиқиб, унинг қонуний-ҳуқуқий асосларини шакллантириш керак, ушбу тизимни назорат қилувчи махсус давлат ташкилотини белгилаш, унинг бошқарув функцияларини аниқлаш, тизим самарали хизмат кўрсатиши учун бошқарув компанияларини ташкил этиш керак. Иш берувчилар томонидан касбий пенсия дастурларини ташкил этишни солиқ имтиёзларини жорий этиш орқали рағбатлантириш мақсадга мувофиқ.



# Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

## I. Расмий материаллар

### 1.1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1.1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, “Ўзбекистон” 2014 й.

1.1.2. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрдаги “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги 938-ХII-сон Қонуни

1.1.3. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 11 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-162-сон Қонуни

1.1.4. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. – Т.: 26 декабрь 2013.108.б.

1.1.5. Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги 2019 йил 9 декабрдаги ЎРҚ-589-сон Қонуни

1.1.6. Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги 2020 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-657-сон Қонуни

1.1.7. Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги 2021 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-742-сон Қонуни

### 1.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари

1.2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4161-сонли Фармони

1.2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони “Халқ сўзи”, 2017 йил 8 феврал.28 (6722)-сон

1.2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими самарадорлигини ошириш ва пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5597-сон Фармони

1.2.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 июлдаги “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги ПФ-5765-сон Фармони

1.2.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сон Фармони

1.2.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5614-сон Фармони

1.2.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони

1.2.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1252-сон Қарори;

1.2.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2753-сонли Қарори.

1.2.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида” ПҚ-4086 сонли Қарори.

### **1.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари**

1.3.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 252-сон қарори;

1.3.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги 107 сонли қарори билан тасдиқланган “Пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган қарияларга ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом.

1.3.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 19 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 30-сонли қарори асосида тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармаси тўғрисида”ги Низом;

1.3.4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги “Имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 250-сон қарори.

1.3.5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 июлдаги 195-сонли Қарорига асосан тасдиқланган “Фуқароларни тиббий-меҳнат эксперт комиссияларида тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида низом”;

1.3.6. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2011 йил 14 октябрдаги 63-сонли буйруғига асосан тасдиқланган “Пенсия ишларини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳамда пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари тўғрисида”ги Йўриқнома.

## **II. Илмий адабиётлар**

2.1. Касимова Г.А., Шолдорев Д.А. Пенсия таъминоти маблағларини бошқариш. Монография. – Тошкент: “Стар полиграф”, 2017. – 226 б.;

2.2. Орлов С.Н., Шеметов А.П. Пенсионное обеспечение в Российской Федерации. Монография. – Курган: “Изд-во Курганского гос. ун-та”, 2013. – 106 с.;

2.3. Рустамов Д.Р. Ўзбекистонда Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўналишлари. Монография. – Т: “Иқтисод-молия”, 2018. – 140 б.;

2.4. Каспарьянц Н.М. Пенсионное страхование: региональные аспекты (Краснодарский край): монография. Армавир: РИОАГПА, 2014. С. 17.

2.5. Б.Маматов, Ш.Давронов. Пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш концепцияси: жорий ҳолати, омиллари ва устувор йўналишлари. Молиячи маълумотномаси бюллетени. 2018 ноябр №11 (83) сон. 9-бет.;

2.6. Tursunov J.P. Reforms in pension supply system in Uzbekistan. // European Journal of Research P. 42-50 (2019). (№24; SJIF impact-factor 6.054).;

2.7. Ш.Давронов. Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш. Молиячи маълумотномаси бюллетени. 2018 август №8 (80) сон. 19-бет;

2.8. Турсунов Ж.П. Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизимининг ўзига хос хусусиятлари ва жаҳон тажрибаси. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №3, июнь, 2018 йил;

2.9. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент, Давлат илмий нашриёти. П ҳарфи. 158-б.;

2.10. Мосейко В. Генезис пенсионных систем как проявление социальной функции государства. (<https://www.rusrand.ru/Doklad5/Moseiko.pdf>).

2.11. Федотов А. История возникновения пенсионных систем в зарубежных странах / А. Федотов // Труды ИСА РАН. – 2006. – № 23. – С. 308-316. ([http://pnu.edu.ru/media/ejournal/articles-2015/TGU\\_6\\_174.pdf](http://pnu.edu.ru/media/ejournal/articles-2015/TGU_6_174.pdf)).

2.12. Сорокина Е. Г. Зарубежный опыт моделирования пенсионной системы // В мире прав. 2000. № 4. – С. 8-10.

2.13. Турсунов Ж.П., Аметова Ф.Р. Ўзбекистон пенсия таъминоти

тизими ва уни ислоҳ қилишнинг зарурлиги.// “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 2, апрель. 2019 йил.

2.14. Маматов Б., Хамраева Ф. Пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №6, декабр, 2018 йил.

2.15. Пудовкин А.В. Мировой опыт формирования пенсионных систем и возможности его использования в России. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук – Москва 2017. – С.16.

2.16. Д.Р.Рустамов. “Ўзбекистонда пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигин таъминлаш йўналишлари”. Иқт. фан. доктори (DSc) дисс. автореферати. – Тошкент: “Иқтисод-молия”, 2018. – 38 б.

2.17. Халқаро Меҳнат ташкилотининг конвенциялари ва тавсиялари. 2 жилд (1918-1966; 1967-2002) Т.1.П 1078;

2.18. Турсунов Ж.П., Маткаримова А. // АҚШ пенсия тизими. Тошкент молия институти, Республика илмий-амалий конференция материаллари. 2018 йил. 23 октябр. 314-316 бетлар;

2.19. Ижаева А.Р. Концепция развития пенсионной системы Российской Федерации в посткризисный период: автореф. к.э.н. – Москва: ФГБОУ ВПО Гос. Унив. Управ. 2013. – С. 31.;

2.20. Волков Я. Моделирование пенсионных реформ и оценка неявного пенсионного долга // Вопросы экономики. – Москва, 2009. - №4. – С. 113-127.;

2.21. Каледина А., Горелик О. От здоровых людей сплошной вред // Известия. – Москва, 2008 (8 февраль). - №22. – С. 9.;

2.22. Хмыз О.В. Пенсионная реформа и демографическая ситуация // Финансы и кредит. – Москва, 2008. - №30(318). – С. 54-61.;

2.23. Dynamic Social Security for Europe: A social model for recovery and growth // Social Policy Highlight. Geneva: International social security association, 2010. - №11. – Р. 2.;

2.24. Eurostat regional yearbook 2014. P. 30.

2.25. Europäische Kommission. Soziale Sicherheit in Europa. - Luxemburg,

1995.; Hanesch W. Soziale Sicherung im europäeischen Vergleich // Aus Politik und Zeitgeschichte. - Bd.34-35/98. – S. 3-10.

2.26. Hanesch W. Soziale Sicherung im europäeischen Vergleich // Aus Politik und Zeitgeschichte. - Bd. 34-35/98. – S. 3-10.

2.27. Pensions in Europe: Expenditure and Beneficiaries/ Eurostat / Theme 3-8/2004. - Luxemburg, 2004. - P. 2. Средний размер пенсии в Италии в конце 90-х гг. XX в. был самым высоким в Европе после Франции и Нидерландов.

2.28. Вахабов А.В. Европа Иттифоқи мамлакатларида пенсия таъминоти тизимини ислоҳ этиш истиқболлари. “Пенсия тизимини молиявий барқарорлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш” мавзусидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 100 йиллигига бағишланган республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Т.: ЎМУ. 2017 йил 15 ноябрь. 67-б.

2.29. European Commission. WHITE PAPER An Agenda for Adequate, Safe and Sustainable Pensions. Brussels, 16.02.2012, COM (2012) 55 final. URL: <http://eur-lex.europa.eu>.

2.30. З.Давронов. “Ўзбекистонда давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш”. Иқт. фан. бўй. фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. – Тошкент: “Иқтисодиёт”, 2019. – 16 б.

2.31. Bonoli, G. Two worlds of pension reform in Western Europe // Comparative Politics. 2003. № 35(4). pp. 399-416. URL:<http://www.econ.jku.at/members/WinterEbmer/files/papers/bonoli.pdf>

2.32. Песаренко Ж.В. Финансовая конвергенция как особый механизм модификации пенсионного и страхового секторов мирового рынка финансовых услуг Мировой опыт формирования пенсионных систем и возможности его использования в России. Диссертация на соискание ученой степени доктора экономических наук – Санкт-Петербург 2017. – С.190.

### **III. Фойдаланилган бошқа адабиётлар**

- 3.1. Маматов Б.С. Пенсия жамғармасы фаолияти. – Т.: “Баркамол файз медиа”, 2017. – 282 б.;
- 3.2. World Bank Policy Research Report: Averting the old Age Crisis. Oxford: Oxford University Press, 1994. – 402 p.;
- 3.3. Роик В.Д. Социальное страхование в меняющемся мире: каким будет выбор России? – СПб.: Питер, 2014. – 352 с.;
- 3.4. Вахабов А.В. ва бошқ. Пенсия тизимини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси. Дарслик. – Тошкент: Иқтисод-молия, 2018. – 400 б.;
- 3.5. Б.С.Маматов ва б. Чет мамлакатлар пенсия тизими. Дарслик. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2019. – 384 б.
- 3.5. Роик В.Д. Пенсионная система России: история, проблемы и пути совершенствования. М.: МИК, 2007. С. 116.;
- 3.6. Гареева И.А., Дрыга Ю.Э. Система пенсионного обеспечения в России. Тихоокеанский государственный университет, Хабаровск. Электронное научное издание «Ученые заметки ТОГУ» 2015, Том 6, № 4. – С. 168-172.;
- 3.7. Валентин Роик. Экономика, финансы и право социального страхования. Институты и страховые механизмы. – М.: «Альпина Паблицер», 2013. – С. 15 (- 258 с.);
- 3.8. Сулакшин С. С. Государственная экономическая политика и экономическая доктрина России. К умной и нравственной экономике. В 5 т, Том 1. – М: Directmedia, 2013. – С. 306. (– 841 с.)
- 3.9. Гусаков Д. История пенсионного обеспечения и социального страхования в России. Издательство: Санкт-Петербургский государственный институт психологии и социальной работы. 2010. – С. 260.
- 3.10. Old age in Europe. Luxemburg, 2001. – P.5.;
- 3.11. Jun Peng. State and Local Pension Fund Management. (Public Administration and Public Policy) 0th Edition. USA: Publisher: Auerbach Publications (August 21, 2008). – P. 5.;

3.12. Калинин И.В. Возрастная структура населения. М: Статистика. 2015г. с. 12

3.13. Возраст мудрости – возраст создания. Программа развития ООН. Москва 2015г.

3.14. Конвенция Международной Организации Труда “О минимальных нормах социального обеспечения” (№102). – С. 32 (№102). – 32 с. ([www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/wcms\\_c102\\_ru.pdf](http://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/wcms_c102_ru.pdf)).

3.15. United Nations, World Population Prospects. 2015 Revision.

3.16. Интернет сайтлари:

– <http://www.stat.uz> – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг расмий веб сайти;

– <http://www.pfru.uz> – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг расмий веб сайти;

– <http://www.ohchr.org>

– <http://pensionreform.ru>

– <http://www.internationaldisabilityalliance.org> – International Disability Alliance – Халқаро ногиронлик иттифоқи расмий веб сайти;

– <http://www.worldbank.org> – World Bank – Жаҳон банкининг расмий веб сайти.